

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК. 37.091.212:159.955

ЮНУСОВ ДИЛШОД РАХМАТОВИЧ

**ТАЛАБАЛАРДА ПЕДАГОГИК ҲУРФИКРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Кушвактов НEMAT Хусанович
педагогика фанлари номзоди, доцент

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ТАЛАБАЛАРДА ПЕДАГОГИК ҲУРФИКРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	11
1.1. Эрамиздан олдинги даврларда ҳурфикрлик ғоялари	11
1.2. Диний таълимотларда ҳурфикрлик ғоялари	20
1.3. Ўрта аср ва бугунги кунда ҳурфикрлик ғоялари	29
Биринчи боб бўйича хулосалар	45
II БОБ. ТАЛАБАЛАРДА ПЕДАГОГИК ҲУРФИКРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	47
2.1. Талабаларда педагогик ҳурфикрликни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик жиҳатлари	47
2.2. Талабаларда педагогик ҳурфикрликни ривожлантириш технологиялари	57
2.3. Талабаларда педагогик ҳурфикрликни ривожлантириш модели	70
Иккинчи боб бўйича хулосалар	88
III БОБ. ТАЛАБАЛАРДА ПЕДАГОГИК ҲУРФИКРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ	89
3.1. Талабаларда педагогик ҳурфикрликни ривожлантиришдаги тажриба-синов ишлари мазмуни	89
3.2. Талабаларда педагогик ҳурфикрликни ривожлантириш самарадорлиги	103
Учинчи боб бўйича хулосалар	118
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	120
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	123
ИЛОВАЛАР	134

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал даражаларига қўйилаётган талабларнинг ортиб бориши уларнинг педагогик хурфикрлилигини ошириш ва компетентли таълим концепциясига асосланган таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Таълим муаммолари бўйича бутунжаҳон Форумида қабул қилинган 2030 йилгача мўлжалланган концепцияда «...Ўқитиш ва касбга тайёрлашда турли хил таълим олиш имкониятларини кучайтириш ва кенгайтириш» долзарб вазифа этиб белгиланди [7]. Бу, ўз навбатида, бўлажак ўқитувчиларга педагогик хурфикрлиликни ривожлантириш ва унга таъсир этувчи ахборот ва телекоммуникацион таъминотнинг педагогик имкониятларини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Жаҳонда талабаларнинг педагогик хурфикрлиликка оид илмий дунёқарашини ривожлантириш, олий таълим тизимида таълим-тарбия жараёнини интеграциялаш механизмларини яратиш, педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришнинг дидактик асосларини аниқлаш, уларни амалиётга татбиқ этиш, педагогик билимларни касбий фаолиятда қўллай олиш компетенциясини ошириш, педагогик хурфикрлиликка оид билимларни тўлиқ ўзлаштириш технологиясини такомиллаштириш, интеллектуаллик ва компетентлик даражаларини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Натижада педагогик тизимда инновацион технологияларнинг интегратив ёндашув асосида қўлланилиши, талабаларнинг касбий компетенцияларининг кенгайтирилиши ва педагогик хурфикрлиликни ривожлантириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимида юз бераётган ислохотлар, малакали ходимларга бўлган талаблар, бўлажак ўқитувчиларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантириш, халқаро талаблар асосида билим олиш каби ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Таълим соҳасида амалга оширилган

ислохотлар натижасида билим олувчиларни замон талаблари асосида ўқитиш имкониятлари учун барча шароитлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилда 29 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида «...Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратиш» вазифаси қўйилган бўлиб, олий педагогик таълимда талабаларнинг педагогик хурфикрлилигини ривожлантириш тизимини такомиллаштириш асосларини ишлаб чиқиш ва назарий-методик тавсияларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади [9].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-

маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим тизимида инсон тафаккурини ривожлантиришнинг фалсафий, педагогик-психологик жиҳатлари, талабаларнинг миллий, маънавий, ахлоқий, валеологик, ижодий, бадий ҳамда инновацион тафаккурини ривожлантириш масалалари Ж.Туленов [87], Н.Жўраев [49], М.Давлетшин [43], В.Каримова [54], Г.Туленова [88], Ғ.Шоумаров [102], Т.Қурбонов [128], А.Захидов [47], Ш.Шаабдурахимова [100], У.Бегимқулов [23], О.Мусурмонова [69], Б.Адизов [18], Ш.Мардонов [66], Н.Эгамбердиева [114], Ш.Шарипов [101], О.Жамолдинова [48] каби ўзбек олимлари томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) давлатларида эркин фикр юритиш, таълим олувчиларнинг компетентлигини ошириш каби муаммолар Р.Ш.Маликов [64], В.В.Зайцев [46], А.В.Рогова [78], Н.С.Коноплев [55], Е.Д.Хомская [94], Л.С.Выготский [34], А.В.Сагадеев [80], Т.И.Лобачева [58], Б.Р.Гильмутдинов [35] ларнинг тадқиқот ишларида таҳлил қилинган.

Ривожланган хорижий давлатларда бўлажак ўқитувчиларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш ҳамда таълимда ҳурфикрлилик масалалари Nor Lisa Sulaiman [152], Reijo Byman Pertti [153], Pertti Kansanen [154], Jennifer H.Reed [155], Croft [156], James Andras Koltay [157] каби педагог-психологларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режаларининг «Таълим-тарбия жараёнларида Шарқ педагогикасидан фойдаланиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришнинг ижобий характерини очиб берувчи компонентлар мазмунини аниқлаштириш;

талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришнинг ташкилий, ахборот ва телекоммуникацион таъминотининг педагогик имкониятларини кенгайтириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш;

талабаларда педагогик ҳурфикрлиликнинг ривожланганлик даражасини диагностик методлар ёрдамида баҳолаш ва мониторингини амалга ошириш;

талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришнинг моделини яратиш ва уни такомиллаштириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш жараёни танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришнинг педагогик омиллари ва инновацион технологияларни қўллашнинг шакл, метод ва воситалари танланган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишини олиб боришда муаммога оид сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; таълимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва адабиётларни ўрганиш; олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, анализ ва синтез, ижтимоий сўровнома, социометрик методлар, педагогик эксперимент натижаларини математик-статистик таҳлил этиш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришнинг ижобий хусусиятларини очиб берувчи қадриятли, лойиҳавий, тарбиявий, технологик компонентлар субъект-объект, объект-субъект, субъект-субъект муносабатлари ҳамда йўналишлар таснифи натижалар самарадорлигининг

виртуал саёҳат, интерфаол ўқиш, қисман изланувчанлик каби омилларини киритиш орқали аниқлаштирилган;

талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришга таъсир этувчи ижтимоий, табиий, психологик, физиологик, технологик омиллар ахборот ва телекоммуникацион таъминотнинг педагогик имкониятлари таъсирини виртуал, медиатаълим ва инновацион таълим технологияларини интегратив жорий қилиш орқали такомиллаштирилган;

талабаларда педагогик ҳурфикрлиликнинг ривожланганлик даражасини диагностик методлар ёрдамида объектив, субъектив, мазмунли баҳолаш компонентларини аниқлаштириш асосида жараённинг баҳолаш мониторингини амалга ошириш тизими онглилик, кўргазмалилик, узлуксизлик, илмийлик сингари таълим тамойилларига устиворлик бериш орқали ривожлантирилган;

талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш модели дидактик васиталарни қўллаш усулларини интеграциялаш ҳамда ҳурфикрлиликнинг ривожланиш даражасини ташхислашнинг таълим-тарбия жараёнига, жамоага, манбаларга, ўз-ўзига бўлган қадриятли муносабатлар каби мезонларни аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

талабаларда педагогик ҳурфикрлиликнинг ривожланиш даражасини диагностика қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришда инновацион технологияларни ўқув жараёнида самарали қўллаш модели ишлаб чиқилган;

педагогик туркум дарсларида талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш жараёнида инновацион технологияларни қўллашга доир услубий-дидактик таъминоти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашувлар ва методларнинг илмий-услубий асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов

ишлари самарадорлиги математик-статистик усуллар воситасида аниқлаштирилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инновацион ёндашувнинг асосланганлиги, педагогик туркум дарсларида инновацион технологияларни қўллашнинг педагогик моделининг илмий асосланганлиги, ўқув фанлари мазмунининг илғор халқаро ва миллий тажриба асосида илмий-назарий бойитилганлиги ҳамда талабаларни педагогик туркум мавзуларида педагогик хурфикрлилик билан таништиришга асосланган таълим муаммолари (маънавий, психологик, коммуникатив, бадиий-ижодий) комплекс ечимининг самарали усули сифатида очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар, умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича такомиллаштирилган малака талаблари, фан дастурларини ишлаб чиқишда таълимий-тарбиявий фаолиятга тайёрлашга доир компетенцияларнинг аниқлаштирилганлиги; дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда таълимий-тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда замонавий ёндашувларнинг самарали механизмлари такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

Талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришда замонавий инновацион технологияларнинг педагогик имкониятлари (субъектлар муносабатлари, йўналишлар таснифи, натижалар самарадорлиги) га доир таклифлар ва тавсиялардан педагогика институтлари талабаларининг таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2019 йил 23 майдаги 71-03-2398-сон маълумотнома). Натижада педагогика институтлари талабаларида педагогик қобилиятлар, педагогик хурфикрлашга оид қизиқишлар, педагогик хурфикрлилик борасидаги тасаввурларини ошириш имконини берган;

Педагогика институтлари талабаларининг педагогик хурфикрлигини ривожлантириш жараёнларига таъсир этувчи (дидактик, психологик, физиологик, технологик, интегратив) омиллар инновацион технологияларни таснифлаш машғулотида интерфаол усуллар (интерфаол ўқиш, виртуал саёҳат, ақлий ҳужум) асосида такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялардан фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 майдаги 71-03-2398-сон маълумотнома). Натижада педагогика институтлари талабаларининг педагогик хурфикрлигини ривожлантириш жараёнида ижодий қобилиятларини шакллантириш ва бадий матнларни тўғри танлашга эришилган;

Педагогика фанлари туркум дарсларида педагогика институтлари талабаларида педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришнинг педагогик модели янги интерфаол таълим технологиялари (бадий асарнинг таъсирчанлигини моделлаштириш, театрларга бориш, роллар ижро этиш, асарлар ва воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш) ҳамда педагогик модели жорий этишнинг илмий-методик таъминоти ўқув машғулотларининг алгоритмик хариталари, интерфаол ўқув жараёнини таъминловчи методик тизим, умумқасбий характердаги интеллектуал топшириқлар, педагогик дастурий воситалар, тизимлаштирилган маълумотлар базасини ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсияларидан (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 майдаги 71-03-2398-сон маълумотнома) фойдаланилган. Натижада педагогика институтлари талабаларининг таълим-тарбия жараёнларига ижодий ёндашишига оид билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, ўзлаштириш самарадорлигини ошириш, педагогик хурфикрлаш қобилиятини бойитиш имконини берган;

Педагогика фанлари туркум дарсларида инновацион технологияларни кўллашнинг педагогик моделини такомиллаштиришда педагогика институтлари талабаларининг педагогик хурфикрлигининг ривожланиш даражасини ташхислаш компонентлари (таҳлил, лойихалаш, анкета, башоратлаш), функцияларини интегратив мувофиқлаштиришга доир таклиф ва тавсияларидан Жиззах, Навоий, Кўкон педагогика институтларида таълим-тарбия жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 майдаги 71-03-2398-сон маълумотнома). Натижада педагогика институтларида ўқув фанлари мазмунининг бойитилишига ҳамда таълим сифат ва самарадорлигига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 1 та услубий кўлланма, 6 та илмий журналлар (2 та хорижий)да, 6 та илмий-назарий конференция ва илмий мақолалар тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 122 саҳифани ташкил этади.

I-БОБ. ТАЛАБАЛАРДА ПЕДАГОГИК ҲУРФИКРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Эрамиздан олдинги даврларда ҳурфикрлик ғоялари

Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган жамики ислохотлар баркамол авлод тарбияси, юксак маънавиятли шахсни тарбиялашга қаратилган. Бундай саъй ҳаракатлар давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ёшларга катта имкониятларни яратиб бермоқда. Шунинг учун ҳам замонавий илм-фан, техника, технология ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида эришилган ютуқларни таълим тизимига татбиқ этиш орқали малакали кадрларни тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида қайд этиб ўтилган.

Мамлакатимиз таълим-тизими юксак малакали, ахлоқий хусусиятларга эга педагогик кадрларни тайёрлаш, хусусан, ёшларни юксак маънавиятли шахс сифатида тарбиялашга йўналтирилган.

Шу маънода олий педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчилар онгида ҳурфикрликни шакллантириш, уларнинг касбий тайёргарлик кўламини кенгайтиришни ва муҳим ижтимоий-педагогик вазифани бажаришини ифодалайди.

Ёшларга педагогик ҳурфикрликнинг тарихий илдизлари ҳақидаги маълумотларни сингдиришда қуйидаги тизимга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

- ҳурфикрлик тарихи тўғрисида илмий асосга эга бўлган маълумотлар;
- халқ оғзаки ижоди тўғрисидаги маълумотлар;
- илк ёзма манбалар ва уларнинг ахамияти тўғрисидаги маълумотлар;
- буюк сиймолар тўғрисидаги маълумотлар;
- педагоглар тўғрисидаги маълумотлар;
- бадий адабиётларда ҳурфикрлик тўғрисидаги маълумотлар.

Бугунги кундаги одамнинг, яъни HOMO-SAPINES [56] (*илк ақл идрокли одам*) нинг илк маротаба бу оламга келиши борасида ҳар хил фикрлар бор. Улар тахминан 50 минг йиллар олдин пайдо бўлганлиги манбаларда ўз аксини топган. Илк одамлар табиат билан ҳамнафас бўлиб яшаши учун, унинг барча қонуниятларига сўзсиз бўйсиниши керак эди. Одамлар табиатнинг ривожланишини диққат билан кузатиш орқали хулоса чиқаришган. Шунинг натижаси сифатида уларда ижтимоий ҳаётни йўлга қўйиш масаласи пайдо бўлган ва аста-секинлик билан ўзларида мавжуд бўлган ҳайвонларга хос ҳирсларни илк инсоний хислатлар доирасида бошқариш кўникмаларини ишга солишган. Демак, илк одамларда аста-секинлик билан эволюцион тарзда ривожланиш ва ижтимоийлашув юзага кела бошлаган. Бу борада етук олимларнинг фикрлари турлича бўлиб, биз айнан Россия Фанлар академияси академиги Анатолий Деревянконинг кўйидаги фикрларига қўшилаемиз. Африка ва Евроосиёда замонавий одамларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган барча занжир *Homo erectus sensu lato*нинг аждодларига асосланган. Кўриниб турибдики, инсониятнинг илк ақл-идрок билан ривожланишининг бутун эволюцияси одамзотнинг бир қанча турлари билан боғлиқ экан.

Ақлан ўсишнинг иккинчи миграция тўлқини Ўрта Осиё, Жанубий Сибир ва Олтойга тахминан 300 минг йил олдин Яқин Шарқдан келган. Хронологик босқичдан бизга маълумки, Денисова ғорида, Олтойдаги ғорларда ва бошқа жойларда тош саноатининг узлуксиз бир-бирига ўхшаш ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Бундан кўринадики, бу вақтда инсоннинг жисмоний жиҳатдан ривожланганлигидан дарак беради.

Бу ерда саноатнинг ривожланиши Евроосиё ва Африканинг қолган қисмига нисбатан ҳеч қандай ибтидоий ёки архаик бўлмаган, балки минтақанинг атроф-муҳит шароитларига боғлиқ бўлган Хитой-Малай зонасида ҳам саноатнинг, ҳам шахснинг анатомик турининг эволюцион ривожланиши эректоид шакллари асосида содир бўлди. Бу маълум бир

худудда шаклланган замонавий типдаги одамни *Homo sapiens orientalis* кичик турига ажратиш имконини беради.

Худди шу тарзда *Homo sapiens altaiensis* ва унинг моддий ва маънавий маданияти Жанубий Сибирга яқинлашиб ривожланди.

Ўз навбатида, Европада *Homo sapiens neanderthalensis* автохон тарзда ривожланди. Европага замонавий типдаги одамлар Африкадан келишган. Ушбу икки кичик тур ўртасидаги муносабатларнинг шакли ҳақида мунозаралар мавжуд, аммо генетика ҳар қандай ҳолатда замонавий одамларда неандертал геномининг бир қисми мавжудлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, *Homo sapiens* - бу тўртта кичик турни ўз ичига олган тур. Булар: *Homo sapiens africanensis* (Африка); *Homo sapiens orientalis* (Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё); *Homo sapiens Neanderthalensis* (Европа); *Homo sapiens altaiensis* (Шимолий ва Марказий Осиё)дир. Барча археологик, антропологик ва генетик тадқиқотлар шундан далолат беради. [44]. Бу фикрлардан кўриниб турибдики, қадимги аجدодлар ер қуррасининг қаерида яшамасин, тараққиёт сари интилишган. Шунинг учун ҳам улар табиат ва жамиятда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга муносабат билдириш орқали ўзларининг илк ҳурфикрлиликка оид қарашларини намоён қилишган.

Хурфикрлиликка биз маънавиятнинг бир белгиси сифатида қараймиз. Одамзотнинг илк даврлардаги ҳурфикрлилик билан боғлиқ саъйи ҳаракатлари ҳамма нарсани истеъмол қилиб бўлмаслик, ҳамма нарсага ҳам тегиб паймол қилиш мумкин эмаслиги, «Табу» (ибтидоий жамият босқичидаги халқларда тарқалган тақиқлаш тизими)да ўз ифодасини топган [130]. Табу жамиятни онгли тарзда назорат қилиш ва бошқариш орқали одамлар қалбини инсоний фазилатлар билан тўлдиришга ҳаракат қилган. Буни биз инсон қалбини эзгу ишлар билан тўлдириш билан бир қаторда уларнинг руҳиятини поклашдаги ижтимоий назорат, жамиятни маънан бошқаришнинг илк шакли, деб ҳисоблашимиз мумкин. Ўша даврларда қариялар, аёллар ва гўдакларни сўйиб ейиш (каннибализм) урф бўлган. «Табу» бундай ёмон иллатларга қарши туриб, кимда ким тошбағирлик қилса,

карилар, аёллар ва гўдакларни сўйиб еса ёки емоққа ҳаракат қилса, уларга нисбатан жамоатчиликнинг нафратини кўзғатган ва улар қаттиқ жазоланган. Ўша даврларда яқин қариндошларнинг оила қуриб яшаши оддий бир ҳол бўлганлиги сабабли болаларнинг нимжон туғилиши, касалликларга тезда чалиниши, ташқи кўринишида нуқсонларнинг пайдо бўлиши тез-тез кўзга ташланган. Буни кўриб турган илғор фикрли инсонлар бир уруғ ичидаги қизларга уйланиб, оила қуришни тақиқлаганлиги ҳам хурфикрлиликнинг бир кўринишидир.

Жамиятни бошқаришнинг бундай тарихий шакли одамлар орасида меҳр-муҳаббатни кучайтирган. Тажрибали инсонларнинг иш юритиш услубини оммалаштирганлиги сабабли жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит шаклланган, ижтимоий тараққиётнинг асоси пайдо бўлган.

«Табу» ўз фаолияти жараёнларида қадриятларга тўғри келмайдиган одатларни аста-секинлик билан йўқ қилган. Масалан, юқорида айтиб ўтилган ҳолатлардан бири яқин қариндошлар, қабиладошларнинг оила қуришининг тақиқланиши натижасида бошқа уруғ ва қабилалар билан келишиш имконини яратган. Демакки, ўз-ўзидан бошқа қабилалар билан қудандачилик йўлга қўйилган.

Қадимги даврларда пайдо бўла бошлаган хурфикрлилик инсон тафаккурини кенгайтди. Одамлар табиат ва жамиятга муносабатини ўзгартириб бориши натижасида ижтимоий онгнинг такомиллашиши кузатилган. Одамлар ўзларига яратилган шароитнинг асосчилари бобокалонлари эканликларини англаб, қачонлардир бу дунёни тарк этган аждодларининг руҳларини шод қилиш мақсадида уларнинг қабрларига сифинишни бошлаган. Бундай ҳаракатлар эса тотем (ибтидоий уруғ, қабилаларда диний ҳурмат-эҳтиром объекти бўлган, яъни илоҳийлаштирилган ҳайвон, ўсимлик, бирор нарса-буюм ёки табиат ходисаси)нинг дастлабки кўринишидир.

Табу ва тотемлар эътиқодлари одамлар ўртасида гуноҳ ва савоб каби тушунчаларни келтириб чиқарган. Одамлар айрим диний китобларда қайд

этилган тақикловчи ва руҳсат берувчи кўрсатмаларга ишонмай, табиат ва жамиятда содир бўлаётган ҳодисалар ва воқеаларга ўзгача муносабат билдира бошлаши ҳурфикрловчи инсонлар пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Маълум тарихий даврда олам, табиат ва жамият ҳодисалари, унда одамнинг ўрни ва роли ҳақидаги муайян жамиятда етакчи ёки ҳукмрон бўлган дунёқараш, у асосда шаклланган тасаввурлар, барқарор (стереотип) қарашлар ҳақлигига шубҳа билан қараш, ишончсизлик, тафаккур усулининг анъанавий тарзлари доирасидан чиқиб, эркин фикр билдириш, ҳақиқатни излаш ва топишда ақлга, илм-фанга, ижтимоий тажрибага таяниб, янги фикрлар, ғоялар билдириш, назарий қоидалар яратиш сифатида эътироф этилган бўлса, айтиш мумкин бўлган маънавий маданиятни такомиллаштириш, ижтимоий муносабатларни инсоний изга солиш ҳаракати ҳамдир [53]. Қадимда вафот этган инсоннинг жони, руҳи ўзи яшаб ўтган уйга келиб туриши борасидаги қарашлар замирида ўлган одамларнинг руҳига сиғиниш, улардан нажот кутиш каби одатлар пайдо бўлган. Ҳурфикрлилик одамларни руҳий, жисмоний эзилишдан, тетиклашишга олиб келганлиги, натижада инсонларда ҳиссий интилишлар юзага келганлигини халқ оғзаки ижодининг баъзи бир жанрларида кузатамиз.

Ҳурфикрлилик тарихан турли шаклдаги ақидапарастликни танқид қилишда ҳам намоён бўлган. Масалан, антик дунёда коинот ва осмон жисмларининг ўзгармаслиги, Қуёш, Ер, Ой, юлдузларнинг ҳаракатланмаслиги тўғрисидаги ақидалар мустаҳкам ўрин эгаллаган эди. Кейинроқ уларга қарши Птоломейнинг Қуёш ва Ойнинг Ер атрофида айланиши тўғрисидаги ғояси пайдо бўлди. Бу ҳол турли ихтиро ва кашфиётларга туртки бўлиб, астрономик кузатишлар олиб боришга имконият яратди [65; 753-6].

Инсоният тарихида ҳурфикрлиликнинг илк кўринишлари милоддан аввалги 12-9 минг йилликлар - мезолит даврига бориб тақалади.

«Мезолит» юнонча «mezos» - ўрта, «litos» - тош, яъни ўрта тош даври. Бу даврга келиб қадимги одамлар ўқ-ёй яшани ўрганиши овчиликка асос солди. Унинг натижасида одамлар аста-секинлик билан ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргата бошлади. Бу даврда одамлар қўлга ўргатилган ҳайвонлар учун бошоқли ўсимликларни ўстириш кераклигини англади ва унинг уддасидан чиқди. Одамларнинг онг даражасининг ўсиши натижасида олами ҳиссий ўрганишга ва унга муносабат билдиришга ҳаракат қилиши оқибатида қоятош суратлари пайдо бўлишига туртки бўлган.

Милоддан аввалги 9-4 минг йиллик неолит даврининг бошларида Яқин Шарқда яшаган одамлар деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликни ўзлаштириб олган ва ўтроқ турмуш тарзига ўтган. Бу даврга келиб одамларнинг ҳурфикрлашлари натижасида тош болта, теша, пичоқ ва сопол идишларни яшани ўрганиши одатий бўлган турмуш тарзидан, янги турмуш тарзига ўтишлари учун замин бўлди.

Милодий 1 минг йилликгача бўлган бронза даври инсониятнинг энг қадимги даврининг сўнгги босқичларидан бири ҳисобланади. Бу даврда жез қуроллардан фойдаланиш бошланганлиги инсоният тарихида одамлар ўзларига шарт-шароитларни яратишлари уларнинг фикрлашларида ўсиш борлигини кўрсатади. Бу даврда одамлар меҳнат қуролларининг сифат жиҳатдан устунлиги ва қулайлигига эътибор қаратганлиги ҳам ўша давр инсонларининг ҳурфикрлигидан далолат беради.

Жаҳон педагогик тадқиқотчилиги тарихида ҳам ҳурфикрлилик, бунда таълимнинг ва педагогик кадрларнинг ўрни масалалари таҳлил қилиб ўтилган. Жумладан, Милет фалсафий мактабининг асосчиси Фалес (мил.ав.624-547й.) ҳақли равишда ўз даврининг ўткир билимдони, савдогар, сиёсий арбоб, мунажжим, риёзиётчи, географ, физиолог, файласуф ва таниқли гидроинженер бўлган. Фалес бир неча минг йиллар олдин Қуёш тутилишини башорат қилиб, унинг сабабини Ой Қуёш йўлини тўсиши оқибатида содир бўлишини айтиб ўтган. Фалес қуёшнинг бир йил давомидаги ҳаракати 365 кунга тенг эканлигини исботлаб берган. Тарихий

манбаларда келтиришича, Фалес Кичик айиқ юлдузини кашф этган, биринчи бўлиб, оламнинг моддий бирлигини ва бу моддий birlik доимо ўзгаришда эканлигини эътироф этган [50].

Фалеснинг шогирди, юнон файласуфи, Милет мактабининг намояндаси Анаксимандр (мил.ав.тахм.611-545й.)нинг хурфикрлилик ғояларини унинг «Табиат ҳақида» асарида кўришимиз мумкин. Асарда коинотнинг геоцентрик моделини, ilk географик харитасини тузган. Одамнинг «бошқа турдаги ҳайвонот» (балиқлар)дан келиб чиққанлик ғоясини баён қилган. Анаксимандрнинг хурфикрлилиги у илм аҳли орасида биринчи бўлиб, ҳаракатсиз юлдузлар билан сайёралар ўртасида фарқни кўрсатиб беришида намоен бўлган. Шу билан бир қаторда у қуёшнинг тутилиши ой, Қуёш билан Ернинг ўртасига тушиб колганда тутилиш рўй беради, дейди. У яна қорнинг, дўлнинг ёғиши борасида булутдан пайдо бўлган ёмғир совугач, дўлга айланиши, ҳавонинг сув билан аралашшидан қор пайдо бўлишини айтиб ўтган [121; 461-б].

Гераклитнинг энг муҳим фалсафий ғояси қарама-қаршилиқларнинг кураши ва уйғунлигидир. Унинг фикрича, ўзгаришлар қарама-қарши кучларнинг таъсири натижасидир, қарама-қаршилиқлар абадий курашда, ҳамма нарса кураш ва зарурият оқибатида вужудга келади. Гераклитнинг фикрича, оламни билишнинг асосида сезгилар ётади. Фақат тафаккургина доноликка олиб боради [122; 225-226-б]. Бугунги кунда ҳам Гераклитнинг фалсафий қарашлари инсонларни доимий равишда янгича фикрлашга ундаб турганлиги боис ҳам биз уларнинг қарашларидан талабаларда педагогик хурфикрлиликни шакллантиришда кенг фойдаланишни йўлга қўйишимиз мумкин.

Шу билан бир қаторда қуйида номлари зикр этилган буюк файласуфларнинг хурфикрлиликка оид қарашларига эътибор қаратсак, қуйидагилар кўзга ташланади.

Пифагор (эр.ол.570-409й.) сиёсатга хурфикрлилик билан ёндашганлиги туфайли подшо Поликрет билан чиқиша олмаган. Пифагорнинг хурфикрлиги

Ўз замонасининг илғор ғояли инсонларидан бири эканлигидан далолат беради. У дунёни билиш жараёни ва билишнинг инсон шаклланиши, ривожланиши ва камолотидаги ўрнини ёритиб берган. Пифагор оламни англаш, аввало, рақамларни билишдан бошланиши кераклигини айтиб ўтган. Унинг бу фикрлари ҳозирги кунда ҳам қандай аҳамиятга эга эканлигини кўриб турибмиз.

Сукрот (Сократ) (э.р.о.л.469-399й.)-қадимги Юнон файласуфи. У ўз замонасининг хурфикрли инсони бўлганлиги учун ҳам ёшлар тарбияси билан мунтазам равишда шуғулланган. У Афинада амал қилган қонунларни нотўғри ва адолатсиз, деб ҳисоблаган. «Афлотун менинг дўстим-у, аммо қонун дўстликдан устун туради», деган ҳикматли ибора ўша давр маънавиятининг яққол ифодасидир [90; 384-б].

Афлотун (Платон) (э.р.о.л.428-347й.) «Ғоялар дунёси ва соялар дунёси» таълимотининг асосчисидир. Унингча, ғоя ҳақиқий борлиқ, биз биладиган ва яшайдиган дунё эса унинг соясидир. Афлотун ўзининг «Давлат» асарида жамият, унинг идеал сиёсий тузуми тўғрисидаги қарашларида кишиларнинг одил жамиятдаги қонунларга бўйсунуши ижтимоий тараққиётнинг асосий гаровидир-деб эътироф этади. Унинг фикрлари бу нафақат ўзи яшаб ўтган давр, балки бугунги кун учун ҳам бирдек тааллуқлидир.

Арасту (Аристотель) (э.р.о.л.384-322й.)нинг хурфикрлиги мавжуд фанларни икки турга, назарий ва амалий фанларга бўлганлигида яққол кўзга ташланади. У амалий фанларни бирор бир фойдали ишни амалга оширишга йўналтириш кераклигини уқтиради. Назарий фанларни эса уч қисмга ажратиб, унинг таркибини қуйидагича белгилаб берган. Булар:

- фалсафа (метафизика);
- математика;
- физика.

Арастунинг хурфикрлилик таълимотига кўра, оламдаги нарса ва ҳодисаларни тўртта сабабга бўлиб кўрсатади. Булар:

- моддий сабаб, яъни модда (материя);

- шаклий сабаб ёки шакл;
- яратувчи сабаб;
- пировард сабаб ёки мақсад сабаблардир.

Демокрит (э.р. ол. 460-370 й.) ҳақиқий борлиқ-моддий дунё, абадий ва поёнсиз, чексиз-чегарасиз реалликдир, олам майда моддий заррачалардан, яъни атомлардан ва бўшлиқдан иборат, дея таълим беради. У атомлар ва бўшлиқ ўзаро яхлит абадий ибтидодир. Улар бўлинмас ва ўзгармас, сифат жихатдан бир хил, унинг миқдори шакли сингари беҳисобдир. Ҳаракат,- деган эди Демокрит,- атомлардан иборат модданинг абадий, табиий ҳолатидир. У тасодифиятни инкор этиб, «на табиатда, на жамиятда ҳеч бир нарсаси тасодифан пайдо бўлмайди», деб ёзган. Меъёр-ахлоқнинг табиат инсонларга инъом этган куч ва қобилиятга мос келишидадир, донолик учта ҳосил келтиради: яхши фикрлаш; яхши сўзлаш; яхши ҳаракат қилиш, - дейди файласуф.

Эпикур (э.р. ав. 341-270 й.) қадимги юнон мутафаккирининг таълимотига кўра, олам-моддий, абадий ва чексиз, атомлар-бўлинмас, олам-жисм ва бўшлиқдан иборат. Барча жисмларни Эпикур икки гуруҳга бўлган. Биринчи гуруҳга жисмларни ташкил этувчи атомларни киритган бўлса, иккинчи гуруҳга атомларнинг бирлашишидан ташкил топган жисмларни киритган. Эпикур ички ҳаракат қонуниятини кашф этган. Роҳат-фароғат, хурсандчилик деганда, кайф-сафо, маишат, шоҳона ҳаётни эмас, балки жисмоний эзилиш ҳамда руҳий ташвишлардан халос бўлишни, озодликни тушунамиз, дейди. Унинг фикрича, давлат кишиларнинг ўзаро келишуви асосида тузилиши лозим.

Ҳурфикрлилик таълимотида Лукреций Кар (э.р. Авв. 99-55 йиллар)нинг ҳам ўрни беқиёс. У «Нарсаларнинг табиати тўғрисида» номли асари билан машҳур бўлган. Яшашдан мақсад, - деб ёзган Лукреций, бахтли ҳаёт кечиришдан иборатдир. Жамият ҳам, худди табиат сингари, ўз қонунларига эга ҳамда табиат қонуниятларига таянган ҳолда ривож топади, дейди. Унинг фалсафий қарашлари ўз даври ва ўрта аср фалсафасига таъсир кўрсатган. У

модда (материя) - абадий, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб, шаклини ўзгартириб яшаш - унинг хоссаси, оламдаги барча нарсалар иккига - оддий ва мураккаб турга бўлиниши тўғрисидаги фикрларни илгари сурган [90].

Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришда юқоридаги маълумотлар акс этган адабиётларни ўқиш ва таҳлил қилиш тавсия қилинади. Буюк файласуфларнинг ҳаёти ва улар томонидан қолдирилган маънавий манбаларга ижодий ёндашиб, ҳар бир мутафаккирнинг ҳурфикрлиликка оид қарашларининг мазмун-моҳиятини бугунги кун ижтимоий муносабатлари билан боғлаш муҳимлиги сингдирилади.

1.2. Диний таълимотларда ҳурфикрлилик ғоялари

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, динга янгича қараш ва янгича муносабатнинг шаклланиши ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида, жумладан, таълим-тарбия жараёнида ҳам туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Жамиятимизда динга, дин пешволарига бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди. Бизга маълумки, собиқ совет иттифоқи даврида динга нисбатан атеистик ҳужумкорлик сиёсати амалга оширилган. Давлатимизда динга бўлган янгича қарашнинг эски қарашга зарба беришининг ўзи бу соҳадаги ҳурфикрлиликдан далолат беради.

Ўзбекистон диннинг жамият ҳаётидаги муҳим ўрнини эътироф этган ҳолда, халқимиз ичидан етишиб чиққан буюк алломаларимизнинг дин инсонга қандай таъсир этиши борасидаги қарашларини миллий қадрият сифатида эътироф этган ҳолда, диний қадриятларни қайта тиклаш асосида аниқ ва принципиал чора-тадбирлар кўра бошлади. Давлатнинг динга янгича муносабати «инсон эътиқодсиз яшай олмайди» деган аниқ ишонч асосида белгиланди. Бу тамойил ҳозирги кунга келиб «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» сўзларида ўз ифодасини топмоқда [11; 104 б]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш-давр талаби» мавзусидаги анжуманда: «Элимизга исломни тўғри тараннум этиш-жуда

катта тарбия», деган сўзлари билан ислом дини одамларда хурфикрлиликни уйғотишига асос бўлишини билдириб ўтган[13; 48 б]. Жумладан, «Бизнинг Конституциямиз ва қонунларимизда, миллати, тили ва динидан қатъий назар, барча фуқароларимиз тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани кафолатлаб қўйилган. Уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш, ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган» [133].

Биз кўп жойларда жаҳолатга қарши маърифат ташаббуси билан чиқаяпмиз. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб бошқа кўчаларга кириб кетаётган жоҳил кимсалар бир нарсани тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Яъни, ислом фақат нури ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўравонликка чақирмайди. Қуръони Каримда айтилган: **«Ўз қўлларингиз билан ўзингизни ҳалокатга ташламанг»**, деган ҳикматли сўзлардан ҳаммамиз хулоса чиқаришимиз лозим[14; 56 б]. Дин кишиларни ҳамиша яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келган. Жумладан, ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатлар ва жамиятда хурфикрлиликнинг ривожланишига хизмат қилган. Муқаддас ислом динимиз туфайли халқимиз миллий-маънавиятини шакллантириб келди. Исломунос олимларнинг, жумладан, Европанинг йирик шарқшунос олимларидан Даламбер, Брокелман, Х.Зутер, И.Крачковский, А.Юшкевич ва Б.Розенфелд, Мардон Гунеш Германиянинг Оснабрук университети Ислам теологияси институти профессори, Женс Баккер Германиянинг Оснабрук университети Ислам теологияси институти илмий-тадқиқотчиси, Гакугеи Харуо Кобаяши-Токио университети профессори, Масата Такешита Токио университети профессори Жамия, Миллий Исломия университетининг Халқаро 57 тадқиқотлар академияси доценти Шаҳид Таслим, профессор Убайдулла Уватов, Шовосил Зиёдов, Мубашшир Аҳмад, профессор Аҳаджон Ҳасанов каби шарқшунос олимлар, буюк боболаримизнинг ислом дини равнақиға қўшган ҳиссалари борасида ўз фикр- мулоҳазаларини билдиришган.

«Инсон қачондан бери Худога ишониб келади?», «Дин қачон пайдо бўлди?» каби саволлар нафақат олимларни, балки оддий инсонларни ҳам кизиқтириб келган. Бу саволлар атрофида олиб борилган изланишлар ҳали бир тўхтамаган. Изланишлар шундан далолат берадики, диннинг пайдо бўлиши, биринчи навбатда, инсониятнинг яралиши билан боғлиқ, деган қарашлар бор. Бундай қараш фанда «теологик ёндашув» деб номланади. Масалан, ислом динида - Одам ва Ҳаво, яҳудийлик ва христианликда - Адам ва Ева, зардуштийликда - Говмард, синтоизмда - император Микадо кабилар. Иккинчидан, динларнинг келиб чиқиши «материалистик ёндашув» атамаси билан ҳам фанда ўз аксини топган. Мазкур қарашларнинг пайдо бўлиши антик даврга бориб тақалиб, илк бор қадимги юнон файласуфлари қарашларида акс этган. XVII асрда эса Европада черков ҳокимиятининг сусайиши, ҳурфикрлилик намояндаларидин танқидчиларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ деб айтилади. XIX асрнинг иккинчи ярмида «Турларнинг келиб чиқиши» (1859) деб номланган Чарльз Дарвиннинг асаридаги ҳурфикрлилик қарашларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Кейинчалик эса Август Комт ва Людвиг Бухнерлар дин бу ижтимоий ҳодиса, инсон тафаккури, эмоциялари маҳсулидир, деган фикрни олға суришган. Бу фикрни қўллаб-қувватловчилар динлар соддаданмураккабга, умумийликдан хусусийликка, кўпхудоликдан-яккахудолик сари йўналтирилганлигини эътироф этиб, уни тарихий эволюцион жараён, деб баҳолашган.

Бизга манбалардан маълумки, илк даврдаги ибтидоий одамларнинг жисмоний, физиологик, асаб-эндокрин, биологик, психологик каби соҳалари ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Бундай мураккаб яхлит тизим илк одамларнинг: яшаш тарзи; феъл-атвори; фикрлашлари; ҳис-туйғулари; тасаввурлари; мантиқий фикрлаши; олға интилиши; табиий қонуниятларни биринчи босқич даражада англашлари илк содда ижтимоий қонуниятларни кашф этишларига имконият яратган. Мана шу нарсаларнинг ўзи аждодларимизда ҳурфикрлилик қобилиятларининг юқорилиги ва у орқали

бобокалонларимиз ижтимоий яшаш тарзларида тарбиянинг илк қонуниятларига бўйсинишларига шарт-шароитлар яратишган.

Қадимда ота боболаримиз уйқуда туш кўриш ҳолатлари оқибатида танани бошқарувчи қандайдир ҳаракат қилувчи куч бор деб ҳисоблашган. Унинг оқибатида инсониятда илк диний тасаввурлар пайдо бўлган.

Инсониятнинг пайдо бўлиши табиатга мослашувчанлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Ўзлари яшаётган жойларда табиат предметларига сиғиниш ҳолатлари бугунги кунгача ҳам ўз таъсир кучини ўтказиб келмоқда. Масалан, тошларга, дарахтларга, ғорларга дарёларга, ҳайвонларга сиғиниш қабилар. Ибтидоий қабила динларининг келиб чиқишини австриялик психолог, психоаналист, психиатр ва невролог Зигмунд Фрейд (1856-1939) айнан кўрқув ҳисси билан боғлайди. Зигмунд Фрейд фикрича, матриархат даврида ўзига жуфт топиш учун ёш йигитлар ҳаттоки ўз отасини ўлдириб онасига уйланган ҳолатлар бўлганлигини таъкидлайди. Шундан кўриниб турибдики, инсоният ўз ривожини босқичларида бир қатор ижтимоий масалалар ечимини топишда қатор-қатор ҳатоликлардан ва улардан келиб чиққан оқибатлардан ҳулоса чиқаришда диний қарашлари юзага келган. Мисол учун ўз онасига уйланган йигит ота руҳи вақти келиб ундан қасос олиши мумкинлигини тахмин қилиб, отасининг руҳига сиғина бошлаган. Зигмунд Фрейд бу назарияни «эдип комплекси» деб атаган.

Немис ва инглиз филологи, диншунос, умумтилшунослик мутахассиси, индолог, мифолог олим Фридрих Макс Мюллер (1823-1900) диннинг келиб чиқишини табиат билан боғлаб, табиат ҳодисалари туфайли инсонларда кўрқув пайдо бўлгани оқибатида нимагадир сиғина бошлаган, деган фикрни олға суради. Бу фанда “натурализм” дейилади. Натурализм, физикавий муҳитда учрайдиган қувват ва мавжудотларнинг идеаллаштирилиши, шахслаштирилиши ва илоҳийлаштирилиши деган маънони англатади. Фридрих Макс Мюллер деярли барча динларда худо номлари зикр этилган ва у табиат ҳодисаларини билдиради, дейди.

Илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, динлар анимизм, тотемизм, фетишизм ва шаманизм каби босқичларда юзага келган ва аста секинлик билан тараққий этган.

Анимизм (лот. anima - жон, рух) - жон ва рухлар борлигига ишониш. Ибтидоий даврда пайдо бўлган. Ибтидоий одамлар табиат кучларига қарши курашда ожизлик қилган, ўз ҳаёти ва танасидаги турли ҳодисалар (туш кўриш, галлюцинация, ўлим ва ҳ. к.)ни тушунмаган. Улар жон тана билан боғланган ва у танадан чиқиб кета олади, деб ҳисоблаганлар. Инсонда аста секин абстракт тафаккур ривожланиши билан моддий нарсаларга боғлиқ рух тўғрисидаги тасаввурлар пайдо бўлган. Рухлар яхши, сахий ҳамда ёмон, ёвуз рухларга бўлинган. Рухлар одамлар ҳаётига, турмушига таъсир кўрсата олади, деб тасаввур қилинган. Шу сабабли зарур пайтларда уларга қурбонлик қилганлар. Анимизм 1871 йили инглиз антропологи Эдвард Тайлор томонидан диний қарашларнинг илк шакли сифатида олға сурилган.

Анимизм - осмон ва ер, куёш ва ой, ёмғир ва шамол, момақалди роқ ва чақмоқларни илоҳийлаштириб, уларда рух мавжуд, дейди. Ибтидоий одамлар тоғлар, дарёлар, адир, ўрмонлар, дарахт, харсангтош жарликлар ҳам жонли, сезувчи ва ҳаракат қилувчи, яхшилик ва ёмонлик келтириши мумкин, деб тушунганлар. Қурбонликлар қилиб уларнинг ҳақиқа дуо қилиб, маросимлар уюштиришган.

Тотемизм (Шимолий Американинг Ожибва қабиласи тилида «унинг уруғи» маъносини англатади. Унинг моҳияти «одамларнинг ҳайвонот ёки ўсимликнинг муайян турларига қариндошлик алоқалари бор», деб эътиқод қилишидир) - ибтидоий диний эътиқодларнинг илк шакллари билан бири. Тотемизм тарафдорларининг уқтиришича, одамлар ва ҳайвон ҳамда ўсимликларнинг маълум гуруҳлари ўртасида биз учун ғайритабиий бўлган алоқалар, яъни қариндошлик ришталари мавжуд. Ҳайвонлар, ўсимликлар, жонсиз предметлар тотем ҳисобланган. Тотемлар (кўпинча ҳайвонлар) ов қилинмаган, ўлдирилмаган, гўшти ейилмаган, улар гўё кишиларнинг қудратли ҳимоячиси ҳисобланган. Қабила, уруғ ҳар бир аъзосининг ҳаёти ва

фаровонлиги тотемга боғлиқ, деб қаралган. Улар ўз тотемини қариндоши, акаси, отаси, дўсти, деб ҳисоблаган. Ҳар бир қабила, уруғ ўз тотемининг номи билан аталган. Тотемистик эътиқод ва маросимлар муайян кўринишда кўп халқларда, айниқса, Австралиядаги қабилаларда сақланиб қолган.

Фетишизм - французча «fetishe» – сўздан олинган бўлиб, у бут, санам, тумор маъносидаги сўзни англатади. У табиатдаги жонсиз нарсаларга сиғинишдир. 1) ғайритабиий хусусиятларга эга бўлган моддий нарсаларга-фетишларга диний сиғиниш. «Фетиш» атамаси XVIII аср бошларида голландиялик сайёҳ В.Боссман томонидан киритилган. Француз олими Сде Брос ўзининг «Фетиш худоларига сиғиниш тўғрисида» ва «Фетишизм тўғрисида»ги мақолаларида қадимги мисрликлар, юнонлар ва римликлар динларидаги фетишизмни ўрганган. Француз маърифатпарварлари фетишизмни бевосита жоҳилият билан боғлиқ бўлган архаик дин шакли сифатида қарашган [93].

Фетишизм ёғоч, лой ва бошқа материаллардан ясалган буюмларнинг пайдо бўлиши билан бир пайтда шаклланган. Бутларда, туморларда жамоалар ғайри табиий дунёдан келадиган илоҳий қудратнинг тимсолини кўрдилар.

Шаманизм (шомонлик). Европада шаманлар ҳақида биринчи маълумот XVII асрда саёҳатчилар, дипломатлар ва тадқиқотчиларнинг ёзувларида пайдо бўлган. XVIII-XIX асрларда улар ҳақидаги адабиётлар оқими барқарор равишда ўсиб борди. Йигирманчи асрда шаманизмга бўлган ғалати қизиқиш кучайиб кетди. Россияда, АҚШда, Буюк Британияда, Францияда, Германияда, Венгрияда, Италияда, Финляндияда, Ҳиндистонда, Хитойда, Японияда, Швецияда ва бошқа мамлакатларда шаманизм бўйича мутахассислар бўлган илмий антропологик марказлар, университетларда кафедралар яратилди. Ҳар бир миллат ўз шаманларини ўзига хос тарзда чақиради: Олтой, хакас, туваликлар - кам; Якутлар - ўйин; қозоқлар, қирғизлар, туркманлар - букс ёки бахши; бурятлар ва мўғуллар - бё; эскимос - Ангакок ва ҳоказо..

Шаманизм («шаман» сўзи тунгус манчжур тилидаги «са» - билмоқ феъли билан боғлиқ, «саман» билувчи киши). Шаманизм анимизм, тотемизм ва фетишизм натижасида юзага келиб, у орқали кишилар ўз тотемлари, ота-боболарининг руҳлари билан хаёлан боғланишни амалга ошириб келганлар. Ўтмишда кўпроқ аёллар шаманлик билан шуғулланганлар. Шаманлар жазавали, асабий кишилар бўлиб, одамлар уларнинг руҳлар билан мулоқотда бўлиши, жамоанинг умид ва ниятларини етказиш, уларнинг иродасини талқин қилиш қобилиятига эга эканлигига жуда ишонганлар. Шаманлар ритуал ҳаракатлари орқали-овоз чиқариш, ашула айтиш, рақсга тушиш, сакраш йўли билан ноғоралар ва кўнғироқлар овозлари остида ўзларини жазаватга солиб, ўзини йўқотиш, жазавани юқори натижага етказиш билан афсунгарлик қилишган. Шаман маросим охирида бир ҳолатга келиб, ҳеч нарсани эшитмай, кўрмай қолар, шунинг учун унинг руҳлар дунёси билан мулоқоти худди шу ҳолатда амалга ошади, деб ҳисобланарди. Бу одамларнинг фикр юритиши, онгининг мустаҳкамланишида катта роль ўйнади ва диний онгнинг шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Зардуштийликнинг бош китоби «Авесто»да хурфифрлилик кўпхудоликдан воз кечиш ва яқка худоликни тарғиб қилиш жараёнларида қадимги халқларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари, ўзига хос қадрият ва урф одатларини акс эттириб, ёвузликка қарши «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал»ни тарғиб қилади.

Марказий Осиёда буддавийлик ҳам хурфифрлиликни тарғиб қилишда ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Буддавийлик исломга қадар Ўрта Осиёда тарқалган қадимги динлар орасида мавқе жиҳатидан жуда катта ўрин тутади. Буддавийликнинг Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасида ўз даврида маънавий кўприк бўлиб хизмат қилган.

Моний таълимоти юртимизда буддавийликдан кейин кенг тарқалган. Моний ҳатто «Монийлик ёзуви» номли алифбо ҳам тузган. Унинг таълимотича, ҳаётда даставвал нур дунёси - яхшилик ва зулмат дунёси -

ёвузлик бўлган. Монийлик халқнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи таълимот бўлгани сабабли ҳукмрон мафкура қаршилигига дуч келган.

Маздак таълимоти (эрамизнинг V-VI асрларида). Унинг асосчиси Маздак (470-529 йиллар) Мздакийлик ижтимоий тенгсизликка қарши курашган, тенг ҳуқуқлилиқ тамойилларини қарор топтиришга даъват этганлиги билан ўзининг ҳурфикрлигини кенг тарғиб қила олган.

Иудавийлик дини эрамиздан аввалги 2000 йиллар бошида Фаластинда вужудга келган. «Забур» ва «Таврот» бу диннинг муқаддас китоблари ҳисобланади. Эрамиздан аввалги X-VI асрларда яҳудийлик монотеистик (якка худоликка ишониш) динга айланиб, оламни яратувчи Яхве худосига эътиқод қилишган. Иудавийлик динида пайғамбар Мусо алайҳиссаломга «Таврот» худо томонидан унга юборилган илоҳий китоб экани, қиёмат кунида барча бирдек тирилиши, жаннат ва дўзахнинг мавжудлиги, гуноҳкорлар жазосиз қолмаслиги, савобли ишларни қилганлар у дунёда рағбатлантирилишлари ҳақидаги қарашлар илгари сурилган.

Араблар забт этилган мамлакатларда юксак даражада ривожланган қадимги илм-фан, маданият, диний анъаналарга дуч келдилар. Улар бу анъаналарга қарши курашни авж олдирдилар, қадимги ёзувларни йўқ қилдилар, улардан хабардор кишиларни қирғин қилдилар. Бунга жавобан Абу Муслим, Ҳамза ал-Хориж, Муқанна, Рофи ибн Лайз бошчилигида халқ кўзғолонлари бўлиб ўтди. Айниқса, Муқанна бошчилигида «Оқ кийимлилар» кўзғолони Араб халифалигини ларзага келтирди. VIII асрнинг охирига келиб, Осиёда Араб халифалиги ўз ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлди. Ислом фалсафасига кўра, инсоният истиқболи комил инсонни шакллантириш орқали юзага келади, ахлоқ-одоб эса инсон тафаккурининг ажралмас таркибий қисмидир.

Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг (1059-1111) ҳурфикрлилиқ ғоялари «Диний илмларнинг тирилтирилиши» асарида баён этилган. Ул зот дунё қонуниятларини ақл орқали билишни эътироф этган, лекин Оллоҳни ақл билан англаш мумкин эмаслигини таъкидлаган. У фақат

калб, махсус рухий ҳаракатлар - илтижо-ибодатлар кўмагида билиб борилади, деган фикрларини илгари сурган.

Хожа Аҳмад Ясавий (1166 йилда вафот этган). Ясавий танлаган йўл ўзига хосдир. Бу йўл инсоннинг ўз гуноҳларини, ахлоқий нуқсон ва қусурларини, жумладан, шахсиятпарастлик, таъмагирлик, бориға қаноат қилмаслик каби иллатларини аёвсиз очиб ташлаш ва улардан халос бўлиш учун курашдир. Ясавийнинг оддий халқ тушунадиган услубда ёзилган, тасаввуфий қарашларини акс эттирган ҳикматлари девонида илоҳий ишқ, Ҳақ васлиға етишиш, унинг ишқида парвона бўлиш, ундан бошқа нарсага кўнгил қўймаслик ҳақида фикр юритилган.

Нажмиддин Кубро (1154-1226). Мўғуллар Кубронинг буюклигини билиб, унга озод бўлиши, омон қолиши мумкинлигини, бунинг учун эса камал қилинган қалъадан чиқиб кетиши кифоя эканини билдирган. Бирок Нажмиддин Кубро бундай жон сақлагандан кўра ўз халқи билан бирга юрт ҳимояси йўлида жон беришни афзал кўрган. Ривоят қилишларича, ул зот байроқни шунчалик маҳкам ушлаган эканки, ҳалок бўлганидан кейин кўлидан байроқни олишнинг иложи бўлмаганидан, бир мўғул Кубронинг кўлини кесиб олган экан.

Жамият тараққиётида диний хурфикрлиликнинг ўрнини юқоридаги фикрлардан ҳам кўришимиз мумкин. Шунинг учун англаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев диний таълимни ривожлантириш учун 2018 йилда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида икки йиллик бакалаврият ва уч йиллик докторантура курсларини тақлиф этадиган Ислом академиясини очишга руҳсат берди. Бухородаги «Мир Араб» мадрасаси олий ўқув юрти сифатида қайтадан шакллантирилди ва Самарқанддаги Ҳадис илми мактаби исломшунослик, жумладан, ислом ҳуқуқшунослиги, Қуръон тафсири ва чет тилини ўрганиш бўйича беш йиллик курслар ўз фаолиятини бошлади. Шу билан бир қаторда мадрасалар ва Тошкент ислом институти ҳам уч-олти ойлик Қуръон ва араб тили курсларини очди. Диний маълумот олишни истаган ҳамюртларимизга кенг

имкониятларнинг яратилиши бу соҳадаги хурфликнинг амалиётда ўз тасдиғини топиб бораётганлигининг исботидир. Ўзбекистонда диний таълим ва ундаги хурфлик босқичма-босқич ривожланганлиги 1-иловада кўрсатиб ўтилган.

1.3. Ўрта аср ва бугунги кунда хурфликнинг ҳолатлари

Талабаларда педагогик хурфликни ривожлантиришда Ўрта аср ва бугунги кун манбаларида акс этган ва амалга оширилаётган хурфликлар борасида берилган маълумотлар ўзининг қиймати билан ажралиб туради. Талабаларни ўрта аср хурфликига оид қарашлар билан таништиришда буюк алломаларнинг фаолиятига тўхталиб ўтиш ва маълумотлар билан тизимли ишларни амалга ошириш зарурдир. Масалан, Муҳаммад ал-Хоразмий (783-850 йй) араб халифалигининг пойтахти Бағдодда «Донишмандлик маскани» («Байт ул-ҳикма»)га раҳбарлик қилганлигининг ўзи ўша даврнинг сиёсий тузумига зид равишда дунёвий илмларни тарғиб қилиши унинг хурфлик инсон эканлигини кўрсатиб туради. Буюк аллома «Астрономия жадвали», «Ҳинд ҳисоби тўғрисида рисола», «Қуёш соати тўғрисида рисола», «Мушиқа ҳақида рисола», «Тиклаш ва қарши қўйиш ҳисобига оид мухтасар китоб» каби асарларида алгебра соҳасига асос солган. Масалан, «...Мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб»ни тақлиф қилдим, чунки мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда ва шунингдек, ер ўлчаш, каналлар ўтказишда, (амалий) геометрия ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир» [138]. Хоразмий Шарқ халқлари орасида «Буюк математик» унвонига сазовор бўлган.

Аҳмад ал-Фарғоний (тахминан 797-865 йиллар) астрономия ва математика соҳаларида ном таратган. Унинг «Самовий жисмлар ҳаракати ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб», «Астрономия асослари»

асарларида коинот харитасини тузганлиги унинг мавжуд тизимда ҳали кўриб чиқилмаган масалаларга илмий нуқтаи назардан ёндашди. Ўзининг ғояларини ҳаётга татбиқ қилди. Ернинг думалоқлиги, бир хил осмон ёритқичларининг турли вақтда кўтарилиши, тутилиши ва бу тутилишнинг ҳар бир жойдан турлича кўриниши, масофалар ўзгариши билан уларнинг кўриниши ўзгариши ҳақида қимматли мулоҳазалар билдирилади. Умуман Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Астрономия асослари ҳақидаги китоб» асари ўрта аср мусулмон Шарқи мамлакатларида, сўнг Испания орқали Европа мамлакатларидаги астрономия илмининг ривожини бошлаб берди [22].

Абу Наср Форобий (873-950) - Арастудан кейин «Иккинчи устоз» унвонига сазовор бўлди. У биринчилардан бўлиб, ўзи яшаб турган даврнинг илмларига шарҳ берди. Уларни тушунтиришнинг осон йўллари кўрсатди. Мусиқа, математика, тиббиёт, араб тили грамматикаси, алхимия, мантиқ илмларига оид қимматли асарлари орқали ўзининг хурфиқрлилик ғояларини илм аҳлига баён қилди. «Инсон ўз табиати жиҳатидан шундай таркиб топганки, ўзининг мавжудлиги ва олий даражадаги камолотга эришуви учун кўп нарсаларга муҳтождир. У буларнинг барчасига бир ўзи эриша олмайди ва уларга эришиш учун кишиларнинг қандайдир жамоасига муҳтож. Бу жамоанинг ҳар бир аъзоси у муҳтож бўлган нарсаларнинг биронтаси билан уни таъминлайди. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳам бир-бирларига нисбатан худди шундай ҳолатда бўладилар. Мана шу сабабли бир-бирига ёрдам берувчи жуда кўп кишиларнинг бирлашуви орқали инсон ўзи интиланган камолотга эришуви мумкин», деб таъкидлайди [92; 302-303 б].

Муҳаммад Тарағай Улуғбек (1394-1449) дин таълимотидан бошқа таълимотни тан олмайдиганларга қарши чиқиб, математика ва фалаккиёт соҳасида баркамол ижод қилган. Олимнинг энг муҳим асари «Зижи жадиди Кўрагоний» бўлиб, асар икки қисм, муқаддима ва 1118 юлдузнинг ўрни ҳамда ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат. Улуғбек сайёраларни ўрганишда турли услубларни қўллайди, булар кузатиш, эксперимент, жонли мушоҳада, исботлаш, қиёслаш, индукция, дедукция ва бошқалардир.

Давлатни бошқариш санъатига ҳам ўзгача йўл тутди. Ишонч ва самимийликни биринчи ўринга қўяди.

Абдурахмон Жомий (1414—1492) дунёқарашида динлараро ҳамда мазҳаблараро уруш ва низолар маъносизлиги, инсонийлик моҳиятига, ақлга зидлиги ҳақидаги ғоялар ҳам мавжуд. Чунончи, бундай урушларга нафрат билан боққан ва уни қаттиқ қоралаган Жомийнинг қуйидаги рубоийси мавжуд:

«Эй муғбачаи даҳр, бидеҳ жоми майам,

Ки омад зи низои суннию шиа қайам.

Гўяндки, Жомийё, чи мазҳаб дори?

Сад шукрки, саг суннию хар шиа найам» [21; 196 б]. Мазмуни: Эй соқий! Менга май бер. Суннийлар ва шиалар низосидан қўнглим айнияти. Жомий, сен қайси мазҳабдасан? - деб сўрайдилар. Юз шукрки, ит суннию, эшак шиа эмасман.

Алишер Навоий (1441-1501)нинг хурфикрлилик дунёқараши натижасида у томондан мактаб, мадраса, масжид ва хонақолар, кўприк, работлар, шифохоналар қурилди. Муҳтож ва камбағалларга ёрдам берди, олиму шоирларга ҳомийлик қилди. Навоийнинг ижоди хурфикрлиликка бой бўлиб, унда:

- жамият ва инсон муносабати;
- инсоннинг бахт-саодати;
- комил инсон ва фозил жамоа;
- таълим-тарбия масалалари кенг ўрин эгаллаган.

Бобур (1483—1530). Бобур даврида ҳинд диёри гуллаб-яшнади, ундаги маданият юксак даражага кўтарилди. У:

- ҳинд халқи маданиятига ҳурмат билан қараш;
- илм-фанни ривожлантириш;
- икки халқ ўртасида дўстона муносабатни яхшилаш;
- ёшларда Она Ватан туйғусини шакллантириш масаласига чуқур

ҳурмат билан ёндашди. Шунинг учун ҳам Ҳиндистоннинг XX асрдаги энг

атоқли кишилари Маҳатма Ганди ва Жавоҳарлаъл Неру Бобурнинг хурфикрлилик қарашларига жуда катта баҳо берганлар.

Ал-Қорабоғий (1563-1647) Шарқ фалсафасида кенг тарқалган «таносух» назарияси (реинкарнация), яъни руҳнинг бир танадан иккинчисига кўчиб юриши тўғрисидаги таълимотга қарши чиқади. Унингча, руҳ яратилган бўлгани сабабли моддага мухтождир. Руҳ моддаси жисм ҳисобланади ва унинг махв бўлиши жисмнинг йўқ бўлиши билан боғлиқдир.

Бобораҳим Машраб (1657-1711 й) ислом ақидаларини инкор этмагани холда, унинг баъзи қоидаларининг мукаддаслигига гумонсираб қарайди. Булар, айниқса, Машрабнинг рўза, жаннат, дўзах, намоз, Макка, Каъба тўғрисидаги шеърларида намоён бўлади. Машраб ҳукмдорларни инсофга, халққа ёрдам беришга даъват этади. Инсон ҳайвоний сифатлардан покланиш зарур, дейди.

Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1721) табиатнинг абадийлигини, материя ва руҳнинг бирлигини тан олиб, Худони оламнинг ўзида деб биладилар. Бедил ўзининг «Чор унсур», «Ирфон» асарларида ҳамма нарсаларнинг асосида ҳаво ётади, деб ҳисоблади. Мирзо Бедил билишнинг биринчи босқичи ҳис-туйғулар билан боғлиқлигини, билишда инсон тафаккурининг кудрати кучли эканлигини ёзади.

Нодира (1792-1843) (Мохларойим). У ўз ижодида дунёвийлик билан бир қаторда тасаввуфнинг нақшбандия йўналишига асосланган бир бутунлик билан инсоннинг жамият ва табиатга муносабатини ҳам, илоҳий муҳаббат йўлидаги руҳий дунёсини ҳам жуда гўзал, жонли мисраларда ифодалаб беради.

«Фигонким, гардиши даврон айирди шахсуворимдин,

Ғамим кўп, эй кўнгул, сен беҳабарсен ҳоли зоримдин».

Увайсий (1789-1850) ўз асарларида юксак одамийликни, шу одамийликни қалб тўрида авайловчи вафодор ёрни улуғлайди, уни Қуёш билан қиёс қилади. Қуёш ҳар тонг уфқдан бош кўтариб, ўзининг оташин нури билан оламга, одамларга ўз меҳр ва шафқатини сочади. Шоира ёр ва

офтоб ташбеҳларидан қаршилантириш санъати орқали энг гўзал туйғулар силсиласини яратади. Унинг лирик қаҳрамони мушоҳадакор донишманд, вафоли ошиқ.

Унинг анор ҳақидаги машҳур чистони ўзининг муҳим мазмуни ва юксак бадиийлиги билан шоира ижодининг ёрқин бир саҳифаси сифатида кўзга ташланади:

Бу на гумбаздур, қўш эшиги, туйнугидин йўқ нишон,

Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур макон?

Туйнугин очиб, аларнинг ҳолидан олсам хабар,

Юзларида парда тортуғлиқ турурлар, бағри қон.

Дилшод Барно (1800-1906) «Тарихи муҳожирон» асарида 19 аср Қўқон хонлигидаги тарихий, ижтимоий-сиёсий воқеалар акс этган. Аёлларни маърифатли, эркин, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлишга чорлаган. Дилшоди Барно асарда Ўратепа ва Қўқонда яшаган 30 дан ортиқ шоир ва шоиралар ижоди ҳақида маълумот келтириб ижтимоий-фалсафий фикр ривожига муносиб ҳисса қўшган.

Аҳмад Дониш (1827-1897) мамлакатни одилона бошқариш учун ислоҳот зарурлигини уқтиради. Давлат, олимнинг нуқтаи назарича, халқнинг манфаатини ҳимоя қилиши, ҳукмдор эса билимдон, ақлли бўлиб, ўз атрофидагилар билан кенгашиши зарурлигини «Наводирул-вақое» ва бошқа рисолаларида ёритиб берган.

Фурқат (1859—1909) «Илм хосияти», «Акт мажлиси хусусида», «Тошкент шаҳрида бўлгон нағма базми хусусида», «Виставка хусусида», «Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида» ва бошқа кўплаб асарларида маърифатпарварлик ғояларини илгари суради. Хон ва бекларнинг ўзаро низолари, уларнинг саводсизлиги ва жоҳиллиги, очкўз ва тамагирлиги, текинхўрлиги мамлакат ва халққа офат ва кулфат келтираётганини кўра билди.

Муқимий (1850—1903) ўз дунёқарашида эркин жамият, инсоф ва адолат, инсонийлик, иймон-эътиқод, эрк, баркамол инсон ҳақида фикр

юритди, адолатсизлик, зўравонликка асосланган жамиятни қоралади. У «Вексель», «Уруғ», «Асроркул», «Додхоҳим», «Тўй», «Танобчилар», «Московчи бой» каби ҳажвий асарларида ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, ўзбошимчалик ва зўравонлик, оғир солиқларни ҳаққоний равишда тасвирлайди.

Ҳамза (1889-1929) «Майсаранинг иши», «Истибдод қурбонлари», «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» ва бошқа кўплаб асарларида жаҳолат, билимсизлик, фирибгарликни қоралади, рус амалдорларининг ярамас хатти-ҳаракатларини фош этди. Ҳамза мактаб ва маориф ишларида фаол қатнашиб, болаларнинг билим эгаллаши учун жонбозлик кўрсатди, доимо ҳақиқат учун кураш олиб борди.

Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919) янги мактаблар учун «Рисолайи асбоби савод», «Рисолайи жуғрофияи умроний», «Китобат ул-атфол», «Амалиёти ислом», «Рисолайи жуғрофияи русий» ва бошқа дарсликларни ёзади. Унинг асосий асари «Падаркуш» драмасидир. Унда «Домулла (кирар). Онажон, сизга сабрдан бошқа чора йўқ. Бу бадбахтлик ва мусибатга сабаб жаҳолат ва нодонликдир, бемаънилик ва тарбиясизликдир. Уйингизни нодонлик бузди. Ўғлингизни беилмлиқ Сибирга юборади. Жонингиздан азиз фарзандингизни тарбиясизлик балоси сиздан умри айритадур. Болангизни отаси тарбия этмади, ўқутмади. Охири балога учради, ёмон рафиқлар йўлдан чиқардиларки, қурбони жаҳолат бўлдингиз». Бехбудий замонга қарши, жаҳолатга қарши ўз дунёқарашини билдиради.

Абдулла Авлоний (1878-1934)нинг хурфиқрлилик ғоялари «Иккинчи муаллим», «Биринчи муаллим», «Алифбедан сўнгги ўқув китоби» каби дарсликларида ва «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида ўз аксини топган. Масалан, «Қайси муаллим? Мақсади пул, маслағи шуҳрат, юқори мактабларда ўқумаган, «усули таълим» кўрмаган муаллимларни айтурсизми? Аввал ўзлари дорилмуаллимин»ларда ўқимақлари, сўнгра дарс бермақлари лозимдур», – дер. Мана бу сўз инсонни ҳайрат дарёсига ғарқ қилур.

Мударрисларга на дерсиз десак, қайси мударрис? Матлаблари ош, мақсадлари чопон, дарслари беимтиҳон, ислоҳ яқинидан юрмаган мударрисларни айтурсизми? Булар ўз вазифаларини билуб, нафсларидан кечуб, замонга мувофиқ равишда дарсларини ислоҳ қилуб, имтиҳон бирла ўқутмаклари лозимдур», – дер» [140] каби фикрлари болалар дунёқараши, миллий онги ва мафкурасининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон (Юнусов) 1897 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Шоирнинг адабий мероси шеърят, наср, драматургия, публицистик ва адабий-танқидий мақолалар ҳамда таржималардан иборат. У рус ва бошқа халқлар адабиётининг мумтоз асарларини катта маҳорат билан таржима қилган. Унинг таржимасидаги У.Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедияси ўзбек таржима санъатининг шоҳ намунаси ҳисобланади. У 1938 йил 14 июль куни ҳибсга олиниб, кўп ўтмай, Тошкент шаҳри атрофида отиб ташланган. Адибнинг «Кўнгил» номли шеърида оддий халқни саводини чиқариш, маърифатга чорлаш, уларнинг онг ва дунёқарашини ўзгартириш учун ёзилган, деб билишимиз мумкин.

Кўнгил

Кўнгил, сен мунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашдинг?
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен мунча сустлашдинг?

Хақорат дилни оғритмас,
Тубанлик мангу кетмасми?
Кишанлар парчаланмасми?
Қиличлар энди синмасми?

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсен,
Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғилғонсен!

Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришда Шарқ ва Ғарб халқларининг ҳурфикрлилик борасидаги қарашларига таяниш илмий асосга эгаллиги билан муҳимдир. Бугунги кунда жамият тез суръатлар билан ривожланаётган бир пайтда, ёшлар онгини бунёдкорлик ғоялари билан банд қилиш ҳам давр талаби ҳисобланади. Ёшларнинг дунёқараши, фикрлаши том маънода ҳурфикрлиликка қаратилган бўлиши эртанги кун фаолиятига қўйилган тамал тоши, десак хато бўлмайди. Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш жуда кўп манбалардан фойдаланиш орқали амалга ошириладиган жараён. Масалан, Европада милоддан олдинги I аср ва милоднинг XIV асригача бўлган даврида шаклланган ҳурфикрлилик таҳлил қилинганда, қуйидаги инсонларнинг фаолиятларига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Ғарбда энг йирик черков оталаридан бири Аврелий Августин (354-430) ҳисобланади. У файласуф ва илоҳиётчи бўлган. Августин ўз ҳаётини епископликка, тадқиқотчиликка, адабиётга бағишлайди. У 100 га яқин китоб, 500 та даъват ва 200 га яқин номалар ёзган. Аврелий Августин «Иқрорнома» асарида болалик йилларини хотирлайди. У Энейнинг адашиб-улоқиб юришлари ҳақидаги шеърларни ёдлаш ёхуд Дидонанинг ўлимига қайғуриб йиғлашга кетган вақтини зое деб билади. Негаки, ўша пайтларда Энейнинг адашишларини ўйлагани ҳолда ўзининг Худодан адашиб юргангани, Дидонанинг ўлимига йиғлагани ҳолда ўзининг Яратган учун ўлик бўлганини идрок қилишдан ожиз бўлганлигини эътироф этади.

Ансельм (1038-1109) «Монополия»асари орқали Худонинг борлигини сабаб ва оқибат муносабатлари тизимида исбот қилишга ҳаракат қилади. «Прологион» асарида Худодан юқорироқ олий нарсани тасаввур қилиш мумкин эмас экан, демак, Худо реалликда мавжуддир деган хулосага келади.

Роджер Бэкон (1214-1292) ҳақиқатни топишда табиатни тажрибавий ўрганиш методини қўллашни таклиф қилади. Унинг бу қарашлари номиналистлар қарашлари билан мос эди. «Бир гуруҳ олимлар тўғри

услугага эга бўлмаганлари боис донишмандликнинг муҳим сирлари очилмасдан қолмоқда» [141]. «Гарчи Арасту силлогизм (икки фикрни таққослаб, уларнинг натижаси бўлган учинчи бир фикрни чиқариш)ни билим манбаи сифатида тан олган эса-да, шундай ҳолатлар бўладики, оддий тажриба ҳар қандай силлогизмдан кўра яхшироқ натижа беради». «Илм-фан илоҳиёт учун ҳам фойдалидир. Нуҳ алайҳиссалом кема ясаб, тўфондан қутулиб қолган. Бу улкан кемага Нуҳ алайҳиссалом ва унинг оиласи, ер юзидаги жамики тирик мавжудотларнинг ҳар биридан бир жуфти жо бўлган. Узунлиги 30 тирсакли кема қуйи, иккинчи ва учинчи ошёнадан иборат эди. Турган гапки, бундай кемани ҳандаса фанини билмай туриб яшаш мумкин эмас», - деган фикрлари ниҳоятда қиматлидир. «Қўлимизда билишнинг уч воситаси бор: обрў, фикрлаш ва тажриба. Модомики, тўғри эканлиги исботланмас экан, обрў ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, чунки у билим бермайди, мураса талаб қилади, холос. Биз фикрлаш асносида ҳақиқатни ёлғондан ажратамиз ва хулосамизни тажриба орқали текшираамиз», - деганда у мутлақ ҳақ эди[141].

Николай Кузанский (1401-1464) мантиқий солиштириш ва фарқлаш йўли билан инсон нарсалар моҳиятини чуқур англаб етади, дейди. Николай Кузанский томонидан эълон қилинган билиш жараёнини математикалаштириш ғояси орқали ҳурфикрлаш жараёнида улкан методологик аҳамиятли ишга қўл урилган. Бу методология дунёни илмий ўрганиш ва янги усулини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этган. Бундай қараш орқали у табиий-илмий изланишлардан бутунлай узоқ бўлган схоластик билиш усулига қарши чиққан олимдир.

Николай Коперник (1473—1543) нинг ҳурфикрлиги қуйидаги ғояларни илгари сурилганлиги, ҳамда бу ишларнинг амалга оширилганлиги билан белгиланади. Булар:

- Ер оламнинг маркази эмас (геоцентризм ғояси рад этилган);
- Қуёш ерга нисбатан марказ (геоцентризм гелиоцентризм билан алмашган);

- Ер Қуёш атрофида айланади;
- барча коинот жисмлари ўз йўналиши бўйича ҳаракатланади;
- фазо чексиздир - фалсафани теологиядан ажратишга интилиш каби амалий фаолиятларда кузатилган.

Фазодаги жараёнлар табиий нуқтаи назардан тушунтириб берилган ва ўз «муқаддас»лигини йўқотган. Коперникнинг буюк кашфиёти дунёга теологик қарашга зарба бериб, табиатшуносликда тўнтариш ясади. Бу кашфиёт Библиянинг дунё тузилиши ҳақидаги ва ўзгармас деб танилган таълимотига зарба берди. У бу билан Ер оламнинг маркази эмас, балки Қуёш атрофида айланувчи планетадир. Дунёни, коинотни худо томонидан яратилган деган фалсафий қарашларга Коперникнинг илми зарба берган.

Жордано Бруно (1548-1600). Коперникнинг фалсафий ғояларини ривожлантирди ва чуқурлаштирди. Унинг Қуёш Ерга нисбатан марказда жойлашган, аммо коинотнинг маркази эмас, Юлдузлар Қуёшга ўхшаш осмон жисмлари ва ўз планета тизимларига эга деган. Коинотдан алоҳида ҳолда Худо мавжуд эмас, Худо ва Коинот - бир бутундир деган фалсафий қарашлари хурфикрлиликнинг кўринишлари эканлигини сезишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам уни 1600 йил 17 февралда Римда Гуллар майдонида ёқиб ўлдиради.

Билиш назариясининг биринчи босқичи тажрибадир, иккинчи босқичи эса ақлдир. У тажриба маълумотларини рационал қайта ишлайди ва умумлаштиради. Бэкон олим чумолига ўхшаб фақат йиғиш ва йиғилганлар билан кифояланмаслиги керак, ўргимчакка ўхшаб ҳаётдан ажраб, фақат шахсий ақли билан ўзининг макрли фалсафасини тўқимаслиги керак, балким асаларига ўхшаб гуллардан олиб, кейин уларни асалга айлантириши лозим, деб таъкидлаган.

Хурфикрликка оид қарашларида олим ва файласуф Жон Локк (1632-1704)нинг ҳам ўрни катта. У тажрибани билишнинг асосий манбаи, деб ҳисоблайди. Бунда ички ва ташқи тажриба ажратиб кўрсатилади. У мутлоқ ҳокимиятни конституциявий ҳокимият билан алмаштириш учун

назарий асос яратишга ва ороллар қироллигининг янги давлат тузилишини жорий этишга ҳаракат қилди [59; 25-78 б].

Рене Декарт (1596—1650) фикрича, материя ва рух борлиқнинг асосида ётади ва Худога бўйсунди. У Олам чексиз ва абадий, у инсон тафаккурига боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланади, такомиллашади, деган фикрни ҳам илгари суради. Декартнинг “Мен фикр қиляпман, демек, мен мавжудман”, - деган фикри ўз замонасидан фарқли равишдаги ҳурфикрлигидан далолат беради. Модерн фалсафасига асос солганлиги ҳам замондошларидан илғорлиги билан ажралиб турганлигини кўрсатади. “Метод ҳақида мулоҳазалар” (1637), “Метафизик тушунчалар” (1644) ва “Фалсафанинг асослари” (1644) асарлари ўз даврининг долзарб масалаларини кўтариб чиққан [126].

Иммануил Кант (1724—1804) файласуф ва табиатшунос олимдир. Кант ўз даврида газ ҳолатидаги улкан туманликдан Қуёш системасининг келиб чиқиши ҳақидаги назарияни олға сурган. Бу назария ҳозирги кунда ҳам астрономияда энг муҳим таълимотлардан бири ҳисобланади. Кантнинг табиий-илмий қарашлари табиат ҳодисаларини метафизик руҳда тушунтирувчи таълимотларга зарба берди. Кант ўз даври табиатшунослиги эришган ютуғини фақат Коинот тузилиши масаласига эмас, шу билан бирга Коинот генезиси ва ривожланиши масалаларига ҳам татбиқ қилди. Кантнинг инсон ирқларининг табиий келиб чиқиши ҳақидаги назарияси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Гегель (1770—1831) метафизик фикрлаш услубини танқид қилди. Гегелнинг таъкидлашича, ривожланиш тор доира ичида эмас, доимий, куйидан юқорига қараб боради. Мана шу жараёнда миқдор ўзгаришларининг туб сифат ўзгаришларига ўтиши юз беради. Ривожланишнинг манбаи эса ҳар қандай ўз-ўзидан ҳаракатнинг сабаби бўлган қарама қаршилиқдир, деб ҳисоблаган.

Леонардо да Винчи (1452-1519) ўз асарлари орқали борлиқни ўзича кашф қилади, тушунади. У табиат билан худони бир деб талқин қилади

«Агар инсон эркинликка интилса, унда нима учун қушлар ва ҳайвонларни қафасда ушлаб туради?», «Инсон чиндан ҳам ҳайвонларнинг шоҳидир, чунки уларни шавкатсизларча йўқ қилади. Биз бошқаларни ўлдириш учун яшаймиз. Биз юрадиган қабристонмиз! Эрта ёшимда гўштдан воз кечдим» деган фикрлари инсонни табиатга меҳрибон бўлишга, атрофимиздаги оламга дўстона муносабатда бўлишга ундайди.

Леонардо: «Вақт келади, қачонлардир одамлар, менга ўхшаганлар, ҳайвоннинг ўлдирилишини одам ўлдирилиш каби идрок қила бошлайдилар, деб таъкидлайди». Унинг кўплаб эскизлари ўша даврнинг ҳурфикрлигини кўрсатади. Масалан, учишга мўлжалланган ускуналар, қўл ва оёқ ёрдамида ҳавога кўтарилган вертикал техник аппарат, конус шаклидаги «парашют» – бу қурилмага у шундай изоҳ беради: танангизга ҳеч қандай зиён етказмасдан, ҳар қандай баландликдан сакрашингиз мумкин бўлган қурилма [116; 185 б].

Липич Людмила Михайловна Украинанинг маданий меросидаги ҳурфикрлилик ғояларини кўрсатиб берган [57]. Ҳамруни Слаҳеддин томонидан VIII-IX асрларда халифалик маънавий маданиятида ҳурфикрлилик қандай амалга оширилганлиги таҳлил қилинган [95].

А.Д.Суховнинг фикрича ҳурфикрлилик «Инсон! Сизнинг олдингизда табиатнинг чексиз дунёси, сизга ўхшаш мавжудотлар дунёси, ўзингизнинг ички дунёингиз бор! Улар билан танишинг ва уларни чексиз такомиллаштиринг!» деган қарашларда ўз аксини топган [86; 258 б]. Ота «илмлар тўғрисида билимларни ўргатди», турли халқлар ҳақида, болаларга расм, мусиқа, қишлоқ хўжалиги иши, ҳарбий ишлар, тилларни ўргатди (шунинг учун «сўз эркинлиги руҳининг эластиклиги» онгни мустаҳкам тушунчаларга ўргатди); болаларни жисмоний ва ақлий меҳнатга, раҳм-шафқатга ва ҳақиқатни излашга одатлантириб, ахлоқни тарбиялади [77;51-52б]. «Маънавий фаолиятнинг турли соҳаларида, шу жумладан, санъатда эркин фикрлашнинг намоён бўлиши, эркин фикр ғояларининг

давомийлиги» ҳам ижтимоий ҳаётда рўй бераётган фикрлар ўзгаришини кўрсатади [73; 746-9036].

Хурфикрлаш тарихи соҳасидаги тадқиқотлар жамият ривожига таъсир кўрсатди, жумладан, А.В.Луначарский [62] нинг кўп қиррали иши, у жонли ва қизиқарли тақдимотда Ф. Рабелаис [75], Дж.Свифт [81] сингари кўплаб эркин мутафаккирлар - файласуфлар, ёзувчилар, рассомларнинг илмий таржимаи ҳолларини тақдим этди. Х.Рембрандт [79], Г.Е.Лесинг [60], Вольтер [29;30;31;32;33], Б.Спиноза [82;83;84,85], В.Гёте [36;37;38;39;40;41;42], П.Б.Шелли [104;105;106;107;108-113], В.Г.Белинский [24,25,26,27,28], И.С.Тургенев [89], А.Блок [20], Н.Г.Чернышевский [99] ва бошқаларнинг ишлари ўрганиб чиқилди.

Тадқиқот жараёнларида талабаларда хурфикрлиликни ривожлантиришда ислом дини ва илоҳиёти давридаги хурфикрлилик қандай амалга оширилганлиги борасидаги маълумотларга ҳам таянишимиз кейинги хулосаларни чиқаришга асос бўлади. Маълумки, араблар томонидан ислом динини Турон халқларига сингдириш борасида қилинган ҳаракатлар тезда ўзининг самарали натижасини бермаган, чунки араб босқинчилари ва ислом ғояларига қарши маздакийлик, хуррабийлик каби халқ ҳаракатлари ўз фаолиятини олиб борган.

Таълим-тарбия жараёнида талабалар ўртасида ҳам педагогик хурфикрлиликни ва илмий дунёқарашни ривожлантириш зарур. Бу мураккаб вазифа, аммо бунинг уддасидан чиқиш педагогик хурфикрлиликнинг моҳиятини ташкил этади. Педагогик хурфикрлаш имкониятини ўзида шакллантира оладиган талабаларгина, бошқа талабаларни тушуна олиш, улардаги интилишларнинг моҳиятини кўра олиш қобилиятига эга бўлади. Талабаларда педагогик хурфикрлиликнинг мавжудлиги ва ривожланиши кўп жиҳатдан талабаларнинг маънавий оламига ҳам боғлиқ. Педагогик хурфикрлиликни шакллантириш ва ривожлантириш учун талабаларнинг дунёқарашини ўзгартириб мустақил фикр юритишга одатлантириш керак. З.Нишонова айтганидек: «мустақил

фикрлаш шахсининг хислати сифатида ҳар қандай фаолият турида индивидуал ва жамоавий ютуқларга эришишда юқори кўрсаткични таъминлайдиган муҳим омиллардан бири бўлиб қолади [71; 5 б]. Олиб борилаётган изланишларимиз натижалари шуни кўрсатмоқдаки, педагогик хурфикрлиликка эришишнинг моҳияти шундаки, педагогик хурфикрлилик орқали биз таълим-тарбия жараёнида кўзимиз билан кўришимиз қийин бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг келиб чиқиши ва уларнинг ички хусусиятини педагогик хурфикрлилик орқали англаш ва кўриш имконига эга бўламиз.

Педагогик хурфикрлилик бевосита фикрлаш билан боғлиқ бўлгани учун педагогика фанлари доктори, профессор Б.Ходжаевнинг «Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш йўллари» рисоласидаги қуйидаги жумлаларни келтириб ўтишимиз мақсадга мувофиқ. «Фикрлаш фанлараро тадқиқотларни, комплекс фанларни ўзида мужассамлаштиради. Фалсафа материя билан боғлиқликда фикрлаш ёрдамида дунёни билишнинг йўллари ва имкониятларини ўрганади, формал мантиқ фикрлашнинг асосий шакллари (тушунча, ҳукм, хулоса)га эътибор қаратади. Фикрлашга оид тадқиқотларнинг социологик жиҳати турли жамиятларнинг ижтимоий тузилиши билан боғлиқликда фикрлашнинг тарихий ривожланиш жараёнини таҳлил қилиш билан тавсифланади. Физиология эса фикрлаш ҳодисасини аниқлаштирувчи ақлий механизмларни ўрганади. Кибернетика эса инсоннинг фикрлашига фаолиятда муҳрланадиган ахборий жараён сифатида қарайди. Психология фикрлашни билиш фаолияти сифатида ўрганади ҳамда фойдаланилаётган воситаларнинг характери ва умумлашган даражасига, субъект учун янгилигига боғлиқликда фикрлашнинг турларини дифференциялайди» [96;126]. Педагогика фикрлашни фалсафий, физиологик, психологик жараён эканлигини эътироф этган ҳолда, уни шакллантиришнинг шакл, метод ва воситаларини ўрганади ва амалиётга татбиқ этади.

Фикрлаш - бу ақлий фаолият маҳсули. Энг қизиғи фикрлаш меросий тушунча, у барча инсонларга хос. Фалсафа, педагогика, психологияга доир адабиётларда фикрлашнинг 20 дан ортиқ турлари ажратиб кўрсатилади. Ҳар бири ўзининг тадқиқот объектидан келиб чиққан ҳолда, қайси бирларини асосий деб қарашга мойил. Жумладан, фалсафа, психология, педагогикага оид луғатларда фикрлашнинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади: мантикий, абстракт (мавҳум); умумлашган, назарий, техник, репродуктив, ижодий (продуктив), тизимли, категориал, индуктив, дедуктив, алгоритмик, танқидий ва бошқалар [96]. Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда биз бир катор адабиётларни ўрганиб чиқдик, бироқ ҳеч бирида «педагогик ҳурфикрлилик» тушунчасини топа олмадик. Шунинг учун ҳам ҳурфикрлилик нима деган саволга қуйидаги жавобни топдик.

Фикр – бирор нарса, кимса ҳақидаги ўй ҳаёл. **Ғоя** билан фикр биридан фарқ қилади. **Фикр** шахсий муносабатларни ифодалайди. **Ғоя** ижтимоий муносабатни акс эттиради. Шунинг учун ҳам ғоя тафаккур маҳсули, ижтимоий қимматга эга бўлган фикрдир.

Фикр – арабча ғоя, ақл, ўй, мулоҳаза – жонли тил ва матнда ўзига хос турли маъноларни ифодалайдиган бирор нарса, киши ҳақидаги ўй ҳаёл.

Эркинлик – кишининг ўз истаги бўйича иш тутиши. **Эркинлик** - бош-бошдоқлик эмас, жамиятдаги муайян тартибни ифодалайди. **Эркинлик** – инсоннинг жамият олдидаги вазифани бажаришни эркин, ихтиёрий танлашидир. **Эркинлик**- инсоннинг сиёсий, маънавий таъқибдан, зўравонликдан ҳимояланганлигини билдиради. **Эркинлик**- ўз бахтини ўзи яратиш воситаси бўлиб, инсоннинг ўзлигини англаш даражасини ифодалайди.

Ҳурфикрлилик - эркин фикрлаш асосида ҳақиқатни англаш дегани. Ҳурфикрлилик ҳар қандай устувор тасаввур ҳам вақти келиб эскиради, ҳақиқатни англаш йўлидаги тасаввурлар учун бир босқич бўлиб хизмат қилади.

Хурфикрлилик - маънавий камолот белгиси, муайян ақидаларга эътиқод, эркин фикр юритиб, бирон-бир ғояни мутлоқлаштиришга қарши бўлган, маънавий тазйиқларни инкор қилувчи ва ҳақиқатга эришиш йўлида ақлга асосланувчи ижтимоий тафаккур йўналишини ифода этувчи тушунча.[65].

Хурфикрлилик – тарихан турли шаклдаги ақидапарастликни танқид қилишда намоён бўлган. Масалан, антик дунёда куёш, ер, ой ва юлдузларнинг ҳаракатланмаслиги тўғрисидаги ақидалар мустаҳкам ўрин эгаллаган эди. Кейинроқ уларга қарши Птоломейнинг Куёш ва Ойнинг Ер атрофида айланиши тўғрисидаги ғояси пайдо бўлган. Бу ҳол турли астрономик ихтиро ва кашфиётлар қилинишига олиб келди. Улуғбек астрономияси ҳам шу ғоя асосига қурилишига сабаб бўлди. Кейинроқ Ер коинот маркази эканлиги тўғрисида ғоя ақидага айланди ва черков томонидан ҳақиқат, деб қабул қилинди.

Ўрта асрларга келиб, ошкора атеизм ва атеистик кўринишдаги ақидалар камроқ кузатилган бўлса-да, айрим хурфикрлилик ҳаракатлари мавжуд бўлган. Динга қандайдир “афъюн” сифатида қаралган. Унга қарши атеистик кураш, тарғибот ва ташвиқот олиб борилган. Охир оқибатда динга, соғлом эътиқодга қарши қаратилган ана шундай мақсадлар асосида атеистик мафкура коммунистик мафкура билан топишади бир-бирини тўлдиради.

Инсоният ижтимоий сиёсий тараққиёти давомида ишонч, сабр-тоқат, қаноат, нафсни тийиш каби фазилатлар орқали иродасини мустаҳкамлаб борган. Бу фанда аскетизм деб эътироф этилди. Аскетизм - инсонни сабр-тоқатли бўлишга чорласа-да, шахснинг эркин ижодий фаолиятига монелик қилади.

Шу билан бир қаторда биз қуйидаги ишларни ҳам эътиборимиздан четда қолдирмадик. Булар: Г.Ф.Бердалиеванинг «Мактабгача ёшдаги болаларни мустақил фикрлашга йўналтиришда уларнинг ёшига хос бўлган психологик ва педагогик хусусиятлар» [148], М.Арабова, Ф.Бердиева

«Танқидий фикрлашни ривожлантиришнинг назарий асослари» [131] О.А.Тўрақулова «Адабий таълим жараёнида мутоаала маданиятини ташхис этиш ва коррекциялашда замонавий ёндашув» каби илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинди[144]. Уларда мустақил фикрлашга оид қарашлар ўрганилди. Масалан, «Мустақил фикрлаш инсоннинг муаммони, уни ҳал қилиш йўллариини ўзи кўра олиши ва унга мустақил жавоб топа олиш қобилиятидир» [96].

Юқоридаги фикрларнинг аҳамиятлилик даражасига таянган ҳолда талабалар ўртасида педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришни:

-таълим-тарбия жараёнида ҳаётий воқеалар, бадиий асарлар, кино ва спектакллар, рассомларнинг асарларини таҳлил қилиш жараёнларида;

-талабаларда педагогик хурфикрлиликни шакллантириш ва ривожлантиришда тарбиявий ишларни жонлантиришда;

-талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришда телекўрсатувлардан самарали фойдаланишда;

-талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришда миллий-маънавий қадриятларнинг таъсир этиш имкониятидан самарали фойдаланиш орқали;

- талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришда педагогик лойиҳалардан фойдаланиш жараёнларида амалга ошириб борилди.

I-боб бўйича хулоса

Мазкур «Талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари» деб номланган бобда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилган:

Илмий тадқиқот жараёнларида эрамиздан олдинги даврларда хурфикрлилик ғояларига оид манбалар билан танишиб чиқилди ва керакли хулосалар чиқарилди. Масалан, педагогик касбга тайёргарлик кўраётган ёшларни педагогик хурфикрлашини ривожлантириш учун педагогик

хурфикрлилик педагогик муаммо сифатида кўриб чиқилди. Унда, асосан, бўлажак ўқитувчилар эрамиздан олдинги даврларда хурфикрлилик ғоялари нималарда ўз аксини топганлигини билиши учун манбалар билан ишлашга эътибор қаратилди.

Бугунги кундаги одамнинг, яъни НОМО-SAPINESнинг илк маротаба бу оламга келиши борасида ҳар хил фикрлар борлиги, илк одамлар табиат билан ҳамнафас бўлиб яшаши учун, унинг барча қонуниятларига сўзсиз бўйсиниши кераклиги, илк одамларда аста-секинлик билан эволюцион тарзда ривожланиш ва ижтимоийлашув юзага кела бошлаганига оид манбаларга тўхталиб ўтилди. Инсоният ривожланишининг сапиент чизиғининг бутун эволюцияси политип турлари билан боғлиқ эканлиги ёритилди. Шу билан бир қаторда диний таълимотлар ва уларнинг пайдо бўлишида анимизм, тотемизм, фетишизм ва шаманизм каби босқичларда юзага келганлиги ва хурфикрлиликка оид қарашлар ўрганилди.

Талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришда ўрта асрлардан то бугунги кунгача бўлган даврдаги манбалар тартиб билан ўрганиб чиқилди. Уларда акс этган хурфикрлиликдан таълим-тарбия жараёнларида фойдаланиш учун белгилаб олинди.

II-БОБ. ТАЛАБАЛАРДА ПЕДАГОГИК ҲУРФИКРЛИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

2.1. Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик жиҳатлари

Бугунги кунда глобаллашув жараёни талабларига мос ижтимоий-сиёсий фаол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор масалаларидан бири саналади. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да - «жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш» [5] белгилаб қўйилган. Шу маънода «Янги Ўзбекистон - янгича дунёқараш» шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Таълим тизимидаги унинг аҳамияти қуйидагиларда ўз аксини топмоқда. Булар:

- ўқув дастурларини, ўқув режаларини янгилаш;
- таълим жараёнини АКТ лар билан бойитиш;
- ўқитувчи обрўсини янада ошириш;
- таълим муассасаларининг янги имиджини яратиш;
- таълим муассасаларига мустақиллик бериш;
- илм-фанни ривожлантириш;
- мактабни таълимнинг кейинги босқичи билан боғлаш;
- ўқитувчиларни ортиқча қоғозбозликдан халос этиш;
- ўқув юклама ва дарслар сонини қайта кўриб чиқиш;
- ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш, дам олишини самарали ташкил этиш;

- таълим муассасалари раҳбарлари ва илғор ўқитувчиларни бир йилда бир марта икки ҳафта давомида касаба уюшмаси ҳисобидан энг яхши сихатгоҳларда дам олиб келиши кабилар таълим тизимига эркин ёндашув асосида педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Глобаллашув, интеграция жараёнида, барча соҳаларда шиддат билан кечаётган тараққиёт, инсониятнинг ижтимоий фаоллигини тақозо этади. Бу ўринда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор бериш давр талабидир. Бугунги кунда талабалар ўртасида ҳурфикрлиликни тарбиялаш ҳам долзарб педагогик масала ҳисобланади. Талабаларнинг иқтидори, истеъдоди, қобилияти, интеллектуал салоҳияти, креатив ва соғлом тафаккурини жамият талабларига мос ривожлантиришда ота-боболар томонидан шакллантирилган миллий-маънавий кадриятлардан фойдаланиш бугунги куннинг асосий долзарб масалаларидан биридир. Жуда қадимдан ота-боболаримиз ёшлар тарбиясига жиддий ёндашиб, уларни баркамол шахс сифатида ривожлантиришга бор кучини сафарбар қилишган. Бу борадаги фикрларни мазкур ишнинг биринчи бобида бериб ўтдик.

Инсоният ўз онгини бошқара оладиган кундан бошлаб жамиятда ва табиатда бўлаётган воқеа ва ҳодисалар нима сабабдан содир бўлаяпти деган савол уларда пайдо бўлганлиги илк ҳурфикрлиликдан далолат беради. Саволга жавоб излашдан мақсад ўзларининг эҳтиёжларини қайсидир маънода қондиришга ҳаракат қилишган. Бунга оловнинг кашф қилиниши, озиқ-овқатларни пишириб ейишининг тарихини, иссиқдан ва совуқдан сақланиш воситаларининг кашф қилиниши ҳамда меҳнат қуролларининг яратилишини мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин. Агарда инсоният тарихининг илк босқичларида ҳурфикрлилик бўлмаганда, одамлар шахс сифатида шаклланмасдан биологик мавжудот сифатида яшаб қолган бўлар эди. Демак, бугунги кунда ҳам одамлар ижтимоий муҳитда шаклланиб баркамол шахс сифатида мустақил фикрга эга бўлишга интилишлари ўз долзарблигини йўқотмаган.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон

Декларацияси» [153], «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция» [154], «Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги конвенция» [155], «Халқларнинг тинчликка доир ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция» [156], «Дин ва эътиқод асосидаги муросасизлик ва камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида декларация», «Ирқий камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция» [157] ва бошқа халқаро ҳужжатларга қўшилган. Шуларга таянган ҳолда таълим-тарбия жараёнларида бутун дунё таълим тизимида бўлаётган янгиликлар билан таништириб бориш жараёнларида уларда педагогик хурфикрлилик шакллантирилди.


Бўлажак ўқитувчиларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ҳеч, шубҳасиз, бу ижтимоий асосларга таянишдир. Бу қанақа асос, унинг мазмун-моҳияти нима билан боғлиқлигини англашимиз учун биз бир неча луғатларга мурожаат қилдик. Масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ижтимоий сўзининг маъноси қуйидагича берилган. **Ижтимоий** - жамоа, жамиятга оид. 1. Инсон ва жамият ҳаётига оид [126].

Юқоридаги таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, жамоа, ижтимоий тараққиёт, ижтимоий ишлаб чиқариш, ижтимоий муносабатлар орқали биз ёшларни хурфикрликка йўналтириш ишларини олиб боришимиз мақсадга мувофиқдир. Демак, биз жамоанинг ўзига тўхтаб ўтиш орқали ёшлар ўртасида хурфикрлиликни шакллантиришда жамоанинг ўзига хос функцияларига тўхталамиз. Булар:

- мослашувчанлик;
- мақсадлилик;
- кенгашлилик;
- барқарорлик;
- ижтимоийлик;
- интегративлик;
- тарбияловчилик кабилар.

Демак, талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришда

педагогик жамоанинг ўрни ҳақида маълумотлар берилиши ва манбалар билан қуроллантирилиши шарт экан (2.1.1-расм).



2.1.1-расм. Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришда педагогик жамоанинг вазифалари.

Манбалардан бизга маълумки, инсониятнинг ривожланиш тарихида маънавий юксалишнинг ҳам ўрни каттадир. Албатта, бунинг асосида ҳам инсонларнинг ҳурфикрлашлари ётади. Дарҳақиқат, маънавиятнинг кашф этилиши *Homo Sapiens* маънавиятини кашф этди [55]. Демакки, инсоният тарихида ҳам илк ҳурфикрлаш ижобий натижаларни берган. Шу сабабдан ҳам бунга асос бўлувчи манбада афсоналар, халқ оғзаки ижоди (фольклор) жанри орқали кўтарилган фикрлар диққатга сазовордир. У хаёлот, уйдирма ва тўқимадан иборат бўлса-да, сўзловчи ва тингловчи томонидан ҳақиқатдек тасаввур этилади, ҳатто бўлиб ўтган даври, макон ҳам кўрсатилади. Афсоналар оғиздан оғизга, элдан-элга ўтиб келган, ифода усули баён этилган. Афсоналар оғзаки ҳикоят бўлиб, у хаёлий образ ёки тасаввур асосига қурилади, ҳикоя қилувчилар ва тингловчилар томонидан

качонлардир шундай бўлгандек қабул қилинади. Ривоятдан фарқли ўлароқ афсоналар заминда, албатта, мўъжиза, сеҳр-жоду бўлади. Кўчма маънода афсоналар - уйдирма, ёлғон, ақлга тўғри келмайдиган гап, деб эътироф этилади [117; 800 б].

Афсоналар одамларни эркин фикрлашга ундаганлиги ва тарбиявий аҳамиятга эгаллигини инобатга олиб, қуйидаги кетма-кетликда ўрганиш мақсадга мувофиқ.

1. Олам ҳақидаги афсоналар:

- Ернинг пайдо бўлиши;
- Ойнинг пайдо бўлиши;
- Қизил сайёранинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган афсоналар.

2. Топонимик афсоналар:

- Қоф тоғининг пайдо бўлиши;
- Сирдарёнинг пайдо бўлиши;
- Оролнинг пайдо бўлиши;
- Айдаркўлнинг пайдо бўлиши;
- Эрам боғининг пайдо бўлиши;
- Жиззахнинг пайдо бўлиши;
- Зоминнинг пайдо бўлиши;
- қишлоқларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ афсоналар.

3. Элатларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган афсоналар:

- кишиларнинг тили;
- халқларнинг яшаш ҳудуди;
- халқларнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топиши билан боғлиқ бўлган афсоналар.

4. Ҳайвонот дунёси билан боғлиқ афсоналар:

- шер;
- аждаҳо;
- анқо;
- семурғ билан боғлиқ афсоналар.

5. Табиатдаги воқеа, ҳодисалар билан боғлиқ афсоналар:

- чақмоқ;
- зилзила;
- шамол;
- юлдузлар.

6. Тарихий шахслар билан боғлиқ афсоналар:

- Тўмарис;
- Широқ;
- Амир Темур;
- Ибн Сино;
- Беруний;
- Имом Бухорий.

7. Дин билан боғлиқ афсоналар:

- Нуҳ пайғамбар хусусиятлари;
- Абу Муслим жангномаси;
- Авестодаги Франграсйан(Афросиёб);
- христианликдаги Исо Масиҳнинг ҳаворийлари билан саёҳатига боғлиқ воқеа-ҳодисалари кишиларда ҳурфикрлиликни шакллантирган.

8. Шоир ва ёзувчиларнинг асарларида афсоналарнинг ўрни:

- Жонатан Свифт «Гулливернинг саёҳатлари» (XVIII асрнинг буюк инглиз ёзувчиси Жонатан Свифт (1667-1745) ўзининг «Гулливернинг саёҳатлари») номли сатирик романи билан дунёга донг таратди.

Ёзувчи ғазаб ва эҳтирос билан ёзган бу китобида ўзи яшаган давр Англиядаги мавжуд давлат тузуми, ижтимоий тартиб ва ҳуқ-атворлар устидан қаттиқ кулади, уларни қоралайди. Ёзувчи ҳоким синфларнинг текинхўр ва мунофиқлигини, амалдор шахсларнинг тошбағир, қабих ва худбинлигини фош қилади.

- Юсуф Хос Хожиб «Қутадғу билиг», (Бахтлиланиш билими) бўлиб, муаллиф ўз асарини 18 ойда ёзиб тугатган. Асардаги тўрт рамзий қаҳрамон Кунтуғди (адолат), Ойтўлди (давлат), Ўғдулмиш (ақл) ва Ўзғурмиш

(қаноат) тимсоллари орқали Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг ижтимоий-сиёсий, адабий-фалсафий қарашларини эркин ифодалай олган.

- Маҳмуд Қошғарий «Девону луғотит турк» (“Девону луғотит турк” – туркий - арабий изоҳли луғат бўлса-да, лекин китоб араблар ва арабчани фан тили сифатида қўлловчилар учун тузилган оддийгина луғат эмас. У Қорахонийлар давридаги бутун туркларнинг иқтисодий, маданий, илм-фан соҳасидаги муваффақиятларини, давлат юритиш тадбирларини, фалсафий-иқтисодий қарашларини, урф-одатларини бой тил материали орқали таништирадиган мукаммал қомусдир. Ўз даври адабий ва умумхалқ тилининг бутун бир кўринишини акс эттирган, қонун-қоидаларини маълум қолипга туширган илмий тадқиқот асаридир” [19; 72 б].

- Алишер Навоийнинг «Хамса»;

- Дантенинг «Илоҳий комедия» (Ўрта аср Европа адабиётида биринчи бўлиб инсон сурати ва сийратини бадиий образлар воситасида талқин этади, уларнинг бу дунёдаги аъмолини у дунёда баҳолашга ҳаракат қилади. Иловага қаранг);

- Чингиз Айтматов «Оқ кема»;

- Эркин Воҳидов «Рухлар исёни»;

- Абдулла Орипов «Жаннатга йўл» асарларидаги афсоналар.

Бу асарларда кишилик жамиятидаги воқеа ва ҳодисаларни очиб бериш орқали асарнинг бадиий-эстетик ва таъсир кучини оширишга, инсон руҳиятини янада чуқур ва тўлақонли тасвирлашга хизмат қилиш орқали хурфикрлилик тарғиб қилинганлиги талабалар билан биргаликда таҳлил қилиб борилди.

Шу билан бир қаторда биз бўлажак ўқитувчиларда педагогик хурфикрлилик кўникма ва малакаларини шакллантиришда юртимизда олиб борилаётган туб ислохотларнинг барчаси инсон омилига, унинг кадр-қимматига, манфаатига қаратилганлиги борасида давра суҳбатлари ташкил этилди. Бунда, *биринчидан*, юртимизда буюк сиймолар кўним топган кадамжоларни обод қилиш ва уларнинг фаолиятини ёшлар онгига

сингдириш масаласи бўйича аниқ режалар тузилди. *Иккинчидан*, миллатлараро тотувликни йўлга қўйиш масаласи бўйича олиб борилаётган ишлар ва уларнинг ёшлар тарбиясига таъсири тўғрисида фикрлар алмашилиши йўлга қўйилди. *Учинчидан*, таълим соҳасини тубдан ислох қилиш бўйича олиб борилаётган ишларга ўзимизнинг ҳиссамиз қай даражада бўлиши кераклиги ва бу жараёнда фаол иштирок этиш масаласи доимий равишда ишимизда етакчилик қилди. *Тўртинчидан*, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги орқали ҳар бир ҳудуднинг замонавий маънавий қиёфасини яратиш ва у орқали туризмни янада ривожлантириш масаласида бўлажак ўқитувчиларга экскурсоводлик илми бериб борилди. *Бешинчидан*, юртда барқарор тинчликни сақлаб туриш учун ёшларни Ватанга садоқатлик руҳида тарбиялаш борасида ҳамкорлик педагогикаси йўлга қўйилди. *Олтинчидан*, Ватанни дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқишда биз бўлажак ўқитувчиларнинг вазифалари нималарда ўз аксини топиши борасида педагогик ҳурфикрлилик қарашлари шакллантирилди. Бу жараёнда талабалар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан «Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус»ни ҳамда «Янги Ўзбекистон - янгича дунёқараш» шиорларининг моҳиятини тушуниш ва амалга ошириш жараёнларида педагогик ҳурфикрлиликни шакллантиришда нималарга эътибор қаратиш кераклиги тушунтирилди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик ҳурфикрлигини шакллантириш ва ривожлантиришда биринчи ташаббус бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Бўлажак ўқитувчилар мусиқа йўналишида таълим олаётган талабалар томонидан ташкиллаштирилган ҳисобот концертларига олиб борилди. Бўлажак мусиқа ўқитувчилари томонидан ижро этилган куй, қўшиқ, ашула ва рақс санъатида нималар ифода этилганлиги, куй, қўшиқлар кимлар томонидан басталанганлиги концертдан сўнг муҳокама қилинади. Шу

аснода бўлажак ўқитувчиларнинг муסיқий саводхонлиги ҳам оширилиб борилди.

Бўлажак ўқитувчилар тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналишида таълим олаётган талабалар томонидан ташкиллаштирилган кўргазмага олиб борилди. Бундан кўзланган мақсад ҳар бир бўлажак ўқитувчиларни Камолиддин Бехзоднинг хаёти ва ижоди билан танишиш билан бир қаторда унинг хурфикрликка оид ғояларини асарларидаги аксини тушунишдан иборат. Рассомнинг ижоди ва меъросини ўрганувчи мутахассислар фикрича, унинг ҳозиргача маълум бўлган асарлари тахминан ўттизта расм ва расмлар туркумидан иборат, улардан энг машхурлари куйидагилардир: 1. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига ишланган миниатюралар. 2. Ҳусайн Бойқаронинг мажлислари тасвирланган мураккаъдаги 40 дан ортиқ гўзал миниатюралар. 3. Абдурахмон Жомийнинг «Саломон ва Ибсол» асарига ишланган расмлар. 4. Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса»сига ишланган 33 та ажойиб миниатюра. 5.Саъдийнинг «Бўстон» асарига ишланган гўзал расмлар. 6. Низомий Ганжавийнинг «Хамса» асарига чизилган ноёб ва беназир миниатюралар. 7.Абдуллоҳ Хотифийнинг «Темурнома» асарига чизилган расмлар. 8.Саъдийнинг «Гулистон» асарига ишланган нафис миниатюралар. 9.Абдурахмон Жомий тасвири. 10. Ҳусайн Бойқаро тасвири. 11.Шайбонийхон тасвири. 12. Шоҳ Тахмасп тасвири. 13. Шоир Абдуллоҳ Хотифий тасвири. 14. Туялар жанги. 15. Рақси дарвиш (дарвишлар рақси). 16. Самарқандда мадраса қурилиши ва ҳоказолар.

Ўзбек рассомлари: Чингиз Аҳмаров, Рўзи Чориев, Раҳим Аҳмедов, Ўрол Тансиқбоев, Акмал Иқромжоновлар; дунё тан олган буюк рассомлар: Эдуард Мане, Казимир Малевич, Винсент Ван Гог, Эдвард Мунк, Иероним Босх, Сальвадор Дали, Микеланджело Буонарроти, Леонардо Да Винчи каби рассомлар томонидан яратилган санъат асарлари билан таништириш ва шу орқали улар томонидан олға сурилган бунёдкор ғоялар замирида

ётган хурфикрлилик ғояларини таҳлил қилиш орқали талабаларда педагогик хурфикрлиликка оид дунёқараш шакллантирилди.

Талабалар вилоят драма театрида қўйиладиган спектаклларга олиб борилди ва ундаги асосий ғоялар гуруҳлар кесимида муҳокама қилинди. Жумладан, «Жаннатга йўл», «Ватан боласи» (Талабалар театри) каби асарларни кўриш ва уларнинг таҳлили жараёнларида талабалар билан очик бадиий мулоқот йўлга қўйилди. Натижада таълим-тарбияга оид фикрлар таҳлил қилинди.

Талабаларни халқ амалий санъати билан яқиндан таништириш масаласида юртимиз ҳудудидан мезолит, неолит даврига таалуқли сопол идишлар, 3 минг йиллик охири 2 минг йилликка оид жез даври кўйма бадиий буюмлари, илк ўрта аср (5-8 асрлар) амалий безак санъати ганч ўймакорлиги (Самарқанд, Варахша) ва ёғоч ўймакорлиги (Сурхондарё вилояти)да, 6-10 асрлардан шиша идишлар кўплаб ишланганлиги ўша давр илғор фикрлар натижаси ҳисобланиши талабаларга тушунтирилиб борилди. Бу давр хурфикрлигининг яна бир кўринишлари кўзача, қадаҳлар, сиёҳдон, турли идишлар, рангли (қизил, олча ранг, сариқ, кўк, яшил), рангсиз шишалардан тайёрланганлигидадир. Улар бўртма, босма, чизма, қадама усулларда безатилганлиги идишларни бир хил усулда ясашдан янгисига ўтганлигидан далолат беради. Амир Темур ва Темурийлар даврида нафис матолар, гулли кашталар, зеб-зийнат буюмлари, бадиий безатилган куруллар, от абзаллари, идишларга берилган безаклар бадиий хунармандликнинг ривожланганлигидан далолат беради.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик хурфикрлигини ривожлантиришда иккинчи ташаббус бўйича куйидаги ишлар амалга оширилди:

Факультетда таҳсил олаётган талабалар ўртасида шахмат-шашка, югуриш, арқон тортиш, миллий спорт турларига жалб қилиш, талаба қизлар ўртасида воллейбол, футбол мусобақалари ўтказилди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик ҳурфикрлигини ривожлантиришда учинчи ташаббус бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Талабалар ўртасида компьютер технологиялари саводхонлиги бўйича билимлар кечасини ташкиллаштириш, компьютер технологиялари мутахассислари билан учрашувларни ўтказиш, талабаларга дастурлаштириш методикаси бўйича тренинг ўтказишни ташкиллаштириш, факультетда интернетдан фойдаланиш бўйича маҳорат дарслари ўтказиб борилди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик ҳурфикрлигини ривожлантиришда тўртинчи ташаббус бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Талабаларнинг маънавиятини юксалтириш мақсадида китобхонлик кечалари ўтказилди. Унда шакллантирилган мавзулар бўйича жаҳон адабиёти дурдоналаридан жой олган асарлар, илмий асарлар таҳлил қилиниб, талабаларни таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ бўлган инновацион ғояларга ўргатиб бориш орқали педагогик ҳурфикрлилик маданияти шакллантирилди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик ҳурфикрлигини ривожлантиришда бешинчи ташаббус бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Факультетда таҳсил олаётган талаба қизларни иш билан таъминлаш мақсадида уч томонлама шартнома тузилди, ўз хоҳиш ва истакларини инобатга олган ҳолда тадбиркорлик илми билан тикувчи-бичувчиликка, пазандаликка бўлган қизиқишини инобатга олган ҳолда шу йўналишларнинг моҳирлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

2.2. Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш технологияси

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик ҳурфикрлиликка оид билим, кўникма

ва малакаларини аниқлаш ва бу соҳадаги компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Талабаларнинг педагогик хурфикрлиликка оид билим, кўникма ва малакаларини аниқлашда замонавий таълим технологияларидан фойдаланилди. Таълим тизимига киритилаётган ислохотларнинг мазмун моҳиятини бўлажак ўқитувчиларга сингдириш орқали уларнинг педагогик тафаккури кенгайтириб борилди. Бу масала юзасидан бир қанча вақт мобайнида қуйидагича изланишлар олиб борилди:

1. Талабаларнинг педагогик хурфикрлиликка оид билим даражасини аниқлаш;
2. Талабаларнинг таълим-тарбияга оид миллий-маънавий қадриятлар тўғрисидаги билимлари доирасини аниқлаш;
3. Талабалар томонидан педагогик хурфикрлиликка оид билимларнинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш;
4. Бу соҳада эришилган мавжуд билимлар ва уларни тарғибот қилишга тайёргарлик даражасини аниқлаш ва ҳоказо.

Биринчи йўналиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, I курс билан IV курс талабалари ўртасида 30% гача фарқ сезилди, яъни I курсларда 60 % ва IV курсларда 90 % ни ташкил этди. Бунинг сабаби педагогика институтларида «Умумий педагогика» фани II курсларда ва III курсларда ўқитилади. Асосан, шу ўқув предметида таълим назарияси, тарбия назарияси, педагогика тарихи ва педагогик маҳоратга оид билимлар мазмунида педагогик хурфикрлиликка оид маълумотларни беришга ҳаракат қилдик. Иккинчи босқичда талабаларнинг педагогик хурфикрлиликка оид билим, кўникма ва малакалари босқичма-босқич шакллантирилди.

Бунда:

- а) педагогик хурфикрлиликка оид тушунчалар;
- б) буюк сиймоларнинг таълим-тарбияга оид фикрлари, қарашлари, асарлари;

в) халқ оғзаки ижодидаги ҳурфикрлиликлар;

г) умуминсоний ва миллий қадриятларнинг тарбиявий аҳамиятини ёритишга хизмат қиладиган мавзулар доирасида амалга оширилди.

Бўлажак ўқитувчиларга педагогик ҳурфикрлиликка оид маълумотлар маъруза, семинар, мустақил таълим ва педагогик амалиёт жараёнларида талабалар онгига сингдирилиб борилди. Ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш масаласи ҳар қандай жамиятда илғор ғояли инсонларнинг эзгу-орзуси бўлиб келган. Буюк боболаримиз Ал-Хоразмий (783-850), Имом ал-Бухорий (810-870), Абу Райхон Беруний (973-1048), Абу Али Ибн Сино (980-1037), Юсуф Хос Ҳожиб (XI-аср), Нажмиддин Кубро (1145/46-1221), Амир Темур (1336 –1405), Мирзо Улуғбек (1394-1449), Абдурахмон Жомий(1414-1482), Алишер Навоий(1441- 1501), Бобур (1483-1530), Нодира (1792-1842), Огахий (1809-1874), Зокиржон Фурқат (1859-1903), Увайсий (1779-1845), Фитрат (1886-1938), Махмудхўжа Бехбудий (1875-1919), Абдулла Авлоний (1878-1931) ва шу каби улуғ алломалар ўзлари яшаган замоннинг шароити, урф-одатлари, дунёвий ва диний илмлари қай даражада бўлгани ва улар нималарга муҳтожлиги борасида нафақат қайғурган, балки, унинг ечимини топиб, ўзларининг ғояларини тарғиб қилиб, жамиятнинг ривожига ҳисса қўшганлар. Мисол учун, Абу Наср Форобийнинг ҳурфикрлилик билан йўғрилган «Фозил одамлар шахри» номли асаридаги ғоялар, Соҳибқирон Амир Темур томонидан илм-фан ривожини учун яратилган шароитлар ҳурфикрлашнинг натижасидир.

Бугунги кунда Президентимиз томонидан олға сурилаётган «Бешта муҳим ташаббус», «Ҳаракатлар стратегияси», «Ўқитувчи обрўсини ошириш», «Инсон манфаатлари йили», «Соғлом авлод йили», «Ижтимоий ҳимоя йили», «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили», «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» каби дастурлар ва «Янги Ўзбекистон - янгича дунёқараш» шиорининг ҳаётга татбиқ этилиши ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда давлат раҳбарининг бу борадаги талаблари талабаларга сингдирилиб

борилди. Шу сабабли бугунги кунда педагогик ҳурфикрлилик тарбияси том маънода юқорида зикр этилган давлат дастурлари асосида олиб борилиши шарт.


Бўлажак ўқитувчиларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришнинг маърифий босқичларини қўйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқ:

- комил инсон тарбияси;
- комил инсон тарбиясини амалга ошириш мақсади ва вазифалари;
- комил инсон тарбиясини амалга ошириш тамойиллари;
- узлуксиз таълим тизими;
- узлуксиз маънавий тарбия тизими;
- рақобатбардош мутахассис тайёрлашга эришиш.

Давлатимизни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишнинг бирдан бир йўли жаҳон талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлашдир. Жаҳон талабларига жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш учун уларнинг онгида кескин бурилиш яшаш керак. Негаки, талаба онгли равишда мақсад сари интилмак экан, янги ғояларни ҳаётга татбиқ этмас экан, эскича фикрлашнинг домидан чиқа олмайди. Шунинг учун ҳам биз бугунги кунда буюк боболаримиздан нафақат фахрланиш, балки уларнинг маънавий меросхўрига айланиш вазифаси бўлажак ўқитувчилар онгига сингдирилди. Бундай вазифанинг қўйилиши талабаларда педагогик ҳурфикрлилик нима эканлигини англаб олишларига замин яратди. «Маълум тарихий даврда олам, табиат ва жамият ҳодисалари, унда одамнинг ўрни ва роли ҳақидаги муайян жамиятда етакчи ёки ҳукмрон бўлган дунёқараш, у асосда шаклланган тасаввурлар, барқарор бўлиб қолган (стереотип) қарашлар ҳақлигига шубҳа билан қараш, ишончсизлик, тафаккур усулининг анъанавий тарзлари доирасидан чиқиб, эркин фикр билдириш, ҳақиқатни излаш ва топишда ақлга, илм-фан далиллари, ижтимоий тажрибага таяниб, янги фикрлар, ғоялар билдириш, назарий қоидалар яратиш ҳурфикрлиликдир. Ҳурфикрлилик айна чоғда

маънавий маданиятни такомиллаштириш, ижтимоий муносабатларни изга солиш ҳаракати ҳамдир» [161].

Шакллантирувчи тажриба-синов ишлари жараёнида бўлажак ўқитувчиларда педагогик ҳурфикрликни ривожлантириш учун «Умумий педагогика» фанларини ўқитишнинг педагогик шарт-шароитлари ишлаб чиқилди.



2.2.2.-расм. Талабаларда педагогик ҳурфикрликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари

Талабаларда педагогик хурфикрлиликни педагогик-психологик ёндашув асосида ривожлантириш технологияси такомиллаштирилди. Унинг мазмуни 2.2.3-жадвалда акс эттирилди.

2.2.3-жадвал

Талабаларда педагогик хурфикрлиликни педагогик-психологик ёндашув асосида ривожлантириш технологияси

Талабаларда педагогик хурфикрлиликни шакллантириш босқичлари	Даражалари			
	Англаш	Тушуниш	Фикрлаш	Амалда қўллаш
Билим	Талабалар педагогик хурфикрлиликка оид маълумотларга эга бўлади ва уларни ўзлаштиради	Хурфикрлилик-нинг кишилик жамиятидаги ўрнини ва аҳамиятини тушунади. Шу билан бир қаторда педагогик таълим-тарбиядаги педагогик хурфикрлилик-нинг моҳиятини тушуниб олади.	Педагогик хурфикрлилик-нинг ўрни нималарда акс этишини англаб бориш ва фаолият жараёнларида ундан кенг фойдаланиш кераклиги борасида фикр юрита олиш.	Талабалар ўзларини эртанги кунда педагогик жараённинг энг фаол аъзоси бўлиши кераклигини англаб педагогик хурфикрлай бошлайди.
Фаолият	Педагогик хурфикрлилик таълим-тарбия натижалари эканлигини англайди.	Таълим-тарбия жараёни натижаларида педагогик хурфикрлиликнинг аҳамиятини билиб олади.	Педагогик хурфикрлаш орқали юксак маънавийтли кадриятга эришиш мумкинлигини англайди.	Педагогик хурфикрлаш орқали юксак маънавийтли педагог сифатида фаолият юритади.
Кадрият	«Мен ўзимда педагогик хурфикрлиликни шакллантира оламанми?», «Педагогик жиҳатдан хурфикрлиликка эришиш шартми?», «Педагогик хурфикрлилик-ка эришмасдан ишласа бўлмайдими?»	Педагогик хурфикрлилик-нинг мазмун моҳиятини билиб олди. Педагогик соҳада катта ютуқларга эришган инсонлар фаолиятини ўрганди	«Мен олий таълимда ўз зиммамга юклатилган бурчларни адо этаяпманми?», «Мен ҳам буюк педагоглар қатори жамиятга ўз ҳиссамни қўшишим керак!!!»	«Мен ёш авлодга таълим-тарбиянинг энг гўзал кирраларини сингдираман, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган бунёдкор ғояларга ўз ўқувчиларимни эргаштира оламан!!!», «Педагогикада соғлом муҳит ва соғлом рақобат тарафдориман!»

Технологиянинг билим компоненти (таркибий қисми) қуйидаги даражаларда намоён бўлади:

1) англашга доир: педагогик ҳурфикрлиликка доир билимларни ўзлаштиради;

2) тушунишга доир: педагогик ҳурфикрлиликнинг аҳамиятини аниқлайди, унга оид тушунчаларни таҳлил қилади;

3) фикрлашга доир: педагогик ҳурфикрлиликнинг моҳиятини англаб шу жараённинг иштирокчиси сифатида ўзини кўра олади;

4) амалда қўллашга доир: ўзини педагогик жараённинг фаол иштирокчиси сифатида кашф этади.

Технологиянинг фаолият компоненти (таркибий қисми) эса педагогик тафаккурни шакллантиришнинг (англаш, тушуниш, фикрлаш, амалда қўллаш) даражаси қуйидагича намоён бўлади:

1) англашга доир: педагогик ҳурфикрлилик педагогик жараён фаолияти натижалари эканлиги англайди;

2) тушунишга доир: педагогик тафаккур орқали узлуксиз таълим тизимининг ижтимоий аҳамиятини билиб олади;

3) фикрлашга доир: буюк педагоглар томонидан амалга оширилган ишлар бунёдкор ғояларга йўғрилганлигини билиб олади;

4) амалда қўллашга доир: ўзларини педагогик жараённинг муносиб вакили сифатида кўради ва ишларни амалга оширади.

Технологиянинг қадрият компоненти (таркибий қисми) қуйидаги ўзига хос мазмунга эга:

1) англаш жараёнида: «Мен ўзимда педагогик ҳурфикрлиликни шакллантира оламанми?», «Педагогик жиҳатдан ҳурфикрлиликка эришиш шартми?», «Педагогик ҳурфикрлиликка эришмасдан ишласа бўлмайдими?»;

2) тушуниш жараёнида: Педагогик ҳурфикрлиликнинг мазмун моҳиятини билиб олади. Педагогик соҳада катта ютуқларга эришган инсонлар фаолиятини ўрганди;

3) фикрлаш жарёнида: «Мен олий таълимда ўз зиммамга юклатилган бурчларни адо этаяпманми?», «Мен ҳам буюк педагоглар қатори жамиятга ўз ҳиссамни қўшишим керак»;

4) «Мен ёш авлодга таълим-тарбиянинг энг гўзал қирраларини сингдираман, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган бунёдкор гоёларга ўз ўқувчиларимни эргаштира оламан!!!», «Педагогикада соғлом муҳит ва соғлом рақобат тарафдориман»

Бўлажак ўқитувчиларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришга оид тушунчалар тизими шакллантирилиши ва такомиллаштирилиб борилиши таълим-тарбия жараёнининг самарали тус олишида тушунчалардан тўғри фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.



2.2.4-расм. Педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришга оид тушунчалар тизими

Моҳият ва ҳодиса фалсафий тушунчалар. Моҳият нарсаларнинг ички мазмуни бўлиб, уларнинг турли-туман хоссалари ва муносабатларини яхлит акс эттиради. Ҳодиса нарсанинг бирор тарзда зоҳир бўлиши, ташқи мавжудлик шаклидир. Инсоннинг билиши дастлаб ҳодисаларни билишдан бошланади, сўнг унинг моҳиятини тушуна бошлайди. Моҳият нарсаларни чуқур таҳлил қилиш натижасида, амалиёт жараёнида билиб борилади [123]. Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни шакллантиришда педагогик жараёнда учрайдиган ҳодисаларнинг оқибати моҳиятни англаиб, ҳурфикрлилик нақадар муҳимлигини кўрсатди.

Мазмун ва шакл фалсафий тушунчалар. Мазмун нарсаларни айнан шу нарса сифатида ифодаловчи муҳим элемент ва ўзгаришларнинг йиғиндисидир. Шакл мазмуннинг мавжудлик усулини, ички тузилишини ифодалайди [124]. Педагогик ҳурфикрлилик мазмунини ҳар хил шаклларда талабаларга сингдириш амалга оширилди.

Сабаб ва оқибат нарса ва ҳодисалар ўртасидаги умумий зарурий алоқани ифодаловчи тушунчалар. Ҳодисалар занжирида ўзидан бошқа яна бир ҳодисани келтириб чиқарадигани сабаб, пайдо бўлган ҳодиса эса оқибат дейилади. Сабаб ва оқибат ўртасидаги алоқадорлик сабабият саналади. Сабаб, биринчидан, вақт жиҳатдан оқибатдан олдин келади, иккинчидан, оқибатни туғдирувчи, яъни оқибатнинг вужудга келишида зарурий шарт бўлиб хизмат қилади. Масалан, фарзанднинг сабабчиси ота-она. Фарзанд ота-онадан илгари дунёга келиши мумкин эмас, яъни ота-она шу фарзанднинг вужудга келишидаги зарурий шарт ҳисобланади. Сабаблар турли кўриниш, шакл ва ҳолатларда намоён бўлиши мумкин [125]. Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни шакллантиришнинг сабаби шундан иборатки, улар эртанги кунда ўз фикрини эркин, илмий асосларга таянган ҳолда баён эта оладиган бўлиши назарда тутилди, оқибати эса ҳам ўзларини ҳамда келажакда ўқувчиларини инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ эта оладиган қилиб тарбиялашдан иборат.

Зарурият ва тасодиф борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ифодаловчи фалсафий тушунчалар. Зарурият – нарса ва ҳодисаларнинг табиатидан келиб чиқади, уларнинг ички қонуниятини ифода қилади. У муайян шароитда юз бериши муқаррар бўлган воқеа ёки ҳодисадир.

Тасодиф - нарса ва ҳодисаларнинг ички табиати билан боғлиқ бўлмаган, ташқи таъсир, юзаки ва иккинчи даражали, ўткинчи томонини ифода этади. У юз бериши ҳам, юз бермаслиги ҳам мумкин. Зарурият ва тасодиф борлиқдаги ўзаро боғлиқ бўлган, бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайдиган нарса ва ҳодисаларнинг ўзгариш ва ривожланишига оид алоқадорликнинг икки томонидир.

Фаннинг вазифаси нарса ва ҳодисалар тизимида яшириниб ётган, инсонга номаълум бўлган ички зарурий алоқадорликларни ва бу тизимдаги ташқи тасодифларни аниқлашдан иборат. Борлиқда қатъий зарурият доимо тасодифлар тизимида ҳукмронлик қилиб, тадқиқотчи ўз илмий фаолияти жараёнида тасодифий ҳодисалар тизимида мавжуд бўлган заруриятни кашф этишга интилади. Турли кўринишда мавжуд бўлган тасодифларни чуқур тадқиқ қилиш, уларнинг бир бирлари билан алоқадорликларини аниқлаш, улар тизимида мавжуд бўлган, лекин яшириниб ётган заруриятни очиш инсонларнинг ҳам назарий, ҳам амалий фаолияти учун катта аҳамиятга молик [121]. Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни шакллантиришнинг зарурияти талабалар фаолиятида учраб турадиган нопедагогик тасодифий ҳаракатлар сабаб бўлди.

Имконият ва воқелик - нарса ва ҳодисалар ривожининг асосий босқичларини ифодаловчи фалсафий тушунчалар. Воқелик ҳозир реал мавжуд бўлиб турган нарса, ҳодисалардир. Лекин бу нарса ва ҳодисалар ривожланиш жараёнида бирданига ҳозирги ҳолатида бўлмай, имконият тарзида пайдо бўлган, улар ўзининг муайян келиб чиқиш даврига, тарихига эга. Воқелик пайдо бўлишдан олдин имконият тарзида мавжуд бўлади.

Имконият воқеликнинг куртак ҳолидаги кўриниши, ҳали юзага чиқмаган воқеликдир. Имконият воқеликни келтириб чиқарувчи, ривожланишнинг объектив ва субъектив шарт - шароитларидан иборатдир. Имконият ҳали амалга ошмаган, лекин юзага чиқиши мумкин бўлган, воқеликка айлана оладиган ҳодисадир [136]. Бугунги кунда таълим тизимини жаҳон андозаларига мослаштириш, Ўзбекистон таълим тизимини ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш имконияти мавжуд. Бунинг учун барча шароитлар яратилган, шундан фойдаланган ҳолда талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантириш имконияти катта. Бу борада ривожлантириш, шакллантириш, таълим-тарбия, маълумот, сезги, идрок. Хотира, диққат, тафаккур, фаолият, хулқ, муомала, кайфият, ҳис - туйғу, муҳит, вазият каби тушунчалар таҳлил қилинди. Талабаларни педагогик хурфикрлиликка тайёрлашдаги имкониятлари белгилаб олинди.

Талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантириш орқали таълим-тарбия жараёнида самарадорликка эришиш мумкинлиги асослаб борилди. **Биринчидан**, талабалар ўзларининг келажагини тасаввур қилиш имкониятини ўзларига ўзлари яратди. **Иккинчидан**, инновацион ғояларни тақлиф қила олиш кўникма ва малакасига эга бўлди. **Учинчидан**, кўпчиликни қийнаб турган муаммоларни ўртага ташлай олиш имкониятини ўзларига яратди. **Тўртинчидан**, ижтимоий муаммолар ечими устида ишлай бошлашди. **Бешинчидан**, тенгқурларини ўзларининг ортидан эргаштириб, бунёдкор ғояларни ҳаётга татбиқ этди. Юқорида таъкидлаб ўтилган ишлар талабаларда педагогик хурфикрлиликни шакллантириб боришга ёрдам берди.

Педагогика соҳасида талабаларда педагогик хурфикрлиликни тарбиялаш муаммоси бўйича олиб борилган назарий ва амалий ишлар таҳлиллари шундан далолат бердики, талабаларда хурфикрлиликни тарбиялашнинг педагогик механизмлари, унинг таркибий компонентлари, манбалари, шарт-шароитлари, мазмуни ва самарали шакл ва методлари талаб даражасида тасниф этилмаган. Шунингдек, талабалар ўртасида хурфикрлиликнинг тарбияланганлик

даражаларини белгиловчи педагогик индикаторлари кўрсатиб ўтилмаган.

Хурфикрлилик тарбияси - шахснинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий юксалишида ҳамда унинг яратувчанлик, ижодкорлик, инсонпарварлик ғояларини ҳаётга татбиқ этишига тайёрлашнинг педагогик тизимидир.

Талабалар ўртасида педагогик хурфикрлиликни тарбиялашнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- талабаларда педагогик хурфикрлиликни шаклантириш ва ривожлантириш орқали таълим-тарбия жараёнининг энг фаол аъзосига айлантириш;

- талабаларда педагогик хурфикрлиликни шаклантириш ва ривожлантириш орқали умуминсоний ва миллий кадриятлардан самарали фойдалана олиш имкониятини яратиш;

- талабаларда педагогик хурфикрлиликни шаклантириш ва ривожлантириш замирида таълим-тарбиянинг қонуниятларини ҳаётга татбиқ қилишда ўзгача ёндашувни амалга оширишга эришиш;

- талабаларда педагогик хурфикрлиликни шаклантириш ва ривожлантириш орқали нафақат бўлажак ўқитувчиларни, балки тенгдошларини ҳам қотиб қолган қарашлардан илғор қарашларга ўргатишни шакллантириш;

- талабаларда педагогик хурфикрлиликни шаклантириш ва ривожлантириш орқали педагогик иммунитетни шакллантириш;

- талабаларда педагогик хурфикрлиликни шаклантириш ва ривожлантириш орқали ижодкорлик сифатларини тарбиялаш;

- талабаларда педагогик хурфикрлиликни шаклантириш ва ривожлантириш орқали ёшлар ўртасида ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш ишларини амалга ошириб бориш;

- талабаларда педагогик хурфикрлиликни шаклантириш ва ривожлантириш орқали таълим-тарбия сифатни юқори босқичларга олиб чиқиш.

Шу билан бир қаторда талабаларда хурфикрлиликнинг тарбияланганлик даражаларини белгилаб берадиган индикаторлари борасида ҳам баъзи бир фикрларни қайд этиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топилди:

- умуминсоний ва миллий кадриятларни англаш ва унга хурмат билан ёндашиш;
- ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш ва унинг талабларига амал қилиш;
- таълим-тарбия жараёнида фаол иштирок этиш;
- давлат сиёсатининг моҳиятини англаш;
- талабалар ўз ҳуқуқ ва бурчларига сўзсиз амал қилишлари;
- устозлар томонидан берилаётган билим ва тарбияга эътиқод қилиш;
- ижодкорлик сифатларини шакллантириб бориш;
- инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этиш;
- ижтимоий жараённинг фаол аъзосига эга бўлиш;
- атроф-муҳитда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга реал ёндашиш;
- инсонларга доимий равишда ёрдам қўлини чўзиш;
- ёт ғояларга нисбатан муросасизлик;
- бунёдкор ғояларни тарғиб қилиш;
- соғлом турмуш тарзига амал қилиш ва ибрат бўлиш;
- ўзга миллат вакилларининг кадриятларига хурмат билан ёндашиш муҳим роль ўйнади.

Талабалар ўртасида педагогик хурфикрлиликни шакллантириш, ривожлантириш ва уларнинг натижасини баҳолаш мураккаб педагогик жараён ҳисобланади. Ушбу жараённи самарали ташкил этиш учун нима қилиш керак деган саволга жавоб топиш шартлигини инобатга олиб, биз талабаларда хурфикрлилик қандай шакллантирилади ва унинг педагогик механизмлари нималарни ўз ичига қамраб олади? - деган савол қуйидагиларда ўз ечимини топди.

Биринчидан, талабаларда педагогик хурфикрлиликни шакллантириш ва ривожлантириш учун олий педагогик тизимда, педагогика ва психология туркумидаги фанларни чуқур ўргатиш учун ўқув юктамаларидаги соатлар миқдорини ошириш керак деган хулосага келинди. Иккинчидан, талабаларда педагогик хурфикрлиликни шакллантириш ва ривожлантириш таълим ва тарбиянинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди. Бунда ўқитувчилар

педагогик - психологик билим, кўникма ва малакага эга бўлиши, ижтимоий муносабатларни тўғри олиб бориши; ахборот ва телекоммуникацион воситалардан самарали фойдалана олишига эътибор қаратилди.

Учинчидан, талабаларда педагогик хурфикрлиликни шаклантириш ва ривожлантириш учун таълим-тарбиянинг анъанавий ҳамда инновацион шакл, метод ва воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Тўртинчидан, талабаларда педагогик хурфикрлиликни шаклантириш ва ривожлантириш учун илмий-назарий билимларнинг ҳаёт билан боғланиши, ижтимоий фактлар, маълумотлар, инновацион ғоялар устида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Бешинчидан, талабаларда педагогик хурфикрлиликни шаклантириш ва ривожлантириш учун педагогик жараён тамойилларига қай даражада амал қилинаётганлиги таҳлил қилинди.

Олтинчидан, талабаларда педагогик хурфикрлиликни шаклантириш ва ривожлантириш учун олиб борилаётган методларнинг самарадорлиги математик - статистик жиҳатдан таҳлил қилинди.

Демак, педагогик хурфикрлилик деганда таълим-тарбия жараёнида эркин фикрлайдиган, эскириб қотиб қолган қарашларга қарши чиқа оладиган, бирон-бир ғояни мутлоқлаштиришига қарши бўлган, маънавий комиллик сари интилишни ифода этувчи тушунча деган тўхтамга келинди.

2.3. Талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантириш модели

Талабаларни педагогик хурфикрлашга ўргатиш бугунги кун талабаларидан бири эканлигини инобатга олган ҳолда, таълим ва тарбия жараёнларининг қайси шаклларида амалга оширилиши кераклиги белгилаб олинди.

Юртимизда таълим олаётган ҳар бир бўлажак ўқитувчи шахсига ҳурмат билан қараган ҳолда уларга таълим-тарбия мазмунини замонавий педагогик технологиялар воситасида сингдириш жараёнида буюк

педагогларнинг ишларини давом эттирувчи ворислар эканлигини уларнинг калбига сингдириб борилди. Бу эса, ўз навбатида, бўлажак ўқитувчиларда устоз педагоглар сингари фаолият юритиш иштиёқини пайдо қилди. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик хурфикрлиликни шаклантириш ва ривожлантириш босқичма-босқич амалга оширилди. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик билимларни эгаллаб бориш уларда миллий ва умуминсоний кадриятларни таълим-тарбия жараёнида кенг тарғиб қилиш имконияти оширилди.

Шунинг учун педагогика ва психология туркумидаги фанларни ўтиш, дарс жараёнларида педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришда кундалик ҳаётда юзага келадиган муомала маданиятига эътибор қаратилди. Саволларга жавоб олишда қисқа, аниқ, маънавий педагогик нуқтаи назаридан бой, асосли омилларига эътибор қаратилди.

Бунда:

- 1) Сиз дарсга қандай тайёргарлик кўрасиз?
- 2) Дарс сиз учун муҳимми?
- 3) Сизни устозлар койиса нима қиласиз?
- 4) Устозлар ўғитини қандай қабул қиласиз?
- 5) Замонавий таълим жараёнига муносабатингиз?
- 6) Дарс қилишда курсдошларингизга ёрдам берасизми?
- 7) Устозларнинг илмий дунёқарашини қадрлайсизми?
- 8) Шукуроналик фазилатми?
- 9) Китоб ўқиб турасизми?

10) Ўз устингизда ишлайсизми? каби саволлар орқали талабаларнинг педагогик хурфикрлиликка оид дунёқарашини ва унинг шаклланганлик даражалари аниқланди.

Олиб борилган тадқиқот доирасида талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантириш технологиясининг босқичлари, мазмуни ва методлари такомиллаштирилди.

**Талабаларда педагогик хурфикрликни ривожлантириш
технологиясининг босқичлар, мазмуни ва методлари**

Босқичлари	Мазмуни	Қонуниятлар, метод, усуллар, тамойиллар
Қизиқиш ва эҳтиёжлар	Талабаларда педагогик хурфикрлашга қизиқиш ва эҳтиёжни ривожлантириш	Дебат, мунозара, “Бу мумкин эмас...” стратегияси, “Сиз нима дейсиз?”, “Педагоглар нима дейди?”
Ижодий ва ижобий муносабатлар	Талабаларда педагогик хурфикрлаш малакасини таркиб топтириш	“Ўқув амалиёти...”, “Педагогик амалиётга бир қадам”, “Дидактик тамойиллар”, “Тарбия қонуниятлари”, “Педагоглар давраси”, “Авлодлар учрашуви”, “Инсерт”, “Муқобил имкониятлар танлови”, “Музёра”, “Қарорлар шажараси”
Хурфикрликка оид билимлар tizimini лойиҳалаштириш	Талабаларда педагогик хурфикрлаш малакасининг шаклланишига оид билимлар тизimini лойиҳалаш	“Венн” диаграммаси, Қарама- қарши муносабат, ташвиқот гурухи

Талабаларда педагогик хурфикрлик маданиятини шакллантиришнинг қизиқиш ва эҳтиёжлар босқичидаги мақсад педагогик жараёнда кўзга ташланадиган воқеа ва ҳодисаларнинг сабабини англаб етишга бўлган мотивациясини кучайтиришдан иборатдир. Бунда қуйидаги вазифалар амалга оширилди: талабалар («таълим», «тарбия», «педагогика», «педагогик жараён», «ривожланиш», «ахборот алмашинуви» «педагогик маҳорат») каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини англашга эришди; талабаларда педагогик хурфикрликка оид маълумотларни тушунтириб

бера олиш имконияти оширилди; маълумотларни таҳлил этиш ва амалиётда қўллай олишга оид кўникма шакллантирилди.

Мазкур технологиянинг ижодий ва ижобий муносабатлар босқичида талабалар глобаллашув жараёнида замон талабларига мос равишда креатив фаолият юритишни тақозо этади. Бундай ёндашув педагогик жараёнда касбий компетентлик маданиятини янада сайқаллаштириш ва педагогик ҳурфикрлиликни шакллантириш жараёни амалга оширилди. Натижада талабаларда ижобий, ижодий, таҳлил, диагностик ҳамда прогностик, малакалар таркиб топтирилди.

Ҳурфикрлиликка оид билимлар тизимини лойиҳалаштириш босқичида талабаларда педагогик ҳурфикрлаш малакасининг шаклланишига оид билимлар тизими лойиҳалаштирилди.

Педагогик ҳурфикрлиликни талабаларнинг онги ва қалбига сингдиришда замонавий таълим воситаларининг имкониятларидан самарали фойдаланишда шу нарсага катта эътибор қаратиладигани, устозлар томонидан берилаётган маълумотларни ёшлар қай даражада тушуниб, унинг таълимий, тарбиявий томонларини қандай қилиб ва қай даражада ўзлаштириб олинаётганининг мониторинги олиб борилди. Шунинг учун таклиф қилинаётган технологиялар бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, юксак даражада маънавий камолга эришиб бораётган бўлажак ўқитувчиларни тарбиялаш имконияти яратилди. Бунда:

- педагогик ҳурфикрлилик миллий-маънавий қадрият сифатида талқин қилинди;

- педагогик ҳурфикрлилик ёшларда ижтимоий ҳаётга нисбатан онгли муносабатнинг шаклланишига шароит яратиб берди;

- педагогик ҳурфикрлилик талабаларни маънан юксалишга даъват этиб, инсоний фазилатларини бойитди;

- педагогик ҳурфикрлилик талабаларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувчан қилиб, мулоқотга кириша олиш малакасини оширди;

- педагогик ҳурфикрлилик талабаларда юксак маънавиятли инсон бўлиш иштиёқини юзага келтирди.

Ана шундай ишлар жараёнида педагоглар ҳар бир талаба шахсига жуда катта ҳурмат билан ёндашган ҳолда:

- талабаларни муҳим хулосалар чиқара оладиган, муҳим қарорларни мустақил қабул қила оладиган ижтимоий фаол шахс сифатида шакллантириб боради;

- талабаларни ибрат-намуна тизими орқали юксак маънавий қиёфадаги педагог сифатида камол топтириб боради.

Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларида тарбия методларининг ўрни беқиёсдир.

Тарбия методи-тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолият ва ўзаро таъсир кўрсатиш усуллари дир. Тарбия методлари – тарбия усуллари деб ҳам юритилади. «Метод» сўзи юнончадан олинган бўлиб, йўл, усул маъносини билдиради. Тарбия методи – тарбия жараёнида ўқитувчи яққа ўқувчи ёки синф жамоаси манфаати йўлида бирор-бир тарбиявий масалани ҳал қилиш учун ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини, тарбияланганлик даражаларини, педагогик вазият характерини ҳисобга олган ҳолда таъсир этиш шакллари мажмуасидир. Ахборотни узатиш ва қабул қилиш характерига қараб тарбия усуллари кўйидаги турларга бўлинади:

Ижтимоий онгни шакллантирувчи методларга ўқувчиларда илмий дунёқараш, эътиқодни, маънавий ва сиёсий ғояларни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйғулари ва иродасига таъсир кўрсатиш усуллари киради. Бу усуллар орқали жамият ёшлар олдида қандай талаблар кўяётгани етказилди. Талабаларда Ғофур Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикояси орқали эркин фикрлаш кўникмалари шакллантирилади.

Талабаларда ҳурфикрлиликни ривожлантиришда суҳбат ва ҳикоя методларидан кенг фойдаланилди. Бу жараёнда ҳам ахборот ва телекоммуникацион воситаларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш

орқали Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар” китобидан “Ҳаёт фалсафаси” деб номланган ҳикоя талабалар театр клубининг ёш актёрлари иштирокида сахналаштирилиб, унинг элетрон варианты (видеоси)дан фойдаланилди. Сахналаштирилган ҳикоя кўриб бўлингач, уни таҳлил қилиш орқали талабаларнинг фикрлаши, муносабати ўрганилди ва педагогик хурфикрлаш қобилияти ривожлантирилди.

Талабаларни театрга олиб бориш орқали маънавий тарбия такомиллаштирилди. Ҳаётий воқеалар акс этган асарларни томоша қилиш, муносабатлар тизимини таҳлил қилиш, туйғуларни бошқариш санъати айнан театрда намоён бўлди. Театр томошасидан кейин талабалар билан биргаликда асарнинг мазмун моҳиятини таҳлил қилиб, ижобий ва салбий образдаги қаҳрамонларнинг саъй-ҳаракатларига муносабат билдиришлари сўралди. Бундай тизим орқали талабаларнинг тарбияланганлик даражалари таҳлил қилиб борилди. Жумладан, Жиззах вилоят мусиқали драма театрида Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов асари асосида сахналаштирилган “Жаннатга йўл” спектаклини талабалар билан биргаликда томоша қилдик. Бу спектаклнинг электрон варианты бориб кўришга улгурмаган талабаларга кўрсатилгандан кейин талабалар билан ижодий давра суҳбати ташкиллаштирилди.

Маълумки, педагогика тарихида таълимни ташкил этишда турли шакллардан фойдаланилган. Масалан, Марказий Осиё худудида қадимдан шаклланган мачитлар ҳузуридаги мактабларда ўқув машғулоти, асосан, руҳонийлар томонидан ташкил этилиб, таълим гуруҳли ёки якка тартибда амалга оширилган. Таълимни ташкил этиш масаласида XIV аср охири ва XV асрнинг бошларида буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) томонидан таълим тарихида биринчи бўлиб синф-дарс тизими ишлаб чиқилди. Я.А.Коменский ўзининг “Буюк дидактика” асарини “Ҳаммага ҳамма нарсани ўргатишнинг универсал назарияси” деб изоҳлаб, биз ваъда бердик: албатта, самарали ўқитишни, тез ўқитишни, осон ўқитишни,—дейди. Ўша даврдаги берилган ваъдага бугунги кунда замонавий педагоглар

креатив ёндашув асосида амал қилиши кераклиги бўлажак ўқитувчиларга ўқитирилиб борилди. Тадқиқот жараёнида бўлажак ўқитувчиларга самарали таълим-тарбия бериш, билимларни тез ва осон ўзлаштириш имкониятини яратиш устида иш олиб борилди.

Педагогларга маълумки, дарс:

- ўзининг ички (дарснинг мақсади, таълим мазмуни, қизиқиш, англаш, тушуниш кабилар).

- ташқи хусусиятлари билан таълимнинг бошқа шаклларида фарқ қилади. (Муайян ёшдаги ва маълум тайёргарликка эга бўлган ўқувчилар гуруҳи, режим, дарс тартиби, машғулотларни маълум хонада ўтказиш кабилар)


Бугунги кунга келиб дарснинг қуйидаги шаклларида ҳам педагогик ҳурфикрлиликни амалга ошириш мумкин, деган хулосага келинди. Семинар – дарсларда, конференцияларда, сайёҳатларда, амалий дарсларда, устахоналарда, тарбиявий тадбирларда амалга ошириш самарали, деб эътироф этилди. Шу мақсадда бўлажак ўқитувчиларда педагогик ҳурфикрлиликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг дидактик таъминоти ишлаб чиқилди (2.3-расм).

Таълим жараёнини дидактик таъминоти – бу субъект томонидан муайян мезонлар бўйича дидактик жараённинг тартиби, унга қўйилган мақсадни самарали амалга ошириш учун зарур шаклни бериш.

Рақамли таълим – ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг мақсаддан натижа томон рақамли таълим муҳитида ўтишга ўзаро таъсирини ташкил этиш жараёни. Ундаги асосий воситалар рақамли технологиялар, рақамли инструментлар, таълим натижаси сифатида қайд этиладиган рақамлар.

Инновацион ўқитиш тизими – шахсий ёндашувни, фундаментал таълимни, ижодкорликни, акмеологик ёндашувни, профессионалликни, гуманитар ва техник маданият уйғунлигини ва энг янги технологиялардан фойдаланишни ўз ичига олган янги таълим усули. Бу усул профессионал тарзда ишлаш орқали кўпол хатога йўл қўймасликни тақозо этади[151].

АКТ тизими – бу таълим-тарбия жараёнида самарадорликка эришиш мақсадида рақамли технологиялардан фойдаланиш учун маълум бир дастур асосида фаолият олиб бориш.



2.3.2-расм. Талабаларда педагогик хурфикрлиликни шакллантиришнинг дидактик таъминоти

Ўқув-услубий мажмуа давлат таълим стандартлари ва фан дастурларида белгиланган талабларга мувофиқ эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш, жаҳондаги илм-фан, техника, технологияларнинг сўнги ютуқларини, илғор хорижий тажрибаларни кенг ёритиш ва уларни ҳисобга олган ҳолда фан мавзуларини шакллантириш, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида кафолатланган натижага эришиш, мустақил билим олиш ва ўрганиш ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган ўқув-услубий воситадир.

Турли назорат ишлари – таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг саводхонлиги ва ҳар томонлама шаклланганлигини назорат қилишга йўналтирилган савол-жавоблар, тестлар, тренинглари, ижодий ишлар, мустақил таълим кабилар.

Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликнинг ривожланганлиги – таълим– тарбия жараёнларида анъанавий билим олиш тизими ва анъанавий фикрлаш доирасидан, ноанъанавий билим олишга иштиёқ ва ноанъанавий илғор фикрлаш иштиёқининг амалда самарали қўлланилиши натижасидаги ривожланиш.

Хулоса таълим-тарбия жараёнларида олиб борилган ишлар натижасида бўлажак ўқитувчиларда педагогик ҳурфикрлаш ривожланди.

Тавсиялар талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш самарали бўлади, деган хулосага келинди. Булар:

- умуминсоний ва миллий қадриятларнинг тарбиявий аҳамиятини тушунтириб бориш;
 - фольклорнинг барча жанрларини ўрганиш ва улардаги илғор ғояларни эътироф этиб боришга одатлантириш;
 - таълим ва тарбиянинг методларини, тамойилларини, воситаларини ва шаклларини ўрганиш ва улардан инновацион тарзда фойдаланишга одатлантириш;
 - таълим ва тарбия жараёнидаги салбий ҳолатларга муносабат билдиришга йўналтириш;
 - истиқболли режаларни туздириш;
 - ўз фикрига эгалик қилишга ўргатиш;
 - воқеа ва ҳодисалардан тўғри хулоса чиқаришга ўргатиш
- кабилар.

Бўлажак ўқитувчиларга таълим-тарбия жараёнларида педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш учун қилинадиган саъй ҳаракатларнинг

“йўл харитаси” ва уни амалга ошириш бўйича модель ишлаб чиқилди.
(2.3.3-расмда ўз аксини топган).

Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланилди.

1. Талабалар онгига таълим-тарбиянинг мазмунини сингдиришда:

- Педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришга хизмат қиладиган методлар ва воситалар танлаб олинди. Бунда таълим ва тарбиянинг анъанавий ва ноанъанавий методларидан фойдаланилди.

- Педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантирувчи таълимий-тарбиявий вазибаларни амалга оширишда инновацион ёндашув асосида талабаларда эркин, мустақил фикрлар ва ташаббускорликлар шакллантирилди;

- АКТ воситалари асосида педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш малакасини шакллантириш йўллари ўрганилди.

2. Педагогик ҳурфикрлилик мотивацияси


Талабаларнинг соғлом педагогик муҳитга мослашувчанлик хусусиятларини ҳисобга олишда:

А) таълим-тарбия жараёнида ахборот ва телекоммуникацион воситалар асосида талабаларни педагогик жараёнга тўлиқ мослаштириш (*Талабаларни педагогик ҳурфикрлаш жараёнига тайёрлаш ва тўлиқ мослаштириш*);

Б) талабаларни педагогик фаолиятга замон талабларига мос тарзда йўналтириш (*Талабаларда педагогик ҳурфикрлилик кўникмаси ва малакаларини таркиб топтириш*);

В) таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш (*Педагогик жараёнда китоблар устида ишлаш таҳлил қилиш малакасини шакллантириш, таълим-тарбияга, ўқитувчилар фаолиятига оид бадиий фильмлар, спетакллар, клиплар таҳлили*).

Г). педагогик ҳурфикрлиликнинг шаклланганлигини баҳолаш мезонлари (*Юқори, ўрта, паст*).



2.3.3-расм. Талабаларда педагогик ҳурфикрликни ривожлантириш модели

3. Педагогик хурфикрлиликни шакллантириш сифатини таъминлаш:

А) таълим тизими интеграцияси;

Б) ахборот ва телекоммуникацион воситалар ҳамда таълимга интегратив ёндашув;

В) талабаларга ижодкор ўқитувчиларнинг мастер класс дарсларини ўтказиш;

Г) педагогика ва психология туркумидаги фанларда талабаларнинг педагогик хурфикрлиликка оид фаолиятини баҳолаш.

Талабаларни эркин педагогик хурфикрлашга ўргатишда, тарбиянинг барча турларидан кенг фойдаланиш мумкин. Мисол учун, эстетик тарбияни шакллантириш жараёнларида талабаларни концертларга олиб бориш ва таассуротлар билан ўртоқлашиш яхши самара бериши аниқланди.

Талабаларда педагогик хурфикрлиликни тарбиялашда қуйидаги омилларга эътибор бериш керак, деган хулосага келинди.

Таълим жараёнларида:

- дарсга мустақил тайёргарлик кўриш фикрини уйғотиш;
- ҳар бир мавзуга мос манбалар устида мустақил ишлаш;
- ҳар бир дарсда фикрлар билдириш;
- танқидий фикрлаш малакасини шакллантириш;
- топшириқларни ўз вақтида бажариб бориш;
- илғор новатор ўқитувчиларнинг тажрибаларини ўқув ва педагогик амалиёт жараёнларида кузатиш орқали.

Тарбиявий тадбирлар жараёнида:

- ижодкорлик қобилиятларини ўстириш;
- тарбиявий тадбирларда фаол қатнашиш;
- тадбирларга креатив ёндашув;
- устоз шогирд тизимида амал қилиш;
- миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан ёндашиш;
- ижтимоий фойдали меҳнат кўникмаларини шакллантириш;

- ёрдамга мухтож инсонларга чин дилдан ёрдам бериш иштиёқини уйғотиш кабилар.

Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни шаклантириш ва ривожлантириш жараёнларида китобхонлик кечаларининг ўрнини алоҳида таъкидлаш керак.

Мисол учун, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг барча вилоят кенгашлари ташаббуслари билан “Ёш китобхон” кўрик-танловининг вилоят босқичлари ҳар бир вилоятда бўлиб ўтди. Ҳар бир вилоятда минглаб китобхонлар иштирок этгани жуда қувонарли ҳолдир. Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларда китобхонлик ва мутолаа маданиятини юксалтириш борасида тизимли ишларни амалга оширишга жалб қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4789 “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши айтилган муҳим дастурул амал бўлиб режалаштирилган ишга асос бўлди.

Китобхонлик кечаларини ўтказишда, талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни қандай шаклантириш керак деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилинди. Бунда ўқилган ҳар бир бадиий асар, ёки дарслик, услубий кўлланма, ўқув кўлланма, монография ва ҳоказолар устида иш олиб борилганда, талаба унинг туб моҳиятини англаши талаб қилинади. Мисол учун, Шукур Холмирзанинг “Қулоқ чўзма” ҳикоясида миллий кадриятлар шу даражада талқин қилинганки, уни ўқиган ҳар бир талаба беихтиёр болаликка қайтади. Талабалар асарнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда бу халқ ўйининг тарбиявий аҳамиятини ёритиб беришлари назарда тутилди. Бу халқ ўйининг тарбиявий аҳамияти нималарда ўз аксини топганлигини талабалар ёритиб берди.

Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни тарбиялашда саёҳатнинг ўрнини бирон бир нарса билан алмаштириб бўлмайди. Мисол учун,

Бухорога саёҳат ахборот технологиялари воситасида амалга оширилди. Катта экранга олиб чиқилган тасвирларни талабаларга кўрсатиб, ҳар иккала расм ва лавҳалар устида фикр билдиришга йўналтирилди. Талабалар расмни ва лавҳаларни кўриб бўлгач, “тарих ва бугун” мавзусини ёритиб беришлари режалаштирилди. Тарихни яхши билган талабалар кўрсатилган биринчи расм ва лавҳалар устида ўзларининг фикрларини навбат билан билдириб ўтишди. Фикрлар алмашуви жараёни баҳс-мунозара кўринишидаги инновацион технологиялар билан такомиллаштирилди. Иккинчи расм ва лавҳалар эса биринчисига қараганда анча кайфиятни кўтарди. Нима учун? Бунинг сабабини кўрсатиб бериш орқали талабаларнинг педагогик хурфикрлаши назорат қилиниб борилди.



Мактабгача таълим йўналиши талабаларига Тасвирий фаолиятга ўргатиш назарияси ва технологияси фанидан олиб бориладиган дарсларда ўзларининг креатив ёндашуви асносида педагогик хурфикрлашни намоён қилиши кузатиб борилди.



Тасвирий фаолиятга ўргатиш назарияси ва технологияси фани дарс мазмунини талабаларга тушунтиришда бўлажак ўқитувчиларнинг дарсга муносабати педагогик хурфикрлаш жараёнларида амалга оширилди.

Музейларда, масалан, Ўзбекистон тарихи музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов музейи, Шароф Рашидов музейи, Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним музейларига ўзлари боришлари ёки телеканалларда берилаётган манбалар орқали ёки бўлмаса, махсус ишланган видео ёзувларни аудиторияда намойиш қилиш орқали талабаларда педагогик хурфикрлиликни шакллантириш йўлга қўйилди.

Жойлардаги музейларга ташриф талабаларда музейларга нисбатан янгича қарашни шакллантирди. Масалан:

Шу пайтгача бирон-бир марта музейга ташриф буюрмаган талабалар у ердаги муҳит, унинг инсонга таъсири борасида завқ билан гапириб беришди.

Театрларга ташриф талабаларда қўйилган асар устида ишлаш маданиятини шакллантириш билан бир қаторда уларда:

- маънавият тушунчаларини;
- маданият борасидаги ишларни;
- театрда ўтириш маданиятини;
- актёрларга муносабат билдиришни ;
- асарда кўтарилган масалаларнинг туб моҳиятини англаб олишларига ёрдам беради.

Киноларда, масалан, “Боғбон”, “Лафз”, “Шум бола”, “Ўтган кунлар”, “Навоий” фильмларида кўтарилган муаммолар устида ишлаш орқали талабаларда таълим-тарбияга ёндашишда нималарга эътибор қаратиши кераклиги аниқлаштириб борилди. Шу билан бир қаторда хурфикрлиликни тарбиялашда бир қатор воситалар сингари ахборот ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш муҳим деб эътироф этилди. Унинг бугунги кундаги аҳамияти таълим-тарбия жараёнини жаҳон андозаларига тенглаштиришда замонавий восита сифатида қаралди.

Шу билан бир қаторда бўлажак ўқитувчиларда педагогик хурфикрлилик кўникмаларини шакллантиришда тарбия технологияларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Мисол учун, «Саҳна» тренинги бу тренинг орқали бўлажак ўқитувчиларда ижодий, ижобий фикрлашни ривожлантириш жараёнларида кўзда тутилган, режалаштирилган тадбирнинг режа-сценарийсини тузиш кўникмасини таркиб топтириш жараёнларида талабаларда, саҳнада ёш актёрлар (таълим олувчилар) ўзларини қандай тутиш кераклигини, саҳна ва актёрлик маданияти қандай бўлиши кераклигини билишига оид нотиклик

маҳоратини ривожлантиришга йўналтирилган технология ҳисобланади. Бу технология ёрдамида бўлажак ўқитувчиларнинг фикрлаш қобилияти янада ривожлантирилди. Энг асосийси талабалар бу технологиянинг тарбиявий аҳамиятини англаб олишга эришди. Масалан, Жиззах давлат педагогика институтининг Маданият саройида факультетларда ташкил этилган талаба - театр жамоалари томонидан ҳар ҳафта ахборот ва мураббийлик соатларида саҳналаштирилаётган спектакллари, жумладан, “Давлат болалари” спектакли ана шундай қобилиятларни ривожлантиришга хизмат қилди.

Бўлажак ўқитувчиларда педагогик ҳурфикрлик кўникмаларини шакллантиришда «Баҳслашув клуби» тренингдан ҳам самарали фойдаланилди. Бунда бўлажак ўқитувчилар бир мавзу юзасидан баҳс-мунозаралар ўтказиш учун баҳслашув клубларини ташкил этди. Бунда бўлажак ўқитувчилар таълим-тарбия жараёнларида кўзга ташланадиган муаммолар устида ишлашди. Бу жараён ижтимоий ҳаётда учрайдиган баъзи янглиш фикрлар, жамиятда содир бўлаётган салбий ва ижобий воқеа ҳамда ходисалар борасида ўз муносабатларини билдириб боришди. Натижада бўлажак ўқитувчиларда ноўрин фикрларга ўз вақтида қаршилик кўрсатиш ёки билдирилган фикрни тўғри, нотўғри эканлигини аниқлаб олиш, ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш, таъсир эта олиш каби кўникмалари шаклланди.

«Танқид қилишни ўрганинг» – бу технологиянинг мазмун моҳияти шундан иборатки, танқид қилишнинг мазмун-моҳияти, танқид қилишнинг ўзига хос йўллари ва улар билан бўлажак ўқитувчиларни яқиндан таништириш, танқидни тўғри қабул қилиш кўникмасини ва танқид маданиятини шакллантириш назарда тутилади.

«Келишув ва зиддият» тренинги – мантиқий ва танқидий фикрлаш, муросага келиш маҳоратини шакллантириш ҳамда асосли баҳслашиш қоидалари билан таништириш зиддиятларни ечишда ҳар ким ўз услубларини топа олишга кўмаклашишга йўналтиришдир. Шунини инобатга

олган ҳолда бўлажак ўқитувчиларда педагогик ҳурфикрлиликни шакллантириш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Аудиторияда муаммоли вазият яратилди. Ўз ўқитувчисига ўқувчилар қуйидагича мурожаат қила бошлади:

- Сиз йиғилишни нотўғри олиб бораяпсиз!
- Менга ҳеч имкон бермаяпсиз!
- Сизга умуман ишонмайман!
- Мен сизни яхши биламан, сиз мени ёқтирмайсиз!
- Бу ерда ғийбатчилар кўп, мен кетдим!

Ўқитувчи бу вазиятда нима қилиш кераклиги борасида талабаларнинг фикрлари тингланди. Уларнинг саъй ҳаракатларини ўринли ёки ўринсиз деб топишда қуйидаги мезонларга асосланса, мақсадга мувофиқ бўлиши уқтирилди.

Таҳлил қилиш мезонлари:

- тадбир режасининг тўғри тузилганлиги;
- тадбирнинг тарбиявий аҳамияти;
- тадбир мавзусининг долзарблиги;
- тадбирнинг ғоявий савиясининг юқорилиги;
- тадбирнинг педагогик фаолиятга мослиги;
- тадбир ташкилотчисининг маҳорати;
- тадбир иштирокчиларининг дунёқараши кенглиги;
- баҳс жараёнидаги воситаларнинг аҳамиятлилиги;
- ўқитувчининг педагогик маҳорати;
- бошловчининг мимик ва пантомимик ҳаракатининг таъсир кучи;
- бошловчининг ва талабаларнинг нотиклик маҳорати кабиларга

эътибор қаратилиши инобатга олинди.

Юқорида баён этилган метод, усул ва технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишнинг натижаларидан кўриниб турибдики, бўлажак ўқитувчиларда педагогик ҳурфикрлиликни шакллантириш модели ўзининг самарали истиқболли томонларини намоён қилди.

Иккинчи боб бўйича хулоса.

«Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш технологиялари» деб номланган иккинчи бобда талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришнинг инновацион модели, талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришга замонавий ёндашув ва талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришнинг инновацион хусусиятлари ёритилди.

Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни янада ривожлантириш учун уларнинг онги ва қалбига қадимдан ота-боболаримиз томонидан шакллантирилган, амалга оширилган ҳурфикрлилик борасидаги маълумотлар ўз аксини топди. Шу билан бир қаторда бўлажак ўқитувчилар доимий равишда педагогик ҳурфикрлиликка оид маълумотлар билан шакллантириб борилишига оид технологияларнинг мазмуни ўз аксини топди.

Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш масаласида танлаб олинган технологиядан фойдаланишнинг босқичлари, мазмуни ва методлари босқичма – босқич ёритилди.

Талабаларни педагогик ҳурфикрлиликка тайёрлаш манбаларида *Ното Sapiens* маънавиятини кашф этилиши инсоният тарихида илк ҳурфикрлилик ижобий натижалар берганлиги ва афсоналар орқали кўтарилган фикрлар педагогик ҳурфикрлиликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг дидактик таъминоти эканлиги асосланган ва шу асосда ёритилди.

Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликнинг ривожланганлиги таълим-тарбия жараёнларида анъанавий билим олиш тизими ва анъанавий фикрлаш доирасидан ноанъанавий билим олишга иштиёқ ва ноанъанавий илғор фикрлаш иштиёқининг амалда самарали қўлланилиши натижасидаги ривожланиши кўрсатиб ўтилди.

III БОБ. ТАЛАБАЛАРДА ПЕДАГОГИК ХУРФИКРЛИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

3.1. Талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришдаги тажриба-синов ишлари мазмуни

Талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришга қаратилган тизимли ишларни амалга оширишда унга оид билим, кўникма ва малакаларни ошириш бўйича замонавий педагогик технологиялар, инновацион ғояларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган мезонларга амал қилдик. Мазкур диссертация ишини бажаришда таълим-тарбия жараёнида педагогик хурфикрлиликни талабаларнинг онгига сингдиришда энг оптимал вариантлардан бири замонавий педагогик технологиялар ва телекоммуникацион воситалардан фойдаланиш ўзига хос самарага эришиш мумкинлиги илмий-услубий жиҳатдан асосланди.

Ушбу асослардан келиб чиққан ҳолда тажриба-синов ишларининг мақсади талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик технологиясини таълим жараёни амалиётига жорий этиш йўли билан ўрганиб, баҳолаш деб белгиланди.

Тажриба-синов ишининг предмети қилиб қуйидагилар олинди:

- профессор-ўқитувчиларнинг педагогик хурфикрлилик ва таълим-тарбия анъаналари ҳақидаги билим ва тасаввурлари;
- талабаларнинг педагогик хурфикрлилик ва таълим-тарбия анъаналари билан танишлиги;
- буюк сиймоларнинг фалсафий-педагогик мероси ва улардаги педагогик хурфикрлилик бўйича таълимотнинг мақсад ва вазифалари ҳақидаги билим, кўникма ва малакалар;
- талабаларни таълим-тарбия жараёнига тайёрлашда педагогик хурфикрлиликнинг роли ва ўрни.

Тажриба-синов иши уч босқичда амалга оширилди:

Шаклланувчи тажриба-синов босқичида педагогик
хурфикрлиликни шакллантиришни таълим-тарбия жараёнида
фойдаланишнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ишлар
амалга оширилди:

- тадқиқот ишларини олиб боришнинг асосий йўналиши аниқлаб
олинди;

- муаммонинг назария ва амалиётдаги ҳолати ўрганилиб, таҳлил
қилинди;

- педагогика олий таълим муассасаларида «Умумий педагогика»
фанининг таълим-тарбия жараёнида педагогик хурфикрлиликдан
фойдаланиш ҳолати ўрганилиб чиқилди ва таҳлил этилди;

- режалаштирилган педагогика олий таълим муассасаларида тажриба-
синов ишларини ўтказиш учун моддий-техник, илмий-услубий асос ва
педагогик шарт-шароитларнинг борлиги, яратилганлиги ўрганилди;

- олий таълим муассасаларида тажриба-синов ишларини ўтказиш
учун зарур бўлган маълумот ва ахборотлар тайёрланди;

- режалаштирилган педагогика олий таълим муассасаларида тажриба-
синов ишларини ўтказишга тайёрланди.

Биринчи – шаклланувчи босқичда олий таълим муассасаларида
тажриба-синов ишларининг предмети билан боғлиқ бўлган ҳолатлар
ўрганилиб, таҳлил қилиб чиқилди. Бу жараённи ифодаловчи саволлар,
тестлар тузилиб ва улар билан педагогика олий таълим муассасаларига
кирувчи абитуриентлар ҳамда талабалар билан суҳбат ўтказилди,
шунингдек, сўровномалар ўтказилиб, натижалари таҳлил қилинди.

Ўтказилган сўровномалар ва суҳбатлар натижасида қуйидагилар
аниқланди:

- педагогика олий таълим муассасаларига кирувчи абитуриентларнинг
кўпчилиги педагогик хурфикрлиликка оид маълумотга эга эмас;

- педагогика олий таълим муассасаларига кирувчиларнинг 71 фоиздан ортиғи ўрта аср Шарқ мутаффакир-олимларнинг фалсафий-педагогик ҳамда педагогик ҳурфикрлиликка оид тасаввурларга эга эмас;

- талабаларнинг педагогик ҳурфикрлиликнинг жамият тараққиётидаги роли ва ўрни ҳақидаги тушунчалари 5 фоизни ташкил этди;

- «Педагогика ва психология» йўналиши бўйича ўқишга кирмоқчи бўлган абитуриентларнинг педагогик ҳурфикрлиликка оид билими 5 фоизни, Педагогика ва психология факультети Педагогика ва психология йўналиши 2 - курс талабалари билими 50 фоизни, битирувчи курс талабалари билими эса 80 фоизни ташкил этди.

- ўқитувчилик касбини эгаллашда буюк сиймоларнинг таълим-тарбияга оид фикрларининг таъсири борасида I-IV курс талабаларидан анкета ўрта ҳисобда 68 фоизи қониқарли жавоб беришди.

Шундан кўриниб турибдики, педагогика олий таълим муассасаларига кирувчиларнинг педагогик ҳурфикрлиликка оид билимлари жуда паст. Бундай билим билан замон талабларига жавоб берувчи рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш имконини бермайди.

Таъкидловчи тажриба-синов босқичида ишлаб чиқилган таълим мазмуни ва услублари бевосита талабаларнинг педагогик амалиёти жараёнида синаб кўрилди, яъни қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- тузилган режа асосида тажриба-синов ишлари давом этди;

- тажриба-синов ишлари давомида баъзи бир тузатишлар киритилди;

- тажриба-синов ишларидан олинаётган жорий ва оралиқ натижалар мунтазам равишда миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилиб борилди ва заруратга қараб, айрим ўзгартиришлар киритилди.

- тажриба-синов ишлари бўйича натижалар илмий, методик жиҳатдан таҳлил қилиб, диссертация тайёрлаш мақсадида расмийлаштирилди.

Тажриба-синов ишларининг иккинчи - таъкидловчи босқичида, бўлажак ўқитувчиларни таълим-тарбия жараёнига тайёрлашда ижтимоий-гуманитар фанларни, аниқ фанларни ўқитиш жараёнида олинган

сўровномалар, анкеталар, ахборот ва телекоммуникацион воситаларни қўллашда шундай хулосага келиндики, педагогик хурфикрлиликни талабалар онги ва қалбига сингдиришда биз томондан таклиф қилинаётган методдан барча фанларда фойдаланса бўлади.

Биз томондан олға сурилган замонавий ва инновацион педагогик усуллар қуйидагиларни амалга оширишга шарт-шароит яратди:

- бўлажак ўқитувчиларнинг замон талабларига мос билимга эга бўлиш имконининг яратилганлиги;

- бўлажак ўқитувчиларга маънан юксак, илмий дунёқараши шаклланган ва инновацион ғоялар билан суғорилган фикри кенг бўлиб шаклланиш имконияти борлиги билан таништириб чиқиш;

- таълим-тарбия жараёнида таълим-тарбия технологияларига оид маълумотларни эгаллаш ва замон талабларига мос келадиган инновацион педагогик технологиялар билан қуроллантириш;

- таклиф қилинган педагогик технология асосида ўтилган мавзулар ва маънавий ишларнинг самарадорлиги аниқланди ва амалиётга жорий этишга услубий тавсиялар тайёрланди;

- барча фанларни ўқитишда ахборот ва телекоммуникацион воситаларнинг имкониятидан кенг фойдаланиш ва шунга мос педагогик дастурий воситалар ишлаб чиқиш орқали вақтни тежаш ҳақидаги ишонарли маълумотлар берилди;

- таълим-тарбия жараёнида қўлланишга йўналтирилган мазкур технология инновацион услуб бўлиб, юқори самарадорликка эришиш мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар шакллантирилди.

Шакллантирувчи тажриба-синов босқичида талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришга оид билим, кўникма ва малакаларнинг натижалари аниқланди. Булар:

- тажриба-синов ишлари тузатишлардан кейин яна давом эттирилди;
- таълим-тарбия жараёнининг уйғунлиги ва самарадорлик суръати аниқланди;

- ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларига асосланган ҳолда илмий-услубий хулосалар чиқарилди ва расмийлаштирилди. Тадқиқот натижалари ишнинг илмий фарази ва мақсад-вазифалари билан муштараклигига эътибор берилди;

- тажриба-синов ишларининг самарадорлигини аниқлаш учун жараёнда қатнашган профессор-ўқитувчиларнинг фикрлари инобатга олинди;

- тадқиқот жараёни математик статистик таҳлил қилинди, унинг ишончли эканлиги исботлаб чиқилди ва услубий тавсиялар тизими ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишлари Х.Ибрагимов, О.Мусурмонова, Р.Сафарова, Ш.Қурбонов, М.Қуронов, Ш.Шарипов, Ш.Мардонов, Б.Ходжаев ва бошқа педагог олимларнинг ишларида келтирилган умумий тавсиялардан келиб чиқиб, ДТС ҳамда Ўзбекистон Республикаси миллий мафкура концепцияси, Олий таълимни ривожлантириш концепцияси асосида амалга оширилди.

Тажриба-синов ишларини амалга ошириш учун 2018-2020 йиллар мобайнида Жиззах давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти ҳамда Қўқон давлат педагогика институти талабалари орасида анкета ва тест сўровлари ўтказиб борилди. Ўтказилган тажриба-синов ишларининг якунига кўра талабаларнинг ёши, кириш тест натижалари, педагогик хурфикрлиликка оид кўникма ва малакалари мавжудлиги ҳамда ўқув материални ўзлаштириш тезлиги, маънавий камолот босқичларидаги ютуқлар каби кўрсаткичларга асосланиб саралаб олинди. Бунда қайд этилган учта олий таълим муассасасидан тажриба гуруҳларида 161 нафар талаба ҳамда 18 нафар профессор-ўқитувчилар, назорат гуруҳида 161 нафар талабалар тажриба синов ишларига жалб қилинди.

Тажриба-синов ишлари жараёнида тавсия этилаётган инновацион технология бўйича диссертант ва олий таълим муассасаларининг тегишли кафедралари профессор-ўқитувчилари иш олиб боришди.

Тадқиқотимиз хусусиятидан келиб чиқиб, амалга оширилган тажриба-синов жараёнида педагогик хурфикрлиликни талабаларга сингдиришнинг инновацион педагогик технологиясининг самарадорлик даражасини ўргандик.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси, жумладан, таълимга оид ислохотлар ёшларнинг камол топиши учун барча имкониятлардан фойдаланишни назарда тутган. Ўзбекистон ўз иқтисодий-маънавий салоҳиятини ва юксалишини ривожлантириб, дунё эътироф этган буюк давлатлар қаторидан ўрин олишга астойдил бел боғлаган. Бунинг барчасининг замирида ўқитувчи фаолияти, меҳнати ётишини яхши англаган доно раҳбаримиз жамиятда ўқитувчи мавқеини юқори даражага олиб чиқишга қаратилган бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Шунинг учун ҳам талабаларнинг онгига педагогик хурфикрлиликни сингдириш билан ўқитувчининг жамиятдаги обрўсини тиклаш ва мавқеини ошириб боришга эришишни аудиторияларда кенг тарғиб қилиш орқали олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Талабаларда педагогик хурфикрлиликни шакллантириш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан бири. Педагогика олий таълим муассасаларида таълим олаётган ҳар бир талаба онгида педагог шахсига хос фикрлаш кўникма ва малакалари ўз аксини топмас экан, у ҳеч қачон ёшларга таълим-тарбия бера олмайди. Шунинг учун ҳам биз томондан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишининг асл мазмуни бўлажак ўқитувчилар онгида педагогик хурфикрлаш малакасини таркиб топтириш билан белгиланади.

Педагогика олий таълим муассасаларида педагогик хурфикрлиликни шакллантиришга оид тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва унга қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик хурфикрлиликка оид билим даражасини аниқлаш вазифаси қўйилган эди. Тажриба-синов ишларининг мақсади талабаларнинг онгига педагогик хурфикрлиликни сингдиришга қаратилган таълим-тарбия

жараёнини амалиётга жорий этиш йўли билан ўрганиб, баҳолаш деб белгиланди.

Шу билан бир қаторда, тажриба-синов ишларининг шаклланувчи (изланувчи) ва таъкидловчи жараёнлари талабаларнинг педагогик ҳурфикрлилик оид билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга қаратилди.

Тажриба ва назорат гуруҳларида таълим-тарбия жараёнининг фарқи шундан иборат бўлдики, назорат гуруҳида талабалар билан олиб борилган машғулотлар анъанавий методлар ёрдамида амалга оширилган бўлса, тажриба-гуруҳида эса диссертант томонидан таклиф қилинган замонавий фаоллаштирувчи мулоқотли дастурлар воситасида амалга оширилди. Замонавий фаоллаштирувчи мулоқотли дастурнинг мазмуни шундан иборатки, педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришга қаратилган жараён замонавий педагогик технология асосида ишлаб чиқилган ахборот ва телекоммуникация воситасида шакллантирилди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик ҳурфикрлаши замонавий фаоллаштирувчи мулоқотли таълим технологиясини қўллаш билан чуқурлаштириб борилди. Тажриба-синов ишларни асосан тажриба-синов майдони этиб белгиланган педагогика олий таълим муассасаларидаги педагогика-психология ва логопедия йўналишларида бўлажак ўқитувчиларда педагогик ҳурфикрлиликни шакллантириш жараёнида инновацион ва интерфаол таълим технологияларидан фойдаланиш имкониятлари аниқланди. Қўлланилган замонавий таълим технологияларининг таълим-тарбия жараёнидаги самарадорлиги илмий-назарий (илмий фаразлар асосида) жиҳатдан асосланди ва у амалиётда ўз тасдиғини топди. Бундай ишларни амалга ошириш учун, биринчи навбатда талабаларнинг китобхонлик маданиятини ривожлантиришга эътибор берилди. Ўқитувчи фаолиятига бағишланган бадиий асарлар, публицистик мақолалар ўрганиб чиқилди. Ахборот технологияларининг

имкониятларидан фойдаланиб талабаларда ижодий педагогик тафаккурни кенгайтиришга қаратилган ташкилий-педагогик шарт-шароитлар яратилди.

Бўлажак ўқитувчиларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришга қаратилган замонавий ёндашув асосида таълим тизимида рақобатбардошлилик кўникмаларини шакллантириш учун муаммо ечимини топишга «Педагогик ҳурфикрлилик» тадқиқот усули қўлланилди.

«Педагогик ҳурфикрлилик» тадқиқот усули тажриба-синов ишларини олиб бориш ва уларнинг самарадорлик даражасини кўрсатиш ва уни баҳолашда, тажриба-синов ишларида қатнашаётган талабалар гуруҳларини назорат ва тажриба-синов гуруҳларига бўлиб олдик.

Назорат ва тажриба-синов гуруҳларининг натижалари мунтазам равишда таҳлил этиб борилди ва уларни ўзаро таққослаб, тегишли хулосалар чиқарилди. Бу жараёнда қатнашаётган тадқиқотчи, ўқитувчи-экспертлар билдирган фикрлари инобатга олинди.

Талабалар томонидан фанларни ўзлаштириб бориш ҳамда улар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакалар натижасида қўйилган муаммонинг мустақил равишда ижодий ечимининг топилганлиги муҳим аҳамият касб этди. Талабалар қўйилган муаммонинг моҳиятини илмий англаб, онгли равишда ўзларининг интеллектуал салоҳиятини ошириб борганлиги ўрганилди ва тегишли хулосалар чиқарилди. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик ҳурфикрлиликка оид шаклланган билим, кўникма ва малакаларни баҳолашда онглилик, кўргазмалилик, узлуксизлик, илмийлик тамойилларидан ижодий фойдаланилди.

Олинган натижаларни таҳлил қилишда талабалар томонидан эгалланган билим, кўникма, малакалар баҳолашнинг умумлашган кўрсаткичи - охириги натижа бўйича таққосланди. Мисол учун, «Педагогик ҳурфикрлилик» технологияси асосида бир қатор фанлар, жумладан, «Умумий педагогика» фанини ўқитиш жараёнида талабалар онгида қуйидаги тушунчалар шакллантирилди:

- мазкур технология анъанавий ўқитиш технологиясидан кескин фарқ қилиб, унинг ёрдамида ўрганилаётган мавзу доирасида эркин фикрлаш кўникма ва малакалари шакллантирилди. Бу технология таълим-тарбия жараёнида талабаларни ўзига жалб қила оладиган қизиқарли ва асосли маълумотларни қамраб олиб, тегишли билимларни тез ўзлаштириш ва самарали якуний натижага эришишни кафолатлади;

- ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ёрдамида бўлажак ўқитувчиларда педагогик хурфикрлиликни шакллантириш жараёнларида таълим-тарбия самарадорлигига эришишнинг энг оптимал варианты пайдо бўлди;

- таклиф қилинган технологиянинг самарадорлиги педагогика туркумидаги фанларни ўрганишда, педагогик категорияларни, таълим ва тарбия қонуниятларини, таълим-тарбия методларини, таълим-тарбия тамойилларини, буюк сиймолар фаолиятини ҳамда педагогик фаолиятга бағишланган бадиий асарлар, бадиий фильмлар, спектакллар, клипларни кўришда ва ўрганишда қайта-қайта ўз тасдиғини топди.

Педагогик тажриба жараёнида бўлажак ўқитувчиларда педагогик хурфикрлиликни шакллантириш муҳитини яратишдаги ташкилий педагогик шарт-шароитлар белгилаб олинди. Улар:

1. Таълимнинг онглиликка йўналтирилганлик тамойили.

Бунда бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик хурфикрлиликка оид билимларини ва дунёқарашини шакллантиришнинг таълим-тарбия жараёнидаги мақсади ҳамда натижаларига илмий жиҳатдан аниқ тушунча бериш зарурлигини талаб этади. Бундай илмий тушунчалар замирида бўлажак ўқитувчиларнинг ўз касбига нисбатан онгли ёндашуви амалга оширилади.

2. Таълим-тарбиянинг ижтимоий асосларга таянганлик тамойили.

Бунда бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик хурфикрлиликка оид билимларини ва дунёқарашини шакллантиришда она заминимизда яшаб ўтган буюк сиймолар, пиру комиллар, олимлар ҳамда юрт равнақига бебаҳо

ҳисса қўшган давлат арбоблари ҳамда шоиру ёзувчиларимизнинг шахс тарбиясидаги эзгулик, фидойилик, тўғрилиқ тўғрисидаги фалсафий педагогик концепцияси жуда катта аҳамият касб этиши.

3. Шахснинг ҳар томонлама ривожланишида таълим-тарбиянинг инновацион ғояларини олға суриш ва ундан самарали фойдаланиш муҳим касбий фазилатларни шакллантиришни таъминлайди.

4. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик хурфикрлиқ малакаларини юқори даражада шакллантиришнинг илғор муҳитини яратишда замонавий ахборот ва телекоммуникацион воситалардан самарали фойдаланишни ўргатиб бориш муҳимдир.

5. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик хурфикрлиқни шакллантиришда «Устоз – шогирд» тизимидаги мулоқот аниқ белгилаб олинди. Бунда тизимли мулоқот ижтимоий педагогик дунёқарашнинг шаклланишига олиб келади.

6. Мазкур илмий-тадқиқот ишини олиб боришда педагогик хурфикрлиқни шакллантиришнинг илмий-назарий асослари тайёрланди. Жумладан, педагогик хурфикрлиқни шакллантиришнинг замонавий инновацион тизими ишлаб чиқилди ва бу тизим «педагогик хурфикрлиқ» деб номланди.

7. Таълим-тарбия жараёнида педагогик хурфикрлиқни шакллантиришнинг ташкилий шакллари ва услубларини аниқлаш имконини берди. Улар қуйидагилар:

- таълим ва тарбияга оид суҳбатлар;
- анкета сўровномалар;
- амалий машғулотлар;
- фаол дидактик усуллар;
- ахборот ва телекоммуникацион воситалардан самарали фойдаланиш усули.

Бўлажак ўқитувчиларни замон талабларига мос, ҳар томонлама шаклланган, рақобатбардош мутахассислар қилиб тарбиялашни давлатимиз

томонидан қабул қилинган таълимга оид қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбир тўғрисида»ги ПҚ-3138-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон ва 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 март куни ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусига амал қилинган ҳолда олиб борилди ва кўзланган мақсадга эришилди.

Педагогик тажриба-синов ишлари 2018-2020 йиллар мобайнида Жиззах давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти ҳамда Қўқон давлат педагогика институтларининг педагогика ва психология ҳамда логопедия таълим йўналишларининг талабалари ўртасида ўтказилди. Тадқиқот натижалари таклиф этилаётган тамойилларнинг педагогика мутахассислигига татбиқи, унинг самарадорлиги ҳақидаги ижобий хулосаларни тасдиқлади.

Тажриба-синов ишида мамлакатимизнинг учта олий таълим муассасаларидан жами 322 та талаба ва 18 нафар ўқитувчилар иштирок этдилар. Тажриба-синов даврида тадқиқ этилаётган муаммонинг қуйидаги: педагогик хурфикрлилик бўлган қобилият ва уларни аниқловчи компетенциялар; педагогик хурфикрлилик бўлган қобилиятни шакллантирувчи омиллар ва таълимий жараёнлар йўналишларида изланиш олиб борилди. Мазкур иш учта: қайд этувчи, изланувчи ва таълим берувчи босқичларни ўзида жамлади.

Таъкидловчи тажриба босқичи 2018-2020 йилларни қамраб олди. Ушбу таъкидловчи тажриба-синов ишлари мобайнида тадқиқот доираси билан қамраб олинган талабаларда педагогик хурфикрлиликка оид билимлари бир мунча пастлигини кўриш мумкин. Мазкур ҳолатни Республикамиз амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари ҳамда миллий ўзлигимизни англашда ҳукуратимиз томонидан амалга оширилган тадбирларнинг самараси сифатида қараш мумкин. Бироқ аниқ мақсадга йўналтирилган педагогик технологиянинг мавжуд бўлмаганлиги бу даврларда ҳали қониқарли кўрсаткичларга эришиш имконини бермас эди.

Бу босқичнинг мақсади-педагогика олий таълим муассасалари талабаларида педагогик хурфикрлилик ривожланишининг мавжуд ҳолатини аниқлашдир. Уни ўтказиш вақтида қуйидаги вазифалар ҳам ҳал этилди: олий таълим муассасалари ўқитувчилари педагогик туркум фанлардан таълим бериш жараёнларида талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратишадими ёки йўқми шуни аниқлаш; талабаларнинг педагогик хурфикрлиликка бўлган муносабатларини ўрганиш ва уларнинг педагогик хурфикрлиликка бўлган қобилиятлари даражасини аниқлаш; педагогик хурфикрлиликка бўлган қобилиятни ривожлантиришга кўмак берадиган метод, шакл, воситалар ҳамда таълим жараёнларини аниқлаш.

Шакллантирувчи тажриба-синов ишларини амалга ошириш жараёнида (2018-2020 йиллар) бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик хурфикрлиликка оид билимларни ўзлаштириш борасида бирмунча юқори ўзлаштиришга эришганлигини қайд қилиш мумкин. Бу ҳолат юртимизда олиб борилаётган, таълим соҳасидаги ислоҳотлар билан боғлиқ. Бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда янада кўпроқ ташаббускорлик фазилатларини намоён этиб, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, электрон ахборот манбаларидан кенг ва самарали фойдаланиш кўникмалари шакллантирилмаган. Шу сабабли, олиб борилган тадқиқот ишларга асосланган ҳолда тажриба-синов ишлари амалиётда тасдиғини топди.

Мазкур босқични ўтказиш даврида тадқиқот мавзуси шакллантирилди, педагогик ҳурфикрлилик бўлган қобилиятни ривожлантириш муаммосининг долзарблиги, шу билан бирга, педагогика фанлар туркумига кирувчи «Умумий педагогика» фани таълим жараёнида педагогик ҳурфикрлилик бўлган қобилиятни ривожлантириш методик тизимини ишлаб чиқиш зарурати асосланди.

Изланувчи тажриба-синов ишининг мақсади - педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантирувчи методик тизимни ишлаб чиқиш. Бунинг учун қуйидагилар амалга оширилди:

- олий таълим муассасалари учун «Умумий педагогика» курси дастурига талаблар аниқланди;

- мазкур фанлар дастурларидан педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш муаммосини ҳал этишга йўналтирилган материаллар мазмуни аниқланди;

- «Умумий педагогика» фани асосий курси учун ўқув материални танлаш мезонлари ифодаланди;

- лаборатория тажрибаси давомида уларни қисман оммалаштириш амалга оширилди;

- педагогик ҳурфикрлилик қобилиятини ривожлантиришга алоҳида таъсир кўрсатадиган таълим воситалари, шакллари ва методлари аниқланди. Бунинг натижасида педагогик ҳурфикрлиликни эгаллашга бўлган қобилиятни ривожлантирадиган модел такомиллаштирилди.

Ҳар бир босқични ўтказиш даврида қуйидаги метод ва фаолият турларидан фойдаланилди: анкета сўровномаси, кузатув, интервью олиш, экспериментал ўқитиш, методиканинг элементларини муҳокама қилиш, ишни таҳлил этиш. Талабаларнинг инновацион фаолияти маҳсулини ўрганиш. Экспериментал ташхислаш.

Тажриба-синов ишларининг натижалари педагогик тадқиқотларда татбиқ этиладиган математик статистика методлари ёрдамида қайта ишланди.

Таълим жараёнини кузатиш давомида ўқув жараёнининг ўрганилиши лозим бўлган ҳодиса ёки томонлари ажратилди, масалан, машғулотлардаги талабаларнинг фаоллиги, ўзлаштириладиган материалга нисбатан уларнинг кизиқишлари, берилган жавобларнинг сифати: тўғрилиги, тўлиқлиги, англанилганлиги ва шу кабилар. Тадқиқот давомида олинган натижалар аниқ белгиланган тартибда қайд этиб борилди.

Анкета сўровномасини ўтказиш учун очик, ярим очик ва ёпик тарздаги саволлардан иборат сўровнома тузилди. Интервью олиш учун эса фақат очик тарздаги саволлар билан муносабат қилинди. Анкета сўровномасининг аниқлиги ва ишончлилигини ошириш учун қандайдир ҳолатни ўрганиш мақсадида унга нафақат битта, балки бир неча саволлар киритилди. Интервью олиш эса анкета сўровномасини аниқлаштириш ва анкета сўровномасига боғлиқ бўлмаган маълумотларни тўплаш учун ўтказилди. Ўқитувчилар билан ҳам яқка тартибдаги ҳамда гуруҳларда суҳбатлар ўтказилди. Интервью олиш жараёнидаги жавобларни қайд этиш учун умумий шаклда қабул қилинган методлардан фойдаланилди.

Изланишли тажриба-синов ишини ва маҳоратли машғулот ўтказишда, кузатув ва анкета сўровномасидан ташқари, назорат ишларидан ҳам фойдаланилди, уларни тузишда билимлар элементлари, уларнинг ўзлаштирилиш даражалари ва текшириладиган топшириқлар танланди.

Изланишли тажриба-синов иши вазифаларини ечиш натижасида методик тизим асосида ётувчи ғоя ва ҳолатларнинг ўринли эканлиги тасдиқланди, ушбу тамойилларни амалга ошириш методикасига-маърузалар, семинар машғулотлари, курс ишларини бажаришга аниқликлар киритилди.

Изланишли педагогик тажриба-синов иши босқичининг амалий натижалари қуйидагилардан:

- «Умумий педагогика» фанини ўрганиш бўйича методик тавсиялар;
- «Умумий педагогика» фани бўйича йўналиш ва ихтисослик моҳиятидан келиб чиқиб, курс иши мавзулари ва топшириқлар тизими;

- «Умумий педагогика» фанидан семинар машғулотларини хурфикрлиликка мослаштиришдан иборат бўлди.

3.2. Талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришнинг самарадорлиги

Талабаларда педагогик хурфикрлиликни шакллантириш бўйича педагогик тажриба-синовнинг таълим берувчи босқичини ўтказиш давомида қуйидаги асосий вазифалар қўйилди ва уларнинг ечими топилди:

1. Педагогик хурфикрлиликни шакллантириш бўйича таклиф этилаётган технология таъсирининг самарадорлигини, яъни билимларни ўзлаштириш даражаси, педагогик функцияларнинг интеграцияси ва ижодий потенциални баҳолаш.

2. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида турли таълимий жараёнларни аҳамиятининг англаш кўникмаларини шаклланишида таклиф этилаётган технология самарадорлигини баҳолаш.

3. Педагогик хурфикрлилик қандай таълимий жараёнларда шаклланишини аниқлаш.

4. «Умумий педагогика» курси таълим жараёнида педагогика олий таълим муассасалари талабаларида педагогик хурфикрлиликни шакллантиришнинг методик тизим ва уни шакллантирувчи моделдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.

Талабаларда педагогик хурфикрлиликнинг шаклланиш ҳолатини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари:

1. Мотивацион мезон - ўқув-назарий билимларни ўзлаштирган, педагогик хурфикрлиликка оид сифатларни намоён эта олмайди.

2. Когнитив мезон – ўқув-назарий билимларни ўзлаштирган, педагогик хурфикрлиликка оид сифатларни қисман намоён этади.

3. Фаолиятли мезон – ўқув-назарий билимларни ўзлаштирган, педагогик хурфикрлиликка оид сифатларни тўлалигича намоён эта олмайди.

Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликнинг ривожланиш даражалари қуйидаги:

Репродуктив (*паст даража*) – талабаларда берилган топшириқларни бажариш ҳамда таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш орқали педагогик ҳурфикрлиликни эгаллашга бўлган қобилиятларини ривожлантиришда репродуктив даражадаги топшириқлар берилди. Бунда талабаларнинг назарий ва амалий билимларни эгаллаш орқали педагогик объект ва касбий-педагогик жараёнларни амалга ошириш каби масалаларни ҳал этиш бўйича касбий компетенциялари ривожлантирилди.

Продуктив (*ўрта даража*) – педагогик ҳурфикрлилик қобилиятларини ривожлантиришда талабаларнинг аудиториядан ташқари касбий компетенциялари ва парадигмаларини мазмунига мос муаммоли топшириқлар, лидерлик ва яратувчанликка йўналтирилган масалалар асосида касбий-педагогик жараёнларни бошқаришда жорий йўриқномалар асосида интерактив метод ва усуллардан фойдаланган ҳолда муаммоларнинг самарали ечими топилди. Талабаларнинг педагогик жараёнларни назорат қилиш орқали экстремал мослашувчанлик қобилиятларини ривожлантиришда кичик гуруҳларда ишлаш самарадор эканлиги аниқланди.

Қисман изланувчилик (*юқори даража*) – бўлажак ўқитувчиларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришда ноаниқ шарт-шароитлар ва ахборот танқислиги муҳитида ностандарт фикрлаш, яратувчанлик қобилиятларини яхлитлик тамойиллари асосида такомиллаштиришга урғу берилди. Талабалар касбий фаолиятида мустақил тезкор қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган топшириқлар берилди ва уларнинг натижаси баҳоланди ҳамда хулосалар чиқарилди.

Топшириқлар бўйича бажарган ишини таҳлил қилиб, биз талабаларни учта мезонга кўра: топшириқни 56 фоиздан кам бажарган талабалар (мотивацион мезон), 56 фоиздан 71 фоизгача топшириқни бажарган

талабалар (когнитив мезон), 72 фоиздан юқори топшириқни бажарган талабалар (фаолиятли мезон) гуруҳига ажратдик.

Тажриба-синов давомида педагогик туркум фанлар ўқув материаллари интеграцияланиб, ундан «Умумий педагогика» фанининг барча кўринишдаги машғулотида касбий муаммоларини ечиш учун фойдаланилди. Гуруҳлар табиий-илмий: физика, информатика, олий математика, назарий механика ва кимё фанлари якуний назоратлари натижаларига кўра шакллантирилди. Мазкур фанлардан талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи назорат ва тажриба гуруҳларида ўртача бир хилдалиги кузатилди. Тажриба гуруҳларида машғулоти таклиф этаётган методикамиз асосида, назорат гуруҳларида эса анъанавий тарзда олиб борилди.

Таълим самарадорлигини аниқлашда асосий мезон сифатида: билимларнинг анланганлиги ва амалий татбиқ эта олишлиги ҳамда мутахассислик муаммоларини ечишга қаратилган ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот ва татбиқий масалаларни ечишда олинган билимлардан ижодий фойдалана олиш қобилиятининг мавжудлиги қабул қилинди.

Тажриба ва назорат гуруҳларидан тажриба-синовгача олинган барча натижалар билан уни ўтказиб бўлингандан кейинги натижалар фоизларда таққосланди. Билимларга эга бўлиш даражаси ва муҳандислик функциялари интеграцияси бўлимлари: паст, ўрта, ва юқори даражада баҳоланди. Бунинг учун ҳар бир мавзу ўтиб бўлингандан кейин назорат ишлари ўтказилди, уларни текшириш ва таҳлил қилиш асосида у ёки бу мажмуавий билимларни ўзлаштирган талабалар сони аниқланиб борилди. Талабаларда назарий билимлар даражасини ва касбий кўникмаларнинг шаклланганлигини аниқлаш учун уч даражали топшириқлар тақдим этилди: биринчи даража – билимларни қайта тиклаш; иккинчи даража – тушунишга асосланиб билимларни қайта тиклаш; учинчи даража – педагогик ва касбга боғлиқ билимлар интеграцияси асосида ўзлаштирилган билимларни татбиқ этиш.


Тажриба-синов ва назорат гуруҳларида жами 322 нафар талабалар катнашди. Шундан Қўқон давлат педагогика институти мисолида тажриба-синов ишларида 87 нафар (назорат 43 нафар ва тажриба гуруҳларида 44 нафардан), Навоий давлат педагогика институти мисолида тажриба-синов ишларида 83 нафар (тажриба 42 ва назорат гуруҳида 41 нафар), Жиззах давлат педагогика институти мисолида 152 нафар (тажриба 76 ва назорат гуруҳида 76 нафар) талабалар қатнашди.

Жиззах давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти ва Қўқон давлат педагогика институти талабаларида педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш бўйича ўтказилган педагогик тажриба-синов ишларининг миқдорий натижалари 3.1, 3.2, 3.3 жадвалларда ва умумлашган натижалар эса 3.4 жадвалда, геометрик тасвирлари эса 3.1.1, 3.1.2, 3.1.3, 3.1.4 расмларда келтирилган.

Жиззах давлат педагогика институтида ўтказилган тажриба-синов натижалари

Олий таълим муассасалари номлари	Даража	Тажриба-синов гуруҳлари (76 нафар талаба)				Назорат гуруҳлари (76 нафар талаба)			
		Талабалар сони	Тажриба бошида %	Талабалар сони	Тажриба охирида %	Талабалар сони	Тажриба бошида %	Талабалар сони	Тажриба охирида %
Жиззах давлат педагогика институти	Юқори	26	34.2	30	39,3	24	31.6	23	30.3
	Ўрта	40	52.6	40	52,9	36	47.4	34	51,3
	Паст	10	13.2	6	7,8	16	21	19	19,4


Юқоридаги маълумотлар шундан далолат берадики, талабаларда педагогик ҳурфикрлилик қай даражада ривожланганлигининг самарадорлик даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари, тажриба гуруҳларидаги сифат кўрсаткичи назорат гуруҳлариникига қараганда юқори эканлиги аниқланди. Ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор экани статистик таҳлиллардан яққол намоён бўлди.



3.1.1 расм. Жиззах давлат педагогика институтида ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларининг диаграммаси

**Қўқон давлат педагогика институтида ўтказилган тажриба-синов
натижалари**


Олий таълим муассасалари номлари	Даража	Тажриба-синов гуруҳлари (43 нафар талаба)				Назорат гуруҳлари (44 нафар талаба)			
		Талаба-лар сони	Таж-риба бошида %	Талаба-лар сони	Таж-риба охирида %	Талаба-лар сони	Таж-риба бошида %	Талаба-лар сони	Таж-риба охирида %
Қўқон давлат педагогика институти	Юқори	15	34.9	21	48.8	14	31.8	11	24.6
	Ўрта	23	53.5	18	41.9	23	52.3	23	52.7
	Паст	5	11.6	4	9.3	7	15.9	10	22.7



3.1.2 расм. Қўқон давлат педагогика институтида ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларининг диаграммаси

Навоий давлат педагогика институтида ўтказилган тажриба-синов натижалари


Олий таълим муассасалари номлари	Даража	Тажриба-синов гуруҳлари (42 нафар талаба)				Назорат гуруҳлари (41 нафар талаба)			
		Талабалар сони	Тажриба бошида %	Талабалар сони	Тажриба охирида %	Талабалар сони	Тажриба бошида %	Талабалар сони	Тажриба охирида %
Навоий давлат педагогика институти	Юқори	16	38	20	47.6	14	34.2	13	33.1
	Ўрта	22	52.4	19	45,3	23	56	22	53.6
	Паст	4	9.6	3	7.1	4	9.8	6	14,3



3.1.3 расм. Навоий давлат педагогика институтида ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларининг диаграммаси

**Барча олий таълим муассасаларида талабаларда тажриба бошида
ва тажриба охирида педагогик хурфикрлиликнинг ривожланганлик
ҳолатининг натижалари**

Олий таълим муассасалари номлари	Даража	Тажриба-синов гуруҳлари (161 нафар талаба)				Назорат гуруҳлари (161 нафар талаба)			
		Талаба-лар сони	%	Талаба-лар сони	%	Талаба-лар сони	%	Талаба-лар сони	%
Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти ва Навобий давлат педагогика институти	Юқори	57	35.4	71	44.4	52	32.3	47	29,1
	Ўрта	85	52.8	77	47.8	82	50.9	74	45,9
	Паст	19	11.8	13	7.8	27	16.8	30	25



3.1.4-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларида тажриба бошида ҳамда тажриба охирида талабаларнинг педагогик хурфикрлиликка тайёргарлик ҳолатининг умумий диаграммаси

3.1.1-3.1.4 расмларда келтирилган диаграммалар таҳлили шуни кўрсатадики, тажриба-синов ишининг дастлабки-шаклландуви босқичи ўтказилган 2018-2019 йилларда олий ўқув юртларида таҳсил олаётган бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик ҳурфикрлики оид билимлари паст даражада бўлган. Бу ҳолат танланган тадқиқотимиз мавзусининг долзарблигини таъкидлайди ва ўз даврида муаммо ечимини топишга киришилганлиги самарали педагогик технологияларни ишлаб чиқишга ёрдам берганлигини кўрсатади.

Тажриба синов ишларининг педагогик самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари тажриба ва назорат гуруҳидаги ўртача ўзлаштиришларини Стьюдент ва Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба гуруҳидаги талабалар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса назорат гуруҳидаги талабалар билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга, эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Юқоридаги жадваллар асосида талабаларнинг тажриба ва назорат гуруҳидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотезани танлаймиз.

Қуйидаги белгилашларни киритамиз ва уларни Жиззах давлат педагогика институтида ўтказилган тажриба-синов ишларининг тажрибада сўнгги ҳолати бўйича таҳлил қиламиз.

Тажриба-синов гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$n = \sum_{i=1}^3 n_i = 76 \begin{cases} X_i & 1 & 2 & 3 \\ n_i & 6 & 40 & 30 \end{cases}$$

Назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$m = \sum_{i=1}^3 m_i = 76 \begin{cases} Y_i & 1 & 2 & 3 \\ n_i & 19 & 34 & 23 \end{cases}$$

Статистик таҳлилни ҳар икки гуруҳ бўйича ўртача ўзлаштиришларини ҳисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги натижаларни берди:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=3} P_i X_i = 2,12 \quad \text{фоизда} \quad \bar{X} = \frac{2,12}{3} \cdot 100 \% \approx 71 \%$$

$$\bar{Y} = \sum_{j=1}^{n=3} q_j Y_j = 1,78 \quad \text{фоизда} \quad \bar{Y} = \frac{1,78}{3} \cdot 100 \% \approx 59 \%$$

Демак, тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш (71-59) % =12% га юқори экан. Бу эса, ўз навбатида, $\frac{71 \%}{59 \%} = 1,2$ баробар ортиқлигини англатади.

Ўзлаштиришни аниқлаш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни аниқлаш мақсадида дастлаб ўртача квадратик ва стандарт хатоликларни аниқлаймиз.

Ўртача квадратик хатоликлар:

$$S_x^2 = \sum_{i=1}^{n=3} P_i X_i^2 - (\bar{X})^2 = 0,44 \quad S_y^2 = \sum_{j=1}^{n=3} q_j Y_j^2 - (\bar{Y})^2 = 0,55$$

Стандарт хатоликлар эса:

$$S_x = 0,66 \quad S_y = 0,74.$$

Бундан назорат гуруҳидаги стандарт хатолиги тажриба-синов гуруҳидаги кўрсаткичларига нисбатан катта бўлди, яъни $0,74 > 0,66$

Энди иккита бош тўпламнинг номаълум ўрта қийматларига ўхшашлигини ҳисобга олиб, Стъюдентнинг танланмали мезони асосида нолинчи гипотезани текширамиз:

$$H_0 : \mu = \mu_y$$

Шунга асосан қуйидаги ҳисобланишни бажарамиз:

$$T_{x,y} = \frac{\bar{x} - \bar{y}}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = 2.98$$

Стьюдент мезони асосида эркинлик даражасини ҳисоб $k=86$ ушбу эҳтимоллик учун статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини $\alpha=0,05$ деб олсак, у ҳолда $p=1-\alpha=0,95$ га ҳамда эркинлик даражаси $k=86$ га тенг. Стьюдент функцияси тақсимот жадвалидан икки томонлама мезоннинг критик нуқтаси:

$$t_{\frac{1-(1-p)}{2}}(k) = t_{0,95}(86) = 1,84$$

Бундан кўришиб турибдики, статистиканинг танланма қиймати критик нуқтадан катта экан:

$$T_{x,\bar{y}}=2.98 > 1,84$$

Энди тажриба-синов гуруҳидаги ва тажрибадан олдинги таълим услуби хилма-хил бўлган, яъни фаразимизга зид бўлган ҳолни кўрамиз.

$$K_0: \Phi_x = \Phi_y$$

Бунда иккита бош тўплам тақсимотини тақсимлаш бир-бирига тўғри келади.

Берилган α қийматдорлик даражасида H_1 : - бош тўплам нормал тақсимланган деган гипотезани текшириш учун аввал назарий частоталарни кейин эса Пирсоннинг мувофиқлик критерийси - Хи-квадрат бўйича тизимлар асосида қуйидаги формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$X_{n,m}^2 = \frac{1}{n \cdot m} \sum_{i=1}^3 \frac{(nm_i - mn_i)^2}{m_i + n_i} = \sum_{i=1}^3 \frac{(m_i - n_i)^2}{m_i + n_i}.$$

Формула асосида $X_{n,m}^2$:

$$X_{n,m}^2 = \frac{(19 - 6)^2}{14 + 6} + \frac{(34 - 40)^2}{39 + 40} + \frac{(23 - 30)^2}{23 + 30} = 6,87 \quad \text{га тенг.}$$

Ушбу мезон бўйича озодлик даражалари $\nu = 3 - 1 = 2$ га тенг, Хи-квадрат тақсимотининг жадвали бўйича критик нуқтани топамиз. $p = 0,95$

учун ишончлилик эҳтимоли

$$T_{0,95}(B) = T_{0,95}(2) = 6 \quad \text{га тенг.}$$

Бир томонлама критерий нолинчи гипотезани икки томонлама критерийга караганда “қатъият билан” рад этгани учун ўнг томонлама критик соҳа қурамыз. Ўнг томонлама критик соҳа қуйидагига тенг.

$$X_{n,m}^2 = 6,87 > 6 = T_{0,95} \quad (3)$$

Бундан Хи-квадрат тақсимот критик нуқтадан катта бўлгани учун нолинчи гипотеза рад этилди.

Энди баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш учун ишончли интервални топамиз: назорат гуруҳида

$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} = 1,84 \cdot \frac{0,66}{\sqrt{76}} \approx 0,14$$

га тенг,

тажриба-синов гуруҳидаги эса:

$$\Delta_y = t_\gamma \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} = 1,84 \cdot \frac{0,74}{\sqrt{76}} \approx 0,15$$

га тенг.

Топилган натижалардан тажриба-синов гуруҳи учун ишончли интервал:

$$\bar{X} - t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$

$$2,12 - 0,14 \leq a_x \leq 2,12 + 0,14 \quad 1,98 \leq a_x \leq 2,26$$

назорат гуруҳи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$1,78 - 0,15 \leq a_y \leq 1,78 + 0,15 \quad 1,63 \leq a_y \leq 1,93$$

Бундан $\alpha=0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба-синов гуруҳидаги ўртача баҳо назорат гуруҳидаги ўртача баҳодан юқори ва оралик интерваллари устма-уст тушмаяпти. Демак, математик-

статистик таҳлилга асосан, яхши натижага эришилгани маълум бўлди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб, таълимнинг сифатини назорат қилишни автоматлаштириш сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X}=2,12$; $\bar{Y}=1,78$ $\Delta_x = 0,14$; $\Delta_y = 0,15$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{исб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,12 - 0,14}{1,78 + 0,15} = \frac{1,98}{1,93} = 1,026 > 1;$$

$$K_{\text{одб}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,12 - 0,14) - (1,78 - 0,15) = 1,98 - 1,63 = 0,35 > 0$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба-синов гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, бош ўртача қийматлар тенглиги ҳақидаги H_0 нолинчи гипотеза рад этилади. Буни 95 % ишончлилиқ билан айтиш мумкинки, тажриба-синов гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳар доим назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларидан юқори бўлди. Бундан жорий қилинган таълим сифатини назорат қилишни автоматлаштириш таълим сифатини назорат қилиш технологияси самарали эканлиги ҳақидаги хулоса келиб чиқади. Шунингдек, таълимнинг гуруҳлар ўртасидаги ўзлаштириш фарқларини мунтазам равишда назорат қилиб бориш имконини беради.

Худди шундай ҳисоб-китоб ишлари Жиззах давлат педагогика институтида олинган тажрибадан олдинги натижалар (3.5- жадвал), шунингдек, Қўқон ва Навоий давлат педагогика олий таълим муассасаларидан олинган натижалар (3.6-3.7 жадваллар) ҳамда барча олий таълим муассасалари бўйича умумлаштирилган натижалар (3.8 жадвал) учун ҳам бажарилди.

3.5 -жадвал

Жиззах давлат педагогика институти бўйича миқдорий кўрсаткичлар

№	Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
		Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
1	Ўртача арифметик қиймат (x,y)	1,89	2,12	1,72	1,78
2	Самарадорлик кўрсаткичи η	1,18		1,05	
3	Ўртача қиймат ишонч оралиғи a_x, a_y	[1,76; 2,12]	[1,98; 2,26]	[1,64; 1,87]	[1,63; 1,93]
4	Ўртача қиймат стандарт хатолик (Sx, Sy)	0,73	0,66	0,82	0,74
5	Аниқланиш кўрсаткичи (Cx, Cy)	2,38	1,82	2,40	2,17
6	Стъудент статистикаси (T)	2,98		1,38	
7	Кўрсаткичлар хулосаси	H ₁ гипотеза қабул қилинади.		H ₀ гипотеза қабул қилинади.	

3.6 -жадвал

Қўқон давлат педагогика институти бўйича миқдорий кўрсаткичлар

№	Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
		Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
1	Ўртача арифметик қиймат (x,y)	2,02	2,52	1,96	2,16
2	Самарадорлик кўрсаткичи η	1,18		1,15	
3	Ўртача қиймат ишонч оралиғи a_x, a_y	[1,64; 2,26]	[1,94; 2,42]	[1,76; 1,89]	[1,76; 1,96]
4	Ўртача қиймат стандарт хатолик (Sx, Sy)	0,77	0,69	0,88	0,79
5	Аниқланиш кўрсаткичи (Cx, Cy)	2,32	1,86	2,44	2,22
6	Стъудент статистикаси (T)	2,96		1,34	
7	Кўрсаткичлар хулосаси	H ₁ гипотеза қабул қилинади.		H ₀ гипотеза қабул қилинади.	

3.7 -жадвал

Навоий давлат педагогика институти бўйича миқдорий кўрсаткичлар

№	Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
		Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
1	Ўртача арифметик қиймат (x,y)	2,06	2,32	2,04	2,12
2	Самарадорлик кўрсаткичи η	1,22		1,16	
3	Ўртача қиймат ишонч оралиғи a_x, a_y	[1,72; 2,23]	[1,96; 2,24]	[1,62; 1,88]	[1,65; 1,97]
4	Ўртача қиймат стандарт хатолик (Sx, Sy)	0,75	0,68	0,82	0,74
5	Аниқланиш кўрсаткичи (Cx, Cy)	2,38	1,82	2,40	2,17
6	Стъудент статистикаси (T)	2,92		1,68	
7	Кўрсаткичлар хулосаси	H ₁ гипотеза қабул қилинади.		H ₀ гипотеза қабул қилинади.	

3.8 -жадвал

Барча олий таълим муассасалари бўйича миқдорий кўрсаткичлар

№	Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
		Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
1	Ўртача арифметик қиймат (x,y)	2,24	2,62	2,43	2,78
2	Самарадорлик кўрсаткичи η	2,18		2,1	
3	Ўртача қиймат ишонч оралиғи a_x, a_y	[1,66; 2,12]	[1,68; 2,28]	[1,64; 1,88]	[1,63; 1,98]
4	Ўртача қиймат стандарт хатолик (Sx, Sy)	0,77	0,67	0,86	0,76
5	Аниқланиш кўрсаткичи (Cx, Cy)	2,36	1,86	2,42	2,19
6	Стъудент статистикаси (T)	2,98		1,38	
7	Кўрсаткичлар хулосаси	H ₁ гипотеза қабул қилинади.		H ₀ гипотеза қабул қилинади.	

Учинчи боб бўйича хулоса

«Талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришнинг самарадорлиги» деб номланган ушбу бобда талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантириш технологияси ва унинг мазмуни, моҳияти, таклиф қилинган технологиянинг қай даражада самарадор эканлиги ўз аксини топган.

Талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришга қаратилган тизимли ишларни амалга оширишда унга оид билим, кўникма ва малакаларни ошириш бўйича замонавий педагогик технологиялар, инновацион ғояларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган мезонлари кўрсатиб ўтилган.

Мазкур диссертация ишини бажаришда таълим-тарбия жараёнида педагогик хурфикрлиликни талабаларнинг онгига сингдиришда энг оптимал вариантлардан бири замонавий педагогик технологиялар ва телекоммуникацион воситалардан фойдаланиш ўзига хос самарага эришиш мумкинлиги илмий-услубий жиҳатдан асосланган.

Ушбу асослардан келиб чиққан ҳолда тажриба-синов жараёни тафсилоти математик-статистик таҳлиллар аниқ хулоса чиқариш имкониятини яратди.

1. Таълим-тарбия жараёнларида хурфикрлиликка йўналтирилган касбий педагогик муносабат ўрнатилмас экан, ҳар қандай саъй-ҳаракатлар ўз аҳамиятини йўқотади. Сабаби таълим-тарбия жараёнларида давр талаб қилган креатив муҳит юзага келмайди. Бу эса ўз-ўзидан ишнинг долзарблигидан далолат беради.

2. Бугунги кунда барча ислоҳотлар қатори таълим тизимидаги туб бурилишлар бўлажак ўқитувчилар фаолиятига ҳам ижодий ёндошувни талаб қилмоқда. Бўлажак ўқитувчилар фаолияти жараёнларида педагогик муносабатларнинг шаклланган бўлиши шарт. Талабаларнинг бугунги кунда юртимизда ва бутун дунёда рўй бераётган туб ислоҳотларга муносабати,

уларнинг бу ислохотлар жараёнига илмий нуқтаи-назардан ёндошуви педагогик ҳурфикрлиликнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

3. Педагогик ҳурфикрлилик бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-маънавий фаолиятида учраб турадиган камчиликлар, таълим жараёнига ўзга кўз билан қарашлар, носамимий муносабатларнинг олдини олишга қаратилган дунёқарашни шакллантиради.

4. Педагогик ҳурфикрлилик бўлажак ўқитувчиларнинг фаолиятида: касбга садоқат, самимий муносабат, дилкашлик, болаларга муҳаббат, меҳнатсеварлик, таълим жараёнига креатив ёндошув, ёшлар тарбиясига инновацион ёндошув каби фазилатлар шаклланишига хизмат қилади.

5. Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш жараёнларида педагогик муносабатлар, талабалар, устозлар, ходим ва раҳбарият ўртасида содир бўлиши мумкин бўлган нохуш воқеаларнинг олдини олишга йўналтирилади. Талабаларнинг педагогик ҳурфикрлаши таълим-тарбия жараёнларида ўз-ўзини идрок қилишга, ўз-ўзини назорат ва бошқаришга одатлантиради.

6. Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш жараёнларида педагогик муносабатлар уларда ижтимоий фаолликни, устоз меҳнатини қадрлашни ва ўз вақтида тўғри қарор қабул қилишни ўргатади.

7. Тажриба-синов жараёнларида олиб борилган ишлар педагогик ҳурфикрлиликнинг муҳимлигини кўрсатди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш жараёнларида педагогик муносабатлар муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш жараёнларида педагогик муносабатларнинг педагогик шарт-шароитлари ва объектив ҳамда субъектив омилларини аниқлаш, педагогик ҳурфикрлиликнинг ижтимоий моҳиятини ўрганиш натижалар юзасидан қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантириш ўз мазмунига кўра бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий, ҳам педагогик аҳамиятга эга. Шу маънода бўлажак ўқитувчи жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ёш авлод онгига фан мазмунини илмий тамойиллар асосида сингдириш жараёнларида ёшларда баркамол шахс сифатларини таркиб топтиришда мавжуд камчиликлар аниқланди ва уни такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

2. Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни шакллантириш манбаларида Homo Sapiens маънавиятини кашф этилиши инсоният тарихида илк ҳурфикрлилик ижобий натижалар берганлиги ва афсоналар орқали кўтарилган фикрлар педагогик ҳурфикрлиликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг дидактик таъминоти эканлиги асосланди. Бу жараёнда талабаларда педагогик ҳурфикрлиликнинг ривожланганлиги ёшларга билим беришнинг анъанавий шаклидан, ноъанавий билим бериш технологияларини амалда самарали қўлланилиши натижасида таъминланди.

3. Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришда ота-боболаримиз томонидан шакллантирилган маълумотлар асосида ҳурфикрлиликни ривожлантиришга доир замонавий ёндашув ва унинг инновацион хусусиятлари такомиллаштирилди ва талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни ривожлантиришнинг модели ишлаб такомиллаштирилди.

4. Таълим-тарбия жараёнларида педагогик туркум фанларининг имкониятларидан фойдаланиш ва психология, фалсафа каби фанларнинг замонавий ютуқларидан фойдаланган ҳолда талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришнинг ижтимоий муносабатларини ташкил этиш, таълим-тарбия жараёнларида талабаларнинг фаол иштирокчиларини аниқлаш ҳамда муаммоли масалаларни педагогик креативлик ва компетентли ёндашув асосида ечиш ва юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва унинг ечимини топишнинг смарали шакл, метод ва воситалари аниқлаштирилди.

5. Тадқиқот доирасида олиб борилган тажриба-синов ишлари педагогик фаолиятни ижодий, технологик ёндошув асосида ташкил этиш, таълим ва тарбиявий ишлар жараёнининг турли шакл, метод ва воситалар ёрдамида уюштирилиши талабаларда педагогик хурфикрлиликнинг ривожлантириши тадқиқот иши доирасида илмий асосланган хулосалар асосида ўз тасдиғини топди.

6. Олий таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқот доирасида яратилган талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришнинг модели, педагогик тажриба-синов натижалари, тайёрланган ўқув-услугий қўлланмалардан педагогика олий таълим муассасаларининг барча таълим йўналишларида ўқитиладиган педагогик фанларни ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини оширишда, илм-фан, таълим-тарбия ҳамда талабаларнинг мантиқий, креатив фикрлашларини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Олиб борган тадқиқот ва тажриба-синов ишларимизнинг умумий натижалари педагогика институтларида талабаларда педагогик хурфикрлиликни шакллантириш жараёнининг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилувчи қуйидаги методик тавсияларни илгари суришга имкон беради:

1. Талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилишига эришиш;

2. Талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришга оид методик қўлланманинг яратилишига эришиш;

3. Педагогик амалиётларни ўташ жараёнида талабалар ўзларида педагогик хурфикрлиликни намоён эта олишларини доимий равишда назорат қилиб бориш;

4. Педагогик туркум фанлари, хусусан, «Умумий педагогика» фанини ўқитиш жараёнида талабаларда педагогик хурфикрлиликни ривожлантиришга ёрдам берувчи замонавий педагогик тренингларнинг узлуксиз, тизимли ва изчил ташкил этиб борилишига зарур шарт-шароитларни яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 14-сон, 213-модда, 22-сон, 406-модда.
2. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. 64 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т.: 2020 йил 23 сентябрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни. 2016 йил 14 сентябр.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил 7 феврал, 6-сон, 70-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбир тўғрисида» ПҚ-3138-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони. ҚХММБ: 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги 561-сонли «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғриси»даги Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил Олий мажлисга йўллаган мурожаатномаси./ <https://www.google.com>.

10. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 488 б.

11. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. (Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.) 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017.-104 б.

12. Мирзиёев Ш. БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрдаги 72-сессиясида сўзлаган нутқи. – АҚШ, 2017.

13. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабр. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

14. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. -56 б.

15. Incheon declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea. <http://unesdoc.unesco.org>)

Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

16. Тўлаганова Г.К. Тарбияси қийин ўсмирлар. Монография.–Т.: 2005.

Фойдаланилган бошқа адабиётлар

17. Авлоний А. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ», Ўқитувчи нашриёти. Т.: 1993 йил.
18. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишининг назарий асослари: Пед.фан.док... дисс. – Бухоро, 2002. – 276 б.
19. Алиев А. Содиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 72 б
20. Блок А.А. Полное собрание сочинений и писем в 20 т. М.: «Наука», 1997 - наст. вр.
21. Богоутдинов А.М. Очерки истории таджикской философии. Избр. произв. – Душанбе, 1980, –С. 196
22. Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар), 1-китоб, Т.:1995.
23. Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ...дисс. – Т.: 2007. – 305 б.
24. Белинский Виссарион Григорьевич. О русской повести и повестях г. Гоголя («Арабески» и «Миргород») (1835).
25. Белинский Виссарион Григорьевич. Ничто о ничём (1835).
26. Белинский Виссарион Григорьевич. «Герой нашего времени». Соч. М. Лермонтова (1840).
27. Белинский Виссарион Григорьевич. Письмо Н. В. Гоголю (1847).
28. Белинский. Виссарион Григорьевич О А.С.Пушкине: Сб. ст. - Москва: тип. т-ва И. Д. Сытина, 1899. — 295 с.],
29. Вольтер «Принцесса Вавилонская». Издательство «Всемирная литература», 1919.
30. Вольтер «Орлеанская дева» 1927,
31. Вольтер «Бог и люди» 2 тома, М., 1961,
32. Вольтер «Эстетика». Статьи. Письма. 1974.,
33. Вольтер «Философские повести». — М.: Правда, 1985
34. Выготский Л.С. Педагогическая психология // Хрестоматия по

возрастной и педагогической психологии. М., 1980. С. 49-53.

35. Гильмутдинов Б.Р. Тенденции развития и педагогические условия использования прогрессивной мысли Ислама в современной школе. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. ВАК РФ 13.00.01, кандидат педагогических наук. Казань 2002 г. <https://www.dissercat.com/content/tendentsii-razvitiya-i-pedagogicheskie-usloviya-ispolzovaniya-progressivnoi-mysli-islama-v-s/read>

36. Гёте И. В. «Страдания юного Вертера» (1774).

37. Гёте И. В. роман в письмах, «Ифигения Торквато Тассо» (1780-1789).

38. Гёте И. В. «Лесной царь» (1782).

39. Гёте И. В. «Эгмонт» (1788).

40. Гёте И. В. «Опыт о метаморфозе растений» (1790).

41. Гёте И. В. «Фауст» (1774—1832).

42. Гёте И. В. «Поэзия и правда» (автобиографическое сочинение) (1811-1831)].

43. Давлетшин М.Г. Умный психология – Т.:ТДПУ.2000.

44. Деревянко А. академик РАН. Homo sapiens – вид, в который вошли четыре подвиды <http://www.ras.ru/news/shownews.aspx> 19:12 02/05/2012 Интервью Александр Цыганов. (ИТАР-ТАСС, Москва)

45. Диншунослик асослари. Т, “Ўзбекистон”: 1995. 174-бет

46. Зайцев Владимир Васильевич. Теория и практика развития личностной свободы учащихся в системе начального образования тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 13.00.01, доктор педагогических наук. 1999 г.// <https://www.dissercat.com/content/teoriya-i-praktika-razvitiya-lichnostnoi-svobody-uchashchikhsya-v-sisteme-nachalnogo-obrazov>

47. Захидов А. Формирование и особенности развития свободомыслия в Средней Азии в период раннего средневековья. Автореф.дисс. канд.филос.наук. Ташкент, 1979, 26с.

48. Жамолдинова О.Р. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини

ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш: Пед.фан.док.дис...Автореф.–Т.: 2015. – 86 б.

49. Жўраев Н. Ўзбекистонда янгиланишлар концепциясининг яратилиши, эволюцияси ва амалиётда қўлланилиши: Сиёсий.фан.док.дис... Автореф.:– Т., 2001.– 54 б

50. Йўлдошев С, Усмонов М, Каримов Р. Қадимги ва ўрта аср ғарбий европа фалсафаси. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти. Тошкент – 2003.

51. Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари: Пед.фан.докт.дисс... – Т.:1997. – 256 б.

52. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 97 б

53. Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. – Т.: «Фан» 2007. 119-бет

54. Каримова В. Саломатлик психологияси. – Т.: 2005.

55. Коноплев Н.С. История свободомыслия. Иркутск 2016 г.

56. Крысина Л. П. Толковый словарь иностранных слов - М: Русский язык, 1998.

57. Липич Людмила Михайловна. XVI-XVIII асрларда Украинанинг маданий меросидаги эркин фикр ғоялари. Фал.фан.ном.дисс... Киев. 1995й

58. Лобачева Татьяна Ивановна Проблема воспитания внутренней свободы личности в российской педагогике второй половины XIX - начала XX вв. Автореферат по ВАК РФ 13.00.01, доктор педагогических наук. 2002 г <https://www.dissercat.com/content/problema-vospitaniya-vnutrennei-svobody-lichnosti-v-rossiiskoi-pedagogike-vtoroi-poloviny-xi>

59. Локк Д. Письмо о веротерпимости // Английское свободомыслие: Д. Локк, Д. Толанд, А. Коллинз / Отв. ред. Б.В. Мееровский. – М.: «Мысль», 1981. – С. 25-78

60. Лесинг Г.Е. драма «Мисс Сара Сампсон» (1755) комедия «Минна

фон Барнхельм» (1767), трагедия «Эмилия Галотти» (1772) драматическая поэма «Натан Мудрый» (1779). («Лаокоон», 1766), («Гамбургская драматургия», 1767 – 69 б

61. Ленсу М.Я., Яскевич Я.С., Кудрявцеви В.В. др. Религиоведение: учеб. пособие/ 3-е изд., стер. – Минск: Новое знание, 2008. – 421 с

62. Луначарский А.В. Европа в пляске смерти. М.: Международные отношения, 1967

63. Ляудис В.Я. Инновационное обучение и наука. М., 1992.

64. Маликов Р.Ш Становление и развитие тюрко-татарской гуманистической педагогической мысли средневековья. Доктор пед наук.

65. Маънавият. Асосий тушунчалар луғати. Тошкент. 2009 й- 753 бет

66. Марданов Ш.Қ. Педагог кадрларни таълимий кадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари: Пед.фан.док.дисс... – Т., 2006. – 302 б.

67. Мавлонова Р.А. Бошланғич таълимнинг интеграциялашган педагогикаси. Тошкент 2009 йил.

68. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон республикаси Президентининг 26 март 2021 йилдаги ПҚ -5040 – сон қарори . <https://lex.uz/docs/5344692>

69. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогика сослари: Пед.фан.док.дисс...-Т.,1993. -364 б.

70. Навоий А. «Маҳбуб ул-кулуб». Асарлар. Ўн беш томлик. 13-том. Т. Адабиёт ва санъат нашриёти 1996 йил.

71. Нишонова З.Т. Мустақил ижодий фикрлаш. - Т.: Фан, 2003. - 5 б.

72. Нишонова З.Т. Мустақил ижодий фикрлашни шакллантиришнинг психологик асослари: Псих.фан.док.дисс... – Т.: 2005.– 391 б

73. Плеханов Г. В. Искусство и общественная жизнь. Избранные философские произведения в пяти томах. Т.5. – М.: Государственное издательство политической литературы, 1957.-С.746.-903 с.

74. Педагогик атамалар луғати.Т.: “Фан” нашриёти 2008 й. 38 бет
75. Рабелиас Ф. «Повесть о преужасной жизни великого Гаргантюа, отца Пантагрюэля, некогда сочиненная магистром Алькофрибасом Назье, извлекателем квинтэссенции» (1534),
76. Рабғузий Н.Б. «Қиссаси Рабғузий», -Т.:1990. – 11б.
77. Радищев А.Н. Путешествие из Петербурга в Москву. Из атеистического наследия первых русских революционеров. М., 1986. С. 51–52
78. Рогова Антонина Викторовна. Идеи воспитания человека культуры в философско-педагогической мысли России и русского зарубежья: Вторая половина XIX - первая половина XX вв. тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 13.00.01, доктор педагогических наук. 2004 г. <https://www.dissercat.com/content/idei-vospitaniya-cheloveka-kultury-v-filosofsko-pedagogicheskoi-mysli-rossii-i-russkogo-zaru>
79. Рембрант Х. «Урок анатомии», «Учёный в кабинете», «Возвращение блудного сына», «Аристотель перед бюстом Гомера» асарлари.
80. Сагадеев А.В. Жизнерадостное свободомыслие народов Востока. Наука и религи. Изд. Наука и религия М.:1978 №2.
81. Свифт Дж. «Рассуждения о спорах и разногласиях между Афинами и Римом» (англ. “A Discourse on the Contests and Dissentions in Athens and Rome”). «Сказка бочки» «Битва книг». «Бочку», «Путешествия Гулливера».
82. Спиноза Б. «О Боге, человеке и его счастье» 1660.
83. Спиноза Б. «Трактат об усовершенствовании разума и о пути, которым лучше всего направляться к истинному познанию вещей» 1662.
84. Спиноза Б. Избранные произведения: в 2-х томах. Т. 1. -М.: Госполитиздат, 1957.
85. Спиноза Б. Избранные произведения: в 2-х томах. Т. 2. - М.: Госполитиздат, 1958.

86. Сухов А. Д. Материалистическая традиция в русской философии. М., 2005. С. 258 б
87. Туленов Ж .Қадриятлар фалсафаси. Т.:1998 й.
88. Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (Ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фал.фан.док.дисс... Т.:2017 й.
89. Тургенев И. С. Собрание сочинений в 6 томах. - М.: Терра, 2011.
90. Фалсафа асослари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ. Назаров).— Т.: «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2005. -384 б.
91. Форобий Абу Наср. «Фозил одамлар шахри». А.Қодирий нашриёти. Т. 1993 йил.
92. Хайруллаев М.М. Форобий. – Тошкент: 1975. 302–303 б.
93. Холбах П. Табиат тизими, Москва, 1940й.
94. Хомская Е.Д. Нейропсихология. СПб.: Питер 2005. 496 с.
95. Хамруни Слаҳеддин “Халифалик маънавий маданиятида эркин фикр юритиш (VIII - IX асрлар). Фал.фан.ном дисс...Москва. 1984 йил.
96. Ходжаев Б. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш йўллари (услубий қўлланма). Тошкент.:2008 й. 12 бет.
97. Хошимов Ў. “Дафтар хошиясидаги битиклар
98. Хўжаева Н.И., Шоюспова А.У. Психиатрия. Тошкент. ўқув адабиёти.1995.
99. Чернышевский Н.Г. Что делать? Русский человек, пролог.
100. Шаабдурахимова Ш.Ш. Общечеловеческие нравственные ценности в свободомыслии мусульманского средневековья (XI—XIV вв.).
101. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед.фан.док.дис.автореф. –Т.:2007 й.
102. Шоумаров Ғ.Б. Оила психологияси. Ўқув қўлланма. –Т.: 2000.
103. Шоумаров Ғ.Б. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. –Т.: 2000.

104. Шелли П.Б. Поэмы и стихотворения: «Лаон и Цитна» («Восстание Ислама», 1817).
105. Шелли П.Б. «Гимн Аполлону» (1824 г).
106. Шелли П.Б. «Жаворонку» (1820).
107. Шелли П.Б. «Торжество жизни» (1822, не окончена).
108. Шелли П.Б. *Драмы*: «Освобождённый Прометей» (1819, впервые опубликована в 1820 году).
109. Шелли П.Б. «Эллада» (1821).
110. Шелли П.Б. *Сатиры*: «Маскарад Анархии» (1819).
111. Шелли П.Б. «Питер Белл Третий» (1820).
112. Шелли П.Б. «Царь Эдип, или Тиран-толстоног» (1820).
113. Шелли П.Б. *Романы*: «Застроцци» (1810); «Сент-Ирвин» (1811).
114. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): Пед.фан.док.дисс... Т.:2010. – 332 б.
115. Юсуф Хос Хожиб. «Қутадғу билиг» (сўз боши муаллифи Б.Тухлиев). Т. Юлдузча. 1990 йил
116. Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан. Т.: Фан нашриёти. 1990 йил 185 бет.
117. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: Давлат илмий нашриёти. 1 том. 800 бет
118. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: Давлат илмий нашриёти. 11 том. 60 - 61 бет.
119. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Ц” харфи (цирк-шприц) Т.: Давлат илмий нашриёти. 11 том. 21 бет.
120. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Ж” харфи (жийда-тож) Т.: Давлат илмий нашриёти. 11 том. 52 бет.
121. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “А” харфи (А-Бешбалиқ) Т.: Давлат илмий нашриёти. 1 том. 461 бет.

122. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Г” харфи (Гидрофилия-Зебра) Т.: Давлат илмий нашриёти. 3 том. 225-226 бетлар.

123. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “М” харфи (Конимех-Мизокуш) Т.: Давлат илмий нашриёти. 5 том. 71-72 бетлар.

124. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “М” харфи (Конимех-Мизокуш) Т.: Давлат илмий нашриёти. 5 том. 76-77 бетлар.

125. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “С” харфи (Парчин-Солик) Т.: Давлат илмий нашриёти. 7 том. 3 бет.

126. Ўзбек тилининг изохли луғати 2 том.

127. Қурбонов Ш, Иноятов У, Сейтхалилов Э, Шарипов Ш, Юзликаева Э. Миллий таълим модели ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури: ислом Каримов модели. Ўзбекистон мустақиллигининг юксак ютуғи ва натижаси.Т.:ТДПУ 2013 -182 б.

128. Қурбонов Т. Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда маданий мероснинг ўрни: Фалс.фан.ном.дис... Автореф.– Т.:2005 й.

129. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Усманов Н.. Педагогика фанидан изохли луғат.Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2009 йил. 42 - 44 бетлар.

130. Encyclopaedia Britannica Online. Британника онлайн энциклопедияси. <http://www.encyclopedia.ru/cat/online/detail/42004>.

131. Nor Liza Suliman. dissertation incorporating critical thinking: teaching strategies in malaysian technical and vocational education (tve) programs Submitted by Nor Lisa Sulaiman School of Education In partial fulfillment of the requirements For the Degree of Doctor of Philosophy Colorado State University Fort Collins, Colorado Fall 2012// https://mountainscholar.org/bitstream/handle/10217/71592/Sulaiman_colostate_0053A_11501.pdf?sequence=1

132. Redjo Byman Pertti. Pedagogical Thinking in a Student’s Mind: A conceptual clarification on the basis of self-determination and volition theories Reijo Byman and Pertti Kansanen University of Helsinki, Finland Scandinavian

133. Pertti Kansanen. Pedagogical thinking: The way to the secrets of teaching Keynote Speech of Pertti Kansanen, Prof. Emeritus of Education, Department of Applied Sciences of Education, Faculty of Behavioural Sciences, University of Helsinki, on the Symposium, April 28th// https://www.ltu.se/cms_fs/1.4762!/kansanenspeech.pdf

134. Jennifer H.Reed. A dissertation submitted in partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy in Curriculum and Instruction with an emphasis in Interdisciplinary Studies College of Education University of South Florida December 1998 Co-Major Professor: James Eison, Ph.D. Co-Major Professor: J. Howard Johnston, Ph.D.// <https://www.criticalthinking.org/resources/JReed-Dissertation.pdf>,

135. Groft. (Croft, James. 2016. Free Thinking. Doctoral dissertation, Harvard Graduate School of Education.// <https://www.google.com/search?q>), András Koltay (Doctoral thesis THE FOUNDATIONS OF FREEDOM OF SPEECH Hungarian, English, American and European comparisons Budapest, 2008 // <https://jak.ppke.hu/uploads/articles/>

136. James Andras Koltay. (Croft, James. 2016. Free Thinking. Doctoral dissertation, Harvard Graduate School of Education.// <https://www.google.com/search?q>), András Koltay (Doctoral thesis THE FOUNDATIONS OF FREEDOM OF SPEECH Hungarian, English, American and European comparisons Budapest, 2008 // <https://jak.ppke.hu/uploads/articles/>

137. <https://azon.uz/content/views/boshi-berk-kuchadagi-deizm-va-ateizm-6-q>.

138. <https://e-tarix.uz/shaxslar/86-muso-al-xorazmiy.html>.

139. [<https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-ituv-30-09-2020>].

140. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/abdulla-avloniy/abdulla-avloniy-turkiy-guliston-yoxud-axloq>

141. <https://н.зиёуз.ком/портал-ҳақида/харита/ҳикматлар/мумтоз->

файласуфлар/рожер-бекон

142. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-z/zaruriyat-va-tasodif-uz>
143. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/imkoniyat-va-voqelik-uz>
144. <https://www.google.com/>, <https://www.youtube.com/>,
145. <http://shok.uz/>, <https://mover.uz/watch/2Tn5mUrm>.
146. <https://www.facebook.com/montessorichildren1/videos/01>,
147. https://vk.com/video_-140746245_456239037
148. <https://cyberleninka.ru/article/n/maktabgacha-yoshdagi-bolalarni-mustaqil-fikrlashga-yo`naltirishda-ularning-yoshiga-hos-bo`lgan-psihologik-va-pedagogik-hususiyatlar-1>
149. <https://cyberleninka.ru/article/n/tan-idiy-fikrlashni-rivozhlantirishning-nazariy-asoslari>
150. <https://cyberleninka.ru/article/n/adabiy-talim-zharayonida-mutolaa-madaniyatini-tashhis-etish-va-korreksiya-lashda-zamonaviy-yondashuv>
151. <https://vocabulary.ru/termin/innovacionnoe-obuchenie.html>
152. <https://madrasa.uz/madrasa-darslik/482-uzbda-diniy-talim-tizimining.html>
153. <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
154. <https://lex.uz/docs/2595913>
155. <https://www.lex.uz/docs/2928520?>
156. [<https://www.lex.uz/docs/86924>
157. <https://lex.uz/docs/2656183>

ИЛОВАЛАР

1- илова

Ўзбекистонда диний таълим тизимининг тарихий илдизлари



Муслмон мамлакатларидаги мадрасалар ҳақидаги илк маълумотлар IX-X асрларга оид бўлиб, бу мадрасалар Хуросон ва Мовароуннаҳрда жойлашган эди. Баъзи маълумотларга кўра, Термиздан Абу Исо Термизий ва Муҳаммад Ҳаким Термизий каби буюк алломалар етишиб чиқишида IX аср бошларида Балхда 1848 та масжид, 900 та мактаб ва 400 та мадраса бўлгани муҳим роль ўйнаган. Тарихчи Абу Бакр Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” китобида Бухородаги Форжак мадрасасининг 937 йилда ёнғин туфайли вайрон бўлгани ҳақидаги маълумотни келтирган. Юртимизда диний таълим тизимининг ривожланиши ва тараққиёти кўп асрлик тарихга эга. Мадраса (араб.- дарс ўқитиладиган жой, дарсхона)лар – исломда ўрта ва олий махсус диний ўқув юрти бўлиб, уламолар, мактаб ва мадраса мударрислари, дин арбобларини тайёрлаган. Бу таълим масканларида диний билимлар билан бир қаторда, дунёвий фанларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Олим К.Каттаевнинг фикрига кўра, Самарқанддаги Работи Ғозиён мадрасаси яна ҳам қадимийроқ бўлиб, унда Имом Мотуридий, Абулқосим Ҳаким кабилар Муҳаммад ибн Фазл Балхийдан (ваф. 931 й.) таҳсил олганлар.



XI асрдан бошлаб мадрасалар етакчи ўқув юртига айланган бўлиб, бунгача таълим масжидларда ва хусусий уйларда, шунингдек, меҳмонхоналар, кутубхоналар, касалхоналарда олиб борилган. Мадрасалар вақф ҳисобига таъсис этилган. У ерда мударрислар ва бошқа хизматчилар маош, талабалар стипендия, ўқув жиҳозлари (дафтар, китоб, қалам ва б.) ҳамда турар жой билан таъминланганлар. XI-XII асрларда Ўрта Осиёнинг барча йирик шаҳарларида бир қанча мадрасалар мавжуд бўлган. Мадрасага мактабни тугатган ўспиринлар қабул қилинган. Ўрта Осиёдаги мадрасаларда араб ва форс тилида ёзилган китоблар асосида Қуръон тафсири, ҳадислар, шариат қонунлари ва бошқа диний билимлар ўргатилган. Аксарият мадрасаларда тиббиёт, аруз илми, фалсафа, география каби фанлар ҳам ўқитилган.



XIX аср бошларига келиб, Ўрта Осиёда иқтисодий ривожланиш бошлангани туфайли таълим соҳасида ҳам айрим ўзгаришлар юз бера бошлаган. Мактаб ва мадрасалар қуриш авж олиб, айниқса, Қўқон, Тошкент, Бухоро каби шаҳарларда уларнинг сони тез кўпайган. Бу даврда бир нечта турдаги диний таълим муассасалари (мактаб, мадраса, қорихона, далоилхоналар) мавжуд эди. Мактаблар бошланғич таълим муассасаси ҳисобланиб, унда болаларга ёзиш ва ўқиш ўргатилган, дин ҳақида дастлабки маълумотлар берилган. Мадрасалар юқори турувчи ўқув муассасаси ҳисобланган. Қорихона ва далоилхоналар қуйи диний хизматчиларни тайёрлаган. Мактаблар, одатда, вақф даромадига эга бўлган масжидлар ҳузурида очилган. Лекин бу ўринда мактаблар вақф даромадига эга бўлган экан, деган хулосага бориш ноўрин бўлади. Чунки мактаблар масжидга қарашли вақф даромадининг бир қисмидан фойдаланган, холос. Бундан ташқари, мактаблар аҳоли томонидан очилиши ва таъминланиб турилиши мумкин бўлган. Одатда, бунда машғулотлар мактабдор ўқитувчининг уйида ўтказилган.



XIX асрдаги Қўқон хонлари архивларида беклар ва хонлар саройларида сағир (етим)лар учун очилган мактаблар ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган. Бундай мактаблар давлат маблағлари ҳисобига фаолият юритган. Хусусан, архив материаллари ичида Худоёрхоннинг учинчи марта тахтга ўтирган чоғида Қўқон хонлигининг энг катта ва бой вилояти – Марғилон беги бўлган укаси Султон Муродбекнинг хазиначиси ва иш бошқарувчисининг ёзишмалари сақланиб қолган. Унда шундай дейилади: “Сағирлар мактабига кир ювиш учун эллик пайса совун ва бир танга пул беринг. 1289 йил. Мухр: Мирза Муҳаммад Юсуф”. Россия босқинига қадар Ўрта Осиё ҳудудида мавжуд бўлган мактаблар сони ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Бироқ адабий манбалар, Ўрта Осиёга келган саёҳатчиларнинг сафар қайдномалари, ҳисоботлари ва хабарларига асосланиб, XIX аср бошларида Туркистон ўлкасидаги мактаблар ҳолати ҳақида умумий бир хулосага келиш мумкин. Чунончи шаҳарлардаги мактаблар сони масжидлар сонига тахминан тенг

бўлган. Бу бежиз эмас. Зеро, юқорида айтиб ўтганимиздек, мактаблар деярли доимо масжидлар ҳузурида очилган. Тахминларга кўра, ўша даврда аҳолиси 500 минг кишини ташкил этган Тошкент шаҳрида салкам 150 та мактаб мавжуд бўлган, лекин буни ҳам тўлиқ маълумот деб бўлмайди. Ана шундай маълумотлар XIX аср бошларида Ўзбекистоннинг бошқа шаҳар ва қишлоқларига қараганда маданий ҳаёт анча қизғин бўлган Қўқон шаҳри бўйича ҳам учрайди. Хусусан, 1813-1814 йилларда Қўқон шаҳрида бўлган рус элчиси Ф.Назаров ўз ҳисоботларида Қўқонда “тўрт юзтагача масжидлар мавжудлиги”ни ёзади. XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларида мавжуд бўлган мактаблар сони ҳақидаги тарқоқ маълумотларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

Шаҳарлар	Мактаблар сони	Ўқувчилар сони
Тошкент	150	2000
Бухоро	360	6000
Қўқон	300	5500
Андижон	90	1700
Самарқанд	80	1000
Марғилон	70	800
Наманган	60	900
Жиззах	10	150

Буларнинг барчаси XIX асрнинг ярмида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқларда 6 ёшдан 15-16 ёшгача бўлган деярли ҳар бир ўғил бола мактабга қатнаган, деган хулосага келиш имконини беради.

Барча аҳоли пунктларида махсус руҳоний мансабдорлар – раислар ёки муҳтасиблар бўлган, уларнинг вазифаси диндорларнинг диний амалларни тўғри бажаришларини назорат қилишдан иборат бўлган. Раислар ҳар бир

боланинг мактабга қатнашини кузатиб борганлар. Шариатга кўра, ҳар бир ота 5-6 ёшдан бошлаб, ўғлини таълим олиш учун мактабга, қизини эса – имомнинг аёли ҳузурига юбориши лозим бўлган. Қизларнинг мактабга бориши илгари жуда кенг тарқалгани “мусулмон қизлари, умуман, ёзишни билмаганлар ва уларнинг жуда озчилиги ўқишни билган” деган фикрларни буткул рад этади. Раислар вақти-вақти билан мактабларга келиб, болаларнинг дарсга қатнашишларини назорат қилиб турганлар. Бундан ташқари, болалари дарсга қатнамаган ёки сабабсиз дарс қолдиргани учун ота-оналар жарима тўлаган ёки жисмоний жазоланган ҳолатлар ҳам учрайди.

Мактаблардаги таълим тизими бир қанча босқичли ва пухта ташкил этилгани боис савод ўрганиш кўп вақтни олар эди. Чунончи, фақатгина алифбони ўрганишга 3-4 ойдан бир йилгача, баъзида ундан ҳам кўп вақт сарфланар эди.



Ўқувчилар дастлабки ўқиш кўникмаларини эгаллаганларидан сўнг «Ҳафтияк»ни (форсча, “Қуръоннинг еттидан бир қисми”) ўқишни бошлаганлар. Ушбу китоб Қуръони каримнинг диний маросимларни адо этишда кўпроқ ўқиладиган кичикроқ сураларини ўзида жамлаган. «Ҳафтияк»ни ўқиш эски ўзбек мактабларида икки йилгача, баъзан ундан ҳам узоқ давом этган. Ўқувчилар «Ҳафтияк»ни тугатганларидан сўнг, «Чоркитоб» (Тўрт китоб)ни ўқишга киришганлар. «Чоркитоб» форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, у бундан бир неча юз йиллар муқаддам ҳар хил даврларда турли муаллифлар томонидан тузилган. IX асрда Шарофиддин Бухорий томонидан тузилган “Номи Ҳақ” деб номланувчи биринчи қисмида диний амаллар (тахорат, намоз, рўза ва ҳ.к.)га оид масалалар шеърий усулда баён этилган, иккинчи қисмида Қози Азмуддиннинг “Бидон” (Билгил) номли китобидан олинган ва юқоридаги масалалар катехизис (изоҳ) шаклида анча кенг ёритилган парчалар ўрин олган. “Чоркитоб”нинг “Мусулмонликнинг муҳим масалалари” деб номланган учинчи қисми ўқувчиларни шариатнинг асосий устунни, яъни мусулмон ҳуқуқшунослиги билан таништирган. Китобнинг “Панднома” (Насихат китоби) деб номланган ва XIII асрда ёзилган тўртинчи қисмида Қуръони каримдан олинган одоб-ахлоқ масалаларига оид қоидалар шеърий шаклда баён этилган. “Чор-китоб” ўқувчининг ўзлаштиришига қараб бир ярим-икки йил мобайнида бошидан охиригача ўқитувчининг изоҳлари ва тушунтиришлари ёрдамида ўқитилган. Уни ўқиш мобайнида ўқувчилар адабий тил ҳисобланган форс тили билан ҳам танишганлар. Шундан сўнг ўқувчилар мутлоқ дин масалаларига бағишланган “Саботул ожизин” китобини ўқишни бошлаганлар. Ушбу асар кўпинча унинг муаллифининг номи билан, яъни – “Сўфи Оллоёр” деб ҳам юритилган. Бу соф диний асар бўлиб, унда диний масалалар шеърий усулда баён қилинган. Болалар юқоридаги китобларни ўқиб битирганларидан сўнг, ўқитувчи тавсиясига кўра ўзбек ва форс-тожик шеъриятининг Ҳофиз, Бедил, Навоий каби мутафаккир шоирлари ғазалларини ўрганишни бошлаганлар. Мактабни

тамомлаган ўқувчилар таълимни давом эттириш учун мадрасаларга кирганлар. Мадрасалар учун кўпинча бадавлат кишилар маблағлари ҳисобидан, баъзида оддий аҳоли томонидан тўпланган маблағ эвазига махсус бинолар қурилган. Ўша даврларда шаҳарларда қурилган кўпчилик мадрасалар халқ меъморчилигининг ноёб намуналари бўлиб, улар ўзларининг маҳобати билан бугунги кунда ҳам кўзни қувонтириб турибди.

Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент шаҳарлари ва Қўқон хонлигидаги кўпчилик мадрасалар ўзларининг нодир қўлёзма асарлар жамланган улкан кутубхоналарига ҳам эга эди. Йирик шаҳарларда жойлашган ва ўз кутубхоналарига эга бўлган мадрасалар олий ўқув муассасаси вазифасини бажарган, қолганлари эса ўрта мусулмон мактаби ҳисобланган. Мадрасалар сони ҳақидаги маълумотлар ҳам жуда кам. Шунинг учун турли адабий, тарихий, этнографик, жўғрофий ва бошқа манбалардан фойдаланишга тўғри келади. Хусусан, Чор армияси зобити А.Хорошхиннинг қайд этишича, Тошкентда 17 та мадраса бўлган. М.Терентьев эса 1869 йилда Тошкент уездида вақф ҳисобига фаолият юритган 6 та мадраса бўлган, деган маълумотни келтиради.



Халқ таълими вазирлигининг берган 1910 йил ҳисоботига кўра, 1911 йилнинг 1 январига қадар Ўрта Осиёда мавжуд мактаблар сони 10 003 тани ва мадрасалар сони 1085 тани ташкил қилиб, вилоятлар бўйича қуйидагича қайд қилинган:

Вилоятлар	Мактаблар	Мадрасалар	Жами
Сирдарё	804	31	835
Фарғона	2446	204	2650
Самарқанд	2753	93	2846
Жами	6003	328	6331

“Ушбу уч вилоятда 6331 маҳаллий – мусулмон ўқув юртлари билан бир қаторда, атиги 89 рус-тузем ўқув юртлари бўлганини назарда тутсак, мактаб ва мадрасаларнинг нақадар катта аҳамиятга эга экани ўз-ўзидан тушунарли”, – деб ёзган эди 1913 йилда Н. А. Бобровников.

Мадрасадаги барча хўжалик ва молия ишларини мутавалли бошқарган. Шунингдек, вақф ерларида ишни ташкил қилиш, мардикорлар ёллаш, ижарачилар ва ҳиссадорлар билан шартнома тузиш, дўконлар, тегирмонлар ва мадрасанинг вақф мулкига кирувчи бошқа объектлардан ижара ҳақини ундириш ҳам мутавалли мажбуриятлари сирасига кирган.

Мутавалли мадрасадаги хизмат кўрсатувчи ходимлар (ўқитувчи мударрислардан ташқари) фаолиятини, айрим ҳолларда эса талабаларнинг дарсга қатнашларини назорат қилиб турган. Унинг лавозими отадан болага ўтган. Вақф даромадлари мадраса талабалари, мударрислар, мутавалли ва хизмат кўрсатувчи ходимлар ўртасида шариат қоидалари асосида тақсимланган.


Мадрасаларда ўқув ишлари мударрислар томонидан олиб борилган. Йирик мадрасаларда мударрисларни тайинлаш масаласи шахсан хон томонидан, кичикроқ мадрасаларда эса маҳаллий ҳокимият томонидан ҳал


этилган. Буни Қўқон хонлигининг мударрис тайинлаш ҳақидаги қуйидаги фармони мисолида ҳам кўриш мумкин:

«...Ҳаммага маълум бўлғайким, биз иқтидорли ва муносиб олим Мулла Муҳаммад Содикни Муҳаммад Алихон қурдирган мадрасага мударрис этиб тайинлашга фармон бердик. Ушбу мадрасанинг барча илм толиблари фанлар бўйича билим олиш учун шул зотга мурожаат қилмоғи даркор. Муҳр ва сана – 1843 й.»

Мирзо Улуғбек давридан бошлаб мударрис лавозимига номзод махсус Уламолар ҳайъатига имтиҳон топшириши, яъни ўз билимларини исботламоғи лозим бўлган. Бироқ, кейинчалик бу анъанадан бир оз чекинилган ва XIX асрнинг бошларига келиб мударрис лавозимига кўпроқ хонга қарашли шахслар тайинлана бошлаган. [134]

Камолиддин Беҳзод асарларида хурфикрлилик талқини





ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ДРАМА ТЕАТРИГА ТАШРИФ

Ўзбекистон Қаҳрамони А.Орипов асари асосида сахналаштирилган

“Жаннатга йўл” спектаклидан лавҳалар



Талабалар билан ташкил қилинадиган “ШОУ ПЕДТЕАТР”

“Агар мен декан бўлсам... (Ректор, ўқитувчи, декан ўринбосари..)” лойиҳасида “шоу педтеатр” сахна кўриниши тайёрланади. Бу жараёнга ижодкор талабалар жалб қилинади. Бунинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, талаба ўзини ўқитувчи, декан ёки ректор лавозимида кўришни истаб, ҳар бир лавозимнинг йўриқномаси билан танишиб ишни амалга оширади. Бунда берилган вақтнинг ичида талаба ўзининг истиқболли режаларини амалга оширади. Албатта, бу жараён сахна кўринишида ташкиллаштирилади. Ютуқ ва камчиликлар талабалар билан ўқитувчи бошчилигида муҳокама қилинади. Талабанинг истиқболли, педагогик хурфикрлаш қобилиятлари қай даражада шаклланганлиги кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам биз ўз изланишларимизда мустақил фикрлаш кераклигини англаб, педагогик хурфикрлилик ғоясини илгари суриб, ҳар бир талаба бошқаларнинг фикрларига қарам бўлиб қолмаслиги учун, уларга ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини билишга ижодий ёндашиш кераклиги уқтирилади. Уни англаб етган, ўзида педагогик хурфикрлиликни шакллантиришга ҳаракат қилган ҳар бир талаба воқеликнинг туб мазмун моҳиятини англаш учун педагогиканинг илмий тадқиқот методларига таяниб, уни ўрганишнинг янги йўллари кидиради. Демак, педагогик хурфикрлилик таълим-тарбия жараёнларида шаклланган ва ривожланган ақлий фаолиятнинг муҳим натижаси ҳисобланиб, унда воқеа ва ҳодисаларни илмий тамойилларга асосланиб, таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулосалар чиқаришни амалга оширадиган педагогик фаолият натижасидир.

Гофур Гуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикояси

Отамизнинг ўлганига анчагина йил ўтиб кетди. Бу йил - ўн еттинчи йилнинг кўкламида онамиздан ҳам ажралиб, шум етим бўлиб қолдик. Биз тўрт етимдан хабар олиб туришга катта онам-онамнинг оналари Роқия биби келиб турибдилар. Бу кишини биз эркалаб «қора буви» деб атаيمиз.

- Қани ҳурматли талабалар айтинглари-чи? Нега Роқия бибини эркалаб «қора буви» дейишади? Бу фикрга талабалар ўзларининг билимлари доирасида муносабат билдиради. Мисол учун кимдир ранги қора бўлгани учун деса, кимдир тақдири шундай бўлгани учун дер. Кимдир муаллиф бу она образида келажакни кўрмагандир дер. Нима бўлганда ҳам талабалар бир-бири билан фикр алмашишади. Бундай ёндашув ҳурфикрликни шакллантиради.

- Оқшомлари бувим бошлиқ ҳаммамиз олди очик айвонда увунтўда [*Увунтўда – эски титилиб кетган*] кўрпа-ёстиқларга ўралиб, биттагина Ўратепанинг кир ип шолчаси устида ухлаймиз. - “*Увунтўда*” сўзининг маъносини эслаб қолганмизми? Қани ким қандай фикр билдиради?

Талабалар бу тушунча устида ишлайди ва ҳар бири ўзининг муносабатини билдиради. Сентябрь ойларининг охири, илк куз оқшомларидан бири эди. Ҳаво анчагина салқин. Биз етимлар бир-биримизнинг пинжимизга тикилиб, бир-биримизни иситиб уйқуга кетганмиз. Қаторда энг сўнгги бўлиб, она чумчуқдай қора бувим ётардилар, у киши саксондан ошиб кетган, носкаш кампир эдилар. - “*Она чумчуқдай қора бувим ётардилар*”, - Бу нимани англатади? Талабалар бу борада ҳам ўзларининг фикрларини билиришади. Нима учун муаллиф бувини “она чумчуқдай” билади. Нега энди, у нима учун бу фикрга келди? Нега тақдир бу онахонни бунчалар эзиб ташлади? Ана шу каби саволлар устида талабалар ишлашади ва унга жавоб излашади.

Бу оқшом уч хўроз ўтгандан кейин, етти қароқчи юлдузи тик келганда гўнғир-гўнғир овоздан уйғониб кетдим.

“Бу оқшом уч хўроз ўтгандан кейин, етти қароқчи юлдузи тик келганда гўнғир-гўнғир овоздан уйғониб кетдим”. Ушбу гапда муаллиф нимага урғу бермоқда. *“Уч хўроз ўтгандан кейин”* бу билан муаллиф нима демоқчи? *У тунда қичқирадиган хўрозга ишора қилмоқдами ёки юлдузлар туркумигами? Ана шу каби саволлар устида ишлаш талабаларни мушоҳадага чорлайди. Билимларини бойитади. Фикрларини теранлаштиради.*

Бувим ким биландир анчагина баланд овоз билан суҳбатлашмоқда эдилар. Ҳовлимиз, ота-бувадан қолган, анчагина катта бўлиб, тўртбурчак таноби ҳовлилардан эди. Гир атрофи иморат, шимол томонда амакиваччаларимиз туришарди. Лекин улар ёзда боғга кўчиб кетардилар. Ҳозир улар томон бўш. Бунга қаранг-а, бизнинг уйимизга ўғри кепти. Бизни ҳам одам деб йўқлайдиган кишилар бор экан-да, дунёда? Эртага ўртоқларимга тоза мақтанадиган бўлдим-да: «Бизнинг уйга ўғри келди». Гурур билан айтилса бўлади. Лекин ишонимизми? Талабалар билан шу ҳикоя устида ишлаш жараёнларида уларни фаолликка ундаб борилади.

Ҳар бир талаба билан ишлашни йўлга қўйиб боришга эришиш учун, *“Эртага ўртоқларимга тоза мақтанадиган бўлдим-да: «Бизнинг уйга ўғри келди».* Гурур билан айтилса бўлади. *Лекин ишонимизми?”* - деган фикр устида янада кўпроқ ишлаб, талабаларнинг бу борадаги сўзларига эътибор қаратилади. Нима учун уйига ўғри келганлиги билан бола фахрланаяпти? Бу билан у ўғрилиқни тарғиб қилмаяптими? Ёки боланинг бир мазза қилиб мақтангиси келиб қолдими? Агарда бола мақтанса, унга ўртоқлари ишонадими? Агар ўртоқлари ишонмаса, бола ўзига лақаб орттириб олмайдими?

Ўғри ўша амакиваччаларнинг тоmidан секин юра келиб, бувимнинг тўғриларига келганда, акса уриб юборибди. Бувим эса ёстиқни кўкракларига қўйиб, тил тагидаги нос билан ўйлаб ётар эканлар. Бувим

«туф» деб носни туфлаб, томга қараб: — Ўғригина болам, ҳой ўғригина болам, ҳойнаҳой бирор тирикликнинг кўйида томга чиққан кўринадан, ахир касбинг нозик, тумов-пумовингни ёзиб чиқсанг бўлмайдими, — дебдилар. Ўғри томдан туриб: — Ахир, бувижон, сиз ҳам бироргина кеча тинчингизни олиб ухласангиз бўлмайдими, бизнинг тирикчилигимизнинг йўлини тўсаверасизми? — дебди. Мен гап шу ерларга келганда уйғониб кетган бўлсам керак. Қолган гапларни эшитганимча қилиб ёзаман. — Ҳой, айланай, ўғригина болам, бошимда шундай мусибат турганда кўзимга уйқу келадими? Мана: олти ой бўлди, бирор соат мижжа қоқиб ухлаганим йўқ. Кундуз кунлар гарангдай довдираб юраман. Бирор ерга ўтиб мизғигандай куш уйқуси қиламан. Кечалари хаёл олиб қочиб кетади. — Нималарни хаёл сурасиз, бувижон? — бу гапдан кейин устидаги тўнини турмучлаб [Турмучлаб - буклаб] бўғотнинг устига ёстиқ қилиб қўйиб, ўғри ҳам ёнбошлаб олди. — Нималарнинг хаёлини сурардим. Шу тўртта етимнинг эртасини ўйлайман-да, болам. Замонни ўзинг кўриб турибсан, тириклик тошдан қаттиқ, туянинг кўзидай нон анқога шапиғ. Ҳали буларнинг кўлидан иш келмайди. Сўққабошгина аравакаш тоғаларининг топгани ўзининг рўзғоридан ортиб, буларга қут-лоямут [Лут-лоямут – етарли овқат] бўлиши қийин. Рўзғорда бўлса, кўз кўриб, қўл тутгудай арзигулик буюм қолгани йўқ. Бир чеккадан сотиб еб турибмиз. «Туриб еганга турумтоғ чидамас», деганлар. Эҳ-ҳа, бу болалар қачон улғаяди-ю, қачон ўзининг нонини топиб ейдиган бўлади! Чор-ночор хаёл сурасан, киши. Тагин бу етимларнинг биттагинаси ўғил, учтаси қиз. Энди ўн тўртдан ўн бешга ўтди. Қизлари қурғур қачон бир ерга элашиб кетади-ю. Ўзи ўраб, ўзи чирмаб оладиган жой чиқмаса, буларга кимнинг ҳам кўзи учиб турибди дейсан. Замон қаттиқ, ўғригина болам, замон қаттиқ! — Тўғри айтасиз, бувижон, — деди ўғри, — менинг ҳам икки болам, хотиним, битта кампир онам бор, бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув керак, деганларидек, шуларни боқшим керак. Тўртта чавати нон топиш учун ўзимни ўтга, чўғга, Алининг қиличига ураман. Бўлмаса, ишлай десам билагимда қувват бор, ақл-у

хушим жойида. Менга ҳозир шу қилиб турган ўғрилиқ касби ёқади, дейсизми. Туппа-тузук аёлманд косибнинг боласи эдим. Замон чаппасига кетди. *Керинска пошио бўлгандан кейин уруш тўхтайдди, деган эдилар. Ҳали-бери тўхтайдиган кўринмайди. Ҳали ҳам замон-замон ўша илиги тўқларники.*

Талабаларда хурфикрлиликни ривожлантириш учун, уларда ижтимоий ҳаётга реал муносабат билдиришни ўргатиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун уларни илмий билимлар билан қуроллантириш керак. Фақатгина улар илм орқали юксак чўққиларга чиқишлари мумкин. Мисол учун, ушбу ҳикоядаги *“Тўртта чавати нон топиш учун ўзимни ўтга, чўзга, Алининг қиличига ураман”, “Керинска пошио”* бу нима дегани бунинг учун албатта, илм керак. Ана энди талабалар, ўзларининг фикрларини айтишсин. Фикрлар асосли бўлсин. Талабалар саволни тўғри қўйсин. Унга тўғри жавоб бера олсин. Ана шу тарзда ҳикоя устида ишлаш давом этади.

Бирор бошқа касб қилсанг бўлмайдимми, болам, - деди кампир. — Нима касб қилай? Ҳамма касбларнинг ҳам бозори касод. *Ота касбим кавушдўзликни қилайми? Аввало шуки, кавуш тикишга на чарм бор, на сирач, на мих, на лок. Масаллигининг ўзи битиб чиққан кавушдан уч баравар қиммат.* Ҳаммоллик қилай десам, аввалгидек қоплаб ғалла, қоплаб сабзи-шолғом оладиган бадавлатнинг тухуми қуриган. *Тунов кунини шу маҳалланинг девкор этикдўзларидан Бувадат ота бутун қолип-у шон-у сўзан, бигизларини улгуржисига икки пуд жўхори унга мовоза қилди. Яхши қилди.* Унинг этигини киядиган ўзбек, қозоқ, қирғиз деҳқонлари қаёқда дейсиз, қолган эмас. Фақат уларнинг етимларигина шахримизни тўлдириб юрибди. Қайси бурчакка, қайси чордеворга бош суқманг, ўн бешта етим ювуқсиз қўлини чўзиб: «Амаки, нон беринг», дейди. Нон-а, ўзимникига тополмайман-у! *Битта ман эмас, буви, маҳалладаги ҳамма косибларнинг аҳволи шунақа. Пичоқчилар ҳам, бўзчилар ҳам, кўнчилар ҳам, борингки, мактаб домлалари ҳам, муллаваччаларнинг ҳам ранги пано. Бир қошиқ оби ёвгонга зор. Санқиб юрибди.*

Талабаларда педагогик хурфикрлиликни шакллантиришда мантиқан фикрлаш ҳам жуда муҳимдир. Масалан, *“Масаллигининг ўзи битиб чиққан кавушдан уч баравар қиммат”*, *“девор этикдўзларидан Бувадат ота бутун қолип-у шон-у сўзан, бигизларини улгуржисига икки пуд жўхори унга мовоза қилди”*. Қани айтинглари, энди бу нима дегани, нега бунақа ҳолат юзага келди? Бунинг асл сабаби нимада эканлигини талабалар мантик босқичларига таянган ҳолда жавоб беришлари керак. Воқеа қайси асрнинг, нечанчи йилларига тўғри келишини англаб, кейин муносабат билдириши керак.

Хув, худоё уруши бошига етсин, қиёмат-қойим дегани шудир-да, а, ўғригина болам-а. Ҳа, майли, шу етимларнинг ҳам пешанасига ёзгани бордир. Хўш, энди ўзингдан сўрай. *Ахир, ноиложликдан-ку, шу ҳаром йўлга қадам босибсан, ўзига тўқроқ, бадавлатроқ одамларникига борсанг бўлмайдими?* Мана шу маҳаллада Карим қори деган читфуруш бор, Одилхўжабой деган пудратчи бор. Матёкуббой деган кўнчи бор. Буларнинг давлати-ку мил-мил. Бешиқдаги боласи ҳам четига байт ёзилган чинни косада ош ичади. Шуларнинг томини тешсанг бўлмайдими? — *Эй, бувим тушмагур, соддасиз-да, содда, — деди ўғри. — Бойларнинг уйига тушиб бўладими, уларнинг пахсаси саккиз қават, эшиклари темирдан, ҳар биттасининг қўрасида эшакдай-эшакдай иккита, учтадан итлари бор. Бу итлар ҳовли саҳнидан битта капалак ўтса, бир ҳафта вовуллайди. Одилхўжабойнинг ғуломгардишида-чи [Ғуломгардиши - ҳовли дарвозаси ёнида қуллар яшайдиган кулба; бу ерда «йўлак» маъносида ишлатилган], милтиқ ушлаган городской туради. Жонимдан кечибманми, ўлдирмаганда ҳам сибир қилиб юборади.*

Бу гапинг ҳам тўғри, ўғригина болам. Аммо-лекин эҳтиёт бўл. Эл-юртнинг олдида тагин бадном бўлиб қолмагин, — деди бизнинг кампир.

Гапингиз тўғри, буви, тунов куни Ориф сассиқнинг отхонасидан тўртта товук, битта хўроз ўмарган эдим. — *Товук, хўроз дедингми? Ҳа, бу махлуқлари қурғур қақақлаб сени шарманда қилмадими? — Ҳамма ишининг*

хам ўз мароми бўлар экан, буви, товуқ олгани борганда чўнтагимга бир шишага сув солиб оламан. Кейин қўндоқнинг тагига бориб, оғзимни сувга тўлдириб товуқларга пуркайман. Товуқдай аҳмоқ жонивор оламда йўқ. Ёмғир ёғаяпти, шекилли, деб ўйлаб, бошини ичига тиқиб, ҳап ётаверади, кейин битта-битта ҳиқилдоғидан тутиб халтага соламан. — Шунақа дегин, вой тавба-эй. Ҳамма хунарнинг ҳам ўзининг мурт гардони [Мурт гардони - ҳисоб-китоби, жавоби] бўлар экан-да.

Талабаларга “Ҳамма ишнинг ҳам ўз мароми бўлар экан, буви, товуқ олгани борганда чўнтагимга бир шишага сув солиб оламан. Кейин қўндоқнинг тагига бориб, оғзимни сувга тўлдириб товуқларга пуркайман. Товуқдай аҳмоқ жонивор оламда йўқ. Ёмғир ёғаяпти, шекилли, деб ўйлаб, бошини ичига тиқиб, ҳап ётаверади, кейин битта-битта ҳиқилдоғидан тутиб халтага соламан”. Талабаларга ҳикоянинг бу қисмини ўқиб берилгандан кейин, у нақадар ҳақиқатга яқинлиги борасида фикрлар алмашиналади. Шундан сўнг яна ҳикоянинг давоми тингланади.

— Шундай қилиб десангиз, бувижон, сиримнинг ҳашаги очилишига оз қолди. Йўқ, элликбошимиз Раҳмонхўжага хўрозни олиб бориб берган эдим, ишни босди-босди қилиб юборди. Раҳмонхўжа мен билан тузук, яхши одам. Бултур уни-буни сотиб, саксон уч сўм пул жамғариб: «Топганимиз шу, элликбоши ота», - деб пора берган эдим, рабочийга кетишдан олиб қолди. — Ҳа, ишқилиб, бола-чақасининг эгилигини [Эгилигини - «роҳатини», «орзу-ҳавасини» маъносида] кўрсин. Энди буёққа қара, ўғри болам, ҳадемай тонг ҳам ёришиб қолар. Ана, ёруғ юлдуз ҳам тиккага келиб қолди. Ошхонанинг ёнидаги тутдан сирғалиб пастга туш, ўтинимиз йўқ. Ошхонада бир замонлар богдан келган бир-иккита ёнгоқ тўнка бор, болтани олиб, шунинг бир чеккасидан озгина учуриб бер, қумгон қўяман. Кеча тоғанг бериб кетган зогорадан иккитасини олиб қўйганман, биргалашиб чой ичамиз. — Йўғ-э, буви, деди ўғри, - тўнка ёриб-ку берарман, аммо чой ичолмайман, чунки кун ёришиб қолса, мени таниб қоласиз. Жуда

ҳам юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уяламан. — Вой ўлай, қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам? Бир нима олиб кет.

Талабалар билан олиб борилаётган ишлар ўз яқунишга самарали етиши учун, *“Йўғ-э, буви, - деди ўғри, - тўнка ёриб-ку берарман, аммо чой ичолмайман, чунки кун ёришиб қолса, мени таниб қоласиз. Жуда ҳам юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уяламан. — Вой ўлай, қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам? Бир нима олиб кет”* ҳикоянинг бу қисми бўйича иш олиб борилади”- ҳикоянинг айнан шу қисмига кўпроқ урғу бериш керак. Бунда:

- *Тўнка ёриб-ку берарман;*
- *Аммо чой ичолмайман;*
- *Мени таниб қоласиз;*
- *Жуда ҳам юзимни сидириб ташлаганим йўқ;*
- *Андишам бор;*
- *Уяламан;*
- *қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам* каби фикрлар устида

ишлаш керак.

Тўхта, нима олиб кетсанг экан, ҳа, дарвоқе, ошхонада битта ярим пудлик қозон бор. Аллазамонлар уйимизда одамлар кўп эди, катта қозонда ош ичардик. Худонинг ғашига тегдик, шекилли, шундоқ катта, гуркираган хонадондан мана шу тўрттагина етим қолиб турибди. *Эҳ-ҳа, булар қачон катта қозонни қайнатар эди-ю... Шуни олиб кета қол. Сотиб бир кунингга яратарсан, ўғригина болам. — Йўқ, йўғ-э, буви, ёмон ният қилманг. Ҳа-хув дегунча бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади. Яна катта оилалар жам бўлади. Ҳатто бу қозон ҳам кичиклик қилиб қолади. Ўша етимларнинг ўзига буюрсин. Тўйларида ўйнаб-кулиб хизмат қилайлик. Хайр энди, буви, мен кетаман, тоғ томон ҳам ёришиб қолди. — Хайр, ўғригина болам, келиб тур. — Хўп, она, хўп... Мен ўша ўғри кишини танир эдим. Ҳалигача ҳеч кимга*

кимлигини айтган эмасман деб ҳикоя якунланади. Талабалар бу борада давра суҳбатини ташкил қилди. Ёзувчи нима учун қизлар образини фаоллаштирмагани, талабалар нуқтаи назаридан таҳлил қилинди.

Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар”идан

“Мункиллаб қолган аммам бўларди. Ўта художўй кампир эди. Болалигимда олдиға ўтказиб қўйиб, бир гапни кўп айтарди.

- У қулоқ, бу қулоғинг билан ҳам эшитиб ол, болам. Одамнинг у елкасида ҳам, бу елкасида ҳам биттадан фаришта ўтиради. Ўнг елкангдаги фаришта умр бўйи қилган савоб ишларингни, чап елкангдагиси гуноҳларингни ҳисоблаб боради. У дунёга борганинда ҳисоб-китоб қилиб кўришади. Савобинг ортиқ бўлса, жаннатга, гуноҳинг ортиқ бўлса, дўзахга тушасан...

Саводсиз кампирнинг содда фалсафасида қанчалик чуқур маъно борлигини энди тушунаяпман”.

Бу ҳикоя асосида саҳналаштирилган спектаклни кўрган ва ўқиган талабаларда эркин фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда, ўқитувчи ундовчи саволлар билан уларга туртки бериб турди. Мисол учун: “*Ўта художўй кампир эди*”. Бу билан уни диний билимлар соҳибаси демоқчимиз? ёки “*Одамнинг у елкасида ҳам, бу елкасида ҳам биттадан фаришта ўтиради*”. Нима учун кампир бунчалик ишонч билан айтмоқда? ёки кампир фаришталарни ўз кўзи билан кўрганмикин? “*У дунёга борганинда ҳисоб-китоб қилиб кўришади*” – у дунё ҳақиқатдан борми? борлигини асослаш мумкинми?, “*Савобинг ортиқ бўлса, жаннатга, гуноҳинг ортиқ бўлса, дўзахга тушасан*”, деганда у кампир ҳақ гапни айтдимиз? Унинг борлигига ким гувоҳ бўлган? Ана энди талабалар юқоридаги саволларга жавоб бериш жараёнларида эркин фикрлай олиш қобилиятларини намоён қилди.

Баъзилар «ҳалол ва ҳаром» деганда, «еб-ичиш мумкин бўлган ва еб-ичиш мумкин бўлмаган» нарсани англайдилар... Юзаки тушунча! Аслида бу- «қилиш мумкин бўлган ва қилиш мумкин бўлмаган» амаллар дегани ҳамдир...

Биласиз: нон энг табаррук неъмат. Бироқ нопок йўл билан топилган нон ҳам ҳаром! «Нонингни ҳалоллаб е», деган гап бежиз айтилмаган.

Ҳурматли талабалар Ўткир Ҳошимовнинг ушбу ҳикоясига мос фикрлар билан ўртоқлашамиз. Мисол учун талабанинг кўп дарс қолдириши, устозларининг ўғитларига қулоқ солмасликлари, танишлари кўмагида баҳолар олиши бу «*Нонингни ҳалоллаб е*», деган амалга тўғри келадими? Талабалар бу борада ҳам фикрлар билдиришди. Фикрлар хилма-хиллиги талабаларда ҳурфикрлиликни ривожлантиришга ёрдам берди.

Талабаларда педагогик ҳурфикрлиликни шаклантириш ва ривожлантириш орқали ғоявий етуклик сари бошлаш учун ўз-ўзига бўлган ишончи орттирилди. Ўзига ишонган кишида яхшиликка интилиш ва ёмонликни рад этиш иммунитети пайдо бўлади. Бу туйғу унда соғлом тафаккурни шакллантиради. Одамларга, давлатга, жамиятга ва келажагига бўлган ишонч ва улкан меҳрни уйғотади.